



# ҚҚДУ ҲУЗУРИДАГИ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

2021

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАГИ  
ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

Сейдаметова Гулнара | т.ф.ф.д., (PhD) доцент

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ  
ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши:** Ўзбекистон тарихи

**Тингловчилар контингенти:** Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари

Нукус – 2021

Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** Бердақ номидаги ҚҚДУ  
“Ўзбекистон ва  
Қорақалпоғистон тарихи”  
кафедраси доценти, тарих  
фанлари фалсафа доктори (PhD),  
Г.Сейдаметова

**Такризчи:** Р.Дж.Базарбаев – тарих фанлари  
доктори (DSc), доцент.  
Б.Коцанов - тарих фанлари  
доктори, профессор.  
Қ.Танирбергенова - тарих  
фанлари номзоди, доцент.

Ўқув-услубий мажмуа Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “30”-декабрдаги 5-сонли баённомаси).

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	13
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	21
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	118
V.	КЕЙСЛАР .....	136
VI.	ГЛОССАРИЙ .....	137
VII.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	147
VIII.	ТАҚРИЗЛАР.....	153

## I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига татбиқ этилиши” модулининг мақсади:** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**“Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига татбиқ этилиши” модулининг вазифалари:**

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

**“Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига татбиқ этилиши” модули бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:**

Махсус фанлар бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

– Ўзбекистоннинг ўзига хос истиклол ва тараққиёт йўлини;

– Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари;

– Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини;

- Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг назарий ва амалий таълимоти – тарққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, бу борадаги ютуқлар, истикбол режалари, мақсад ва вазифалари билиши керак.

### **Тингловчи:**

– Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири, Ватанимиз нақадар қадимий ва бой тарихга эга эканини, бу тарихнинг яратувчиси, унинг ҳақиқий эгаси ҳам шу заминда яшаётган халқ эканини англаб тарихий тафаккурга эга бўлиш, тарихий ҳақиқатни бугунги кун билан солиштириш, таҳлил қила билиш;

- ўз она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб билиш ва ундан ғурурланиш ҳиссига эга бўлиш ва буни ўзининг амалий ишларида намоён этиш;

- аждоғларимизнинг тарихий меросни ўқиб-ўрганиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- тарихий воқеа ва ҳодисаларни таққослаш орқали улардан ўзи, жамият учун муҳим хулосалар чиқариш, бугунги эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш;

- жамият тараққиётида халқнинг, сиёсий йўлбошчиларнинг ўрни ва аҳамияти нақадар катта эканини англаб, уларга ҳаққоний баҳо бериш, аксинча турли хавф-хатарларнинг бу борадаги зарарини тушунтира бера олиш, тарихий мисоллар асосида маърифий тарғибот юритиш, халқнинг савиясини оширишга интилиш;

- тарихий воқеалар ва ҳодисалар бўйича оғзаки ва ёзма нутқ орқали, адабий тил қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш, илмий асосланган, мустақил фикрига эга бўлиш ва уларга онгли муносабат билдира олиш малакаларига эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- Ўзбекистонда олиб борилган ислохотларнинг назарий концептуал масалаларини;

- Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг мазмун ва моҳиятини;

- Иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари;

-Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамиятини таҳлил қила олиш каби компетенцияларига эга бўлиши лозим.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Қадимги даврга оид тадқиқотларга янгича нигоҳ.	2	2	2	
2.	Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг Урганилиши	2	2		2
3.	Ўрта асрлар тарихи: янгича талқин ва ёндашув.	2	2	2	
4.	Ўрта Осиё хонликлари тарихи янги баҳолашлар нуқтаи назаридан (XVI - XIX асрнинг биринчи ярми)	2	2		2
5.	Буюк ипак йўлини ўрганишнинг баъзи бир инновацион усуллари ҳақида	2	2		2
6.	Совет даври тарихига замонавий ёндашув	2	2	2	
7.	"Маданий инқилоб" модели ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш (XX асрнинг 20-30 йиллари)	2	2		2
8.	Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида.	2	2	2	
9.	Миллатлараро тотувликнинг Ўзбекистон модели - полиэтник муаммоларни ҳал қилишда ноёб тажриба	2	2		2
10	Этногенез ва этник тарихни ўрганиш мисолида ўқув жараёнида инновациялар муаммоси)	2	2		2
	<b>Жами:</b>	20	20	8	12



## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу:** Қадимги даврга оид тадқиқотларга янгича нигоҳ. (2 соат)

**Режа:**

1. Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимига оид янги тадқиқотлар натижалари.
2. Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар

**2-мавзу:** Ўрта асрлар тарихи: янгича талқин ва ёндашув. (2 соат)

**Режа:**

1. Илк ўрта асрлар Сўғдиёна хунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар.
2. Султон Махмуд Газнавийнинг тарихда тутган урни хусусида мулоҳазала.

**3-мавзу:** Совет даври тарихига замонавий ёндашув. (2 соат)

**Режа:**

1. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар.
2. Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг моҳияти ва ривожланиш босқичлари.
3. Ўзбекистоннинг ижтимоий - иқтисодий барқарорликни яратишдаги давлат сиёсати (1989-1990 йиллар мисолида)

**4-мавзу:** Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида. (2 соат)

**Режа:**

1. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари.
2. Мустақиллик йилларида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихшунослиги.
3. Диаспорология - Ўзбекистон ижтимоий фанларидаги янги илмий йўналиш.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

**1-мавзу:** Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг урганилиши. (2 соат)

**Режа:**

1. Илк ёзув турлари (Пигтографик ёзув, идеография, миҳхат, иероглиф ёзуви)
2. Алфавитли ёзувнинг вужудга келиши

**2-мавзу** Ўрта Осиё хонликлари тарихи янги баҳолашлар нуқтаи назаридан (XVI - XIX асрнинг биринчи ярми). (2 соат)

**Режа:**

1. Маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарлари.
2. Чет эл тадқиқотчиларининг асарлари.

**3-мавзу.** Буюк ипак йўлини ўрганишнинг баъзи бир инновацион усуллари ҳақида. (2 соат)

**Режа**

1. Буюк ипак йўли ва Ўрта Осиё тарихини ўрганиш масалалари.
2. Буюк ипак йўлининг тадқиқотларини халқаро ҳамкорликка қўшилиши (интеграциялашуви)

**4- мавзу.** "Маданий инқилоб" модели ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш (XX асрнинг 20-30 йиллари). (2 соат)

**Режа**

1. Сталин даврида совет репрессив сиёсатининг ўзбек халқи маданиятига таъсирини тизимли равишда ўрганиш.
2. Ўзбекистонда "қизил империя" нинг сиёсий экстремизми.

**5 – мавзу.** Миллатлараро тотувликнинг Ўзбекистон модели - полиэтник муаммоларни ҳал қилишда ноёб тажриба **(2 соат)**

**Режа**

1. Ўзбекистон Республикаси турли миллатлар, динлар, халқларнинг маданияти ва урф-одатларининг тинч ҳаёти ва бирга яшашининг намунасидир.

2. Миллий масалалар ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги устувор вазифалар.

**6 – мавзу.** Ватанимизнинг энг янги тарихи: фуқаролик жамияти институтларини модернизациялашнинг маънавий жиҳати. **(2 соат)**

**Режа**

1. Фуқаролик жамияти тизимида фуқароларнинг маънавий тикланиши.

2. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маънавий қадриятлардан фойдаланиш.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Туркистон АССР Миллий ишлар халқ комиссарлиги (1918-1924) фаолиятини ўрганиш тарихига замонавий қарашлар.

Ўзбекистон тарихи бўйича янги материаллар (Яккабоғ даъфн эпиграфияси материаллари асосида).

Коракалпогистон тарихини ёритишда янги археологик малумотлардан фойдаланишнинг ахамияти.

Ўзбекистон Республикаси олий таълимини ислоҳ қилишни ўрганишда инновация масалалари.

Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда шахсий фондларидан фойдаланиш

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:


- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


**Машғулотлар жараёнида “Ақлий ҳужум” ва “Хотирани чархлаймиз”  
усуллари қўлланилади.**

<b>Ақлий ҳужум</b>	(брейнсторминг – мия бўрони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг ҳатти-ҳаракати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди. Хотирани чархлаймиз усули бўйича саволлар экранда намоёиш қилинади. <b>(1-мавзу, 1а- илова); (1-мавзу, 1б- илова);</b>
<b>Қоидалари</b>	имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни қайд этиш.
<b>Таълим берувчи</b>	иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ҳа-йўқ сўзлари билан); сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тўсқинликни йўқотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров). Қатнашчиларни жавобларини таҳлил қилади умумий хулоса беради. ҳар бир жавоб текширилади <b>(1-мавзу, 2- илова)</b> хулосалар чиқарилади <b>(1-мавзу, 3- илова)</b>
<b>Фидбэйк</b>	- ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; <b>(2-мавзу, 2-илова)</b> - энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш <b>(2 мавзу, 3-илова)</b>

## Иловалар



## Марғиёна, Бактрия ва Сўғдиёна илк темир даври ёдгорликлари



***Хурматли тингловчилар қуйидаги саналар сизга нималарни эслатади  
Ҳамкорликда хотирамизни чарқлаймиз марҳамат !***

***1989 йил 21 октябрь***

***1989 йил 24 июнь***

***1990 йил 5 июнь***

***1990 йил 24 март***

***1990 йил 21 март***

***1990 йил 20 июнь***

***1991 йил 18 ноябрь***

***1991 йил 31 август***

***1992 йил 8 декабрь***

***1991 йил 29 декабрь***


***2010 йил 12 ноябрь***

***1997 йил 29 август***

## БИРГАЛИКДА ТЕКШИРАМИЗ

<b>1989 йил 24 июнь</b>	И.Каримов Республика ҳукумати мажлисида “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” деб, қатъий баёнот берган.
<b>1989 йил 21 октябрь</b>	“Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинган.
<b>1990 йил 5 июнь</b>	Ўзкомпартиянинг XXII съездида И.Каримов таълим-тарбияга эътибор қаратиб, Халқ таълими, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувларни талаб қилиши бўйича маъруза ўқиган.
<b>1990 йил 20 июнь</b>	Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ II сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинган
<b>1990 йил 21 март</b>	Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланди.
<b>1991 йил 31 август</b>	XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг VI-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.
<b>1991 йил 18 ноябрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.
<b>1991 йил 29 декабрь</b>	Референдум. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилган.
<b>1992 йил 8 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган.
<b>1997 йил 29 август</b>	Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури қабул қилинган.
<b>2010 йил 12 ноябрь</b>	Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинган.

## Ғазнавийлар давлат бошқарувида мансаблар ва хизматлар.







**Қуйидаги саволларга аниқ ва асосли жавоб беринг.**

1. Ўзбекистон Республикаси қандай ривожланмоқда?
2. Қўлга киритаётган натижаларимизни нима учун бутун дунё тан олаётир?
3. Халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўринни эгаллаётганининг боиси нимада?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА  
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА АМАЛГА  
ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР**

**ХУРМАТЛИ ТИНГЛОВЧИЛАР, ҚУЙИДАГИ САНАЛАР БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЁДГА ОЛАМИЗ**

2016 йил 8 сентябрь

2016 йил 9 сентябрь

2016 йил 14 сентябрь

2016 йил 18 октябрь

2016 йил 4 декабрь

2016 йил 5 декабрь

2016 йил 30 декабрь

2016 йил 7 декабрь

2016 йил 14 декабрь



	<b>ЖАВОБЛАРИМИЗНИ АНИҚЛАШТИРАМИЗ</b>
<b>2016 йил 8 сентябрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Вақтинча Президентлик вазифасини бажаришга киришиш.
<b>2016 йил 9 сентябрь</b>	2016 йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.
<b>2016 йил 14 сентябрь</b>	2016 йил 14-сентябрда янги таҳрирда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонун қабул қилинди. <i>Қонун 4 боб ва 33 моддадан иборат.</i>
<b>2016 йил 18 октябрь</b>	Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзусидаги Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи
<b>2016 йил 4 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни
<b>2016 йил 5 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг брифинги. Сайлов натижалари эълон қилинган кун.
<b>2016 йил 30 декабрь</b>	Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда “Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақиға хизмат қилсин” мавзусида маъруза қилди.
<b>2016 йил 7 декабрь</b>	Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиғи ва

	инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ манфаатларининг гарови” нутқи
<b>2016 йил 14 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси. Иннагурация маросими.

2-мавзу учун (3- илова)



### 2-мавзу бўйича саволлар:

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик.
2. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” эканлиги.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор вазифалари.
4. Халқ ва виртуал қабулхоналарнинг ташкил этилиши
5. Ёшларнинг Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва фаол иштирокини таъминлаш омиллари
6. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва инсон капиталини ривожлантириш масалалари
7. Таълим-тарбия ривожини - жамиятни модернизациялашнинг, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омили сифатида
8. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари

### III. НАЗАРИЙ МАНШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: ҚАДИМГИ ДАВРГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ЯНГИЧА НИГОҲ. (2 соат)

##### РЕЖА:

- 1.1. Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимига оид янги тадқиқотлар натижалари.
- 1.2. Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар

**Таянч иборалар:** *Зироатчилик ва чорвадорлар маданиятлари, археологик маълумотлар, деҳқончиликнинг ёйилиши, шилаб чиқариш муносабатлари, меҳнат қуроллари, бронза қуроллар, кулолчилик маданий ютуқлар, Сополитена, Даштлик–Сополли маданияти, Гонур–Тўғалоқ маданияти, Бақтрия–Марғиёна цивилизацияси, Жарқўтон, моддий манбалар, Тозабогёб. Замонбобо, Чуст маданияти, тоғ олди ва даштларда яшовчи аҳоли, металлургия ривожси, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, меҳнатнинг йирик тақсимоти, маданий алоқалар, аҳоли, этник муносабатлар, ҳунармандчилик соҳалари, бинокорлик усуллари, меъморчилик ибодатхоналар, миграциялар, қадимий эътиқодлар, патриархат, катта патриархал оила, ижтимоий гуруҳлар, илк давлатчилик тизими, цивилизация.*

#### 1.1 Марказий Осиё Қадимги давр халқаро маданий алоқалар tizimiga oid yangi tadqiqotlar natijalari

Қадимги замонлардан бошлаб Марказий Осиё халқларининг тарихий тақдири бир-бирига узвий боғланган. Улар турли кўринишдаги ўзаро ва ташқи алоқалар, маданиятлараро мулоқот асосида ривожланиб борган.

Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридаги қуйидаги фикрлар бу тарихий ҳақиқатнинг энг лўнда ифодасидир: «Тарихимиз каби, қадимги маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу табиий хол, чунки ҳеч қачон, ҳеч қерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир» Шарқ цивилизацияси марказларидан бири ҳисобланган Марказий Осиё асрлар мобайнида Буюк Ипак йўлининг марказий бугини Шарқ ва Гарб цивилизациялари учрашадиган, ҳамкорлик ҳудуди сифатида машҳур бўлиб, халқаро иқтисодий-маданий алоқаларда муҳим ўрин тутган.

«Маданий алоқалар» тушунчаси анча кенг қамровли бўлиб, у кишилиқ жамиятлари ўртасидаги турли кўринишдаги алоқаларни ўзида акс эттиради. Маданий алоқалар савдо-сотик ва элчилик муносабатлари, хунармандчилик меъморчилик хайкалтарошлиқ тасвирий санъат, диний-фалсафий таълимотлар, ахлоқий мезонлар алмашинуви, илм-фаннинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик ишлаб чиқаришдаги технологик янгиликларнинг, инновацион гояларнинг тарқалиши ва бошқа кўринишларда амалга оширилиб келинган. Ҳар қандай цивилизация ривожланишида қўшни ва узок ўлкалар билан иқтисодий-маданий алоқалар катта ўрин тутган бўлиб, бу жараён маданий юксалиш ва технологик тараққиётга туртки берган. Турли сабаблар туфайли, халқаро алоқалардан узилиб қолган жамиятларда тургунлик ва инқироз даври бошланиши инсоният тарихида кўп бор кузатилган. Цивилизация - жаҳон тараққиётининг омили бўлиб, цивилизациялар ўртасидаги мулоқотнинг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари тарихий тажриба ва замонавий муаммолар каби масалаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, биринчидан, Марказий Осиёнинг «юраги» ҳисобланган Ўзбекистоннинг умумжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг ҳажми ва салмоғини тўла англашга, иккинчидан, унинг минтақанинг бутун ҳудудида барқарорлик ва яхши кўшничилиқни

мустваккамлашдаги замонавий геосиёсий ахамиятини тушуниб етишга кўмаклашади.

Маданий алоқалар тарихига назар ташласак турли тарихий даврларда ички ва ташки маданий алоқалар ривожига таъсир қилувчи омиллар ичида кўйидагилар асосий ўрин тутиб келганини қайд қилиш мумкин:

- мамлакатнинг географик ҳолати, табиати, ҳудудининг ҳажми;
- аҳолиси миқдори;
- халқнинг менталитети, характери;
- ҳукумат тузилиши, бошқарув тизимида тегишли маҳкамалар мавжудлиги ва улар фаолиятининг самарадорлиги;
- сиёсий барқарорлик ҳуқуқий мезонларнинг етакчилик қилиши;
- алоқа йўллари ва тегишли инфратузилмалар мавжудлиги.

Янги тадқиқотларга асосланиб маданий алоқаларни даврлаштиришда ўзига хос хусусиятларга эга булган бир неча тарихий босқичларни қайд қилиш мумкин. Мисол учун, маданий алоқаларнинг илк босқичи тош давридаёқ бошланган. Ер юзининг турли ҳудудларида олиб борилган тарихий археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилсак илк алоқа йўллари шакллана бошлаган қадимги даврдаёқ ер шарининг турли ҳудудлари ўртасида маданий мулоқот ва ҳамкорлик пайдо була бошлаганлигини кўрамиз. Дастлаб ўзаро қўшни қабилаларнинг хўжалик юритиш соҳасидаги янгиликларни бир-бирларидан ўзлаштириб бориши тарзида бошланган бу жараён жамият тараққиётига мос равишда кенгайиб, маълум географик ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучлар ва воситалар тараққиётига ёрдам берувчи технологик янгиликлар тарқалишига, ибтидоий диний тасаввурлар ва ахлоқий қарашлар, ўзаро мулоқотни таъминловчи тил бирликлари шаклланишига олиб келди.

Мезолит ва айниқса неолит давридан бошлаб Ўрта Осиё минтақасининг жанубий вилоятлари Олд Осиё ва Жануби Ғарбий Осиёда бошланган иқтисодий-маданий жараёнлар доирасига тортила бошлайди. Натижада ишлаб чиқарувчи хўжалик - деҳқончилик ва чорвачилик

кулолчилик тўқимачилик кемачилик пахса ва гуваладан уй-жойлар қурилиши пайдо була бошлади (Жойтун маданияти). Неолит давридан бу жараёнлар ривожда янги давр бошланди. Жойтун маданиятига оид маконларда Қадимги Шарқ цивилизациясига мансуб ёдгорликлардаги топилмаларга ўхшаш моддий буюмлар борлиги минтақамиз жанубининг Яқин Шарқ ва Месопотамия худудлари билан узаро иқтисодий-маданий алоқалари, турли маълумотлар ва ахборот алмашинуви мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг Шарқий Туркистон ва Мўғулистон худудлари билан ҳам узаро алоқалари йўлга қўйила бошлаган бўлиши мумкин. Хусусан, Мўғулистоннинг Хойт Цэнкер (Хойт Цэнхер) горидан топилган қоятош суратларнинг умумий мазмуни ва услуби Ўрта Осиё, Помир, Тянь-Шань ва Сибирдаги тош даври қоятош суратлари билан ўхшашлигидан келиб чиққан мутахассислар мазкур худудлар ўртасидаги маданий алоқалар ва умуман Тинч Океанидан Қора денгизгача булган катта худудда кўчиб юрган қабилаларнинг маданияти умумийлиги хақида хулосалар чиқармоқдалар.

Айрим маълумотлар неолит даврида Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги алоқалар шакллана бошлаганлигини ҳам қайд этишга имкон беради. Бу даврда Хитойда бир қанча экин турлари «Ғарб дунёси», яъни Хитойнинг ғарбида жойлашган худудлар, жумладан Ўрта Осиё билан боғлиқ маданий алоқалар таъсирида пайдо бўлганлиги хақидаги фикрлар мавжуд. Марказий Осиёнинг маданий алоқалари милoddан аввалги 1У-Н минг йилликларда ҳам тараққий этиб борди. Қадимги Шарқ цивилизация марказлари пайдо булиб, илк цивилизациялар ва уларнинг перифериялари (чекка худудлари) шакллана бошлаган бу даврда трансминтақавий алоқа йўллари бўйлаб олиб борилган мулоқотда иқтисодий омиллардан ҳам кўра ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-ғоявий таъсир етакчи ўрин тутиб келган. Бронза давридан бошлаб минтақамизнинг жанубий вилоятлари Қадимги Шарқ цивилизацияси марказларининг маданий таъсири доирасида бўлиб келди. Бу худудлар билан маданий алоқалар натижасида суғорма



дехкончилик маданияти, ишлаб чиқаришда муҳим технологик янгилик яъни кулолчилик чархи ва гилдиракдан фойдаланиш, мис ва бронза металлургияси, илк шаҳарсозлик маданияти ва давлат бошқаруви асослари шаклланди. Бу босқичда Марказий Осиёдан қўшни ҳудудларга ҳам маданий таъсир бўлгани ва бу кейинги даврларда янада кенгайиб борганини қайд қилиш керак.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубидаги проғошаҳар маданиятлари (Олтинтепа, Намозгоҳ) Ҳ инд дарёси водийсидаги цивилизация марказлари билан иқтисодий-маданий алоқада бўлган. Жанубий Туркменистон ва Хиндистондаги Хараппа маданиятига мансуб манзилгоҳларда ўхшаш сопол хайкалчалар учраши, Олтинтепанинг турли маданий қатламларида фил суягидан ишланган буюмлар борлиги ҳамда айрим сопол ва металл буюмларда Хараппа ва Мохенжо-Даро маданиятининг таъсири борлиги бу ҳудудларнинг қизгин иқтисодий-маданий алоқалари натижасидир. Милоддан аввалги I минг йиллик бошларидаги маданий алоқаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда Ўрта Осиёда Маргиёна, Бактрия, Сўғдиёна ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар пайдо бўлди. Шаҳарсозлик маданияти юксалиб, маҳаллий маданиятлар маркази бўлган йирик шаҳарлар барпо этилди. Цивилизациянинг муҳим кўрсаткичи бўлган маҳаллий ёзувлар пайдо бўла бошлади. Улар ичида Олмаота яқинидаги Иссиқ кўргонидан топилган ва тадқиқотчилар томонидан қадимги туркий ёзувнинг Олтой диалектида битилган деб ҳисобланаётган ёзув, Талас водийси, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Қашқадарё воҳаси (Узунқир, Чашмимирон) ҳудудларидан топилган ва милоддан аввалги У1-1У асрларга тегишли туркий битиклар минтақа маданияти ривожига маҳаллий анъаналар устуворлигидан далолат беради. Бу даврда Ўрта Осиё ўлкалари Қадимги Шарқ цивилизация марказларидан фарқ қиладиган маҳаллий анъаналар ва тараккиётнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган ҳолда ривожланиб борди. Бу даврда минтақамизда пайдо бўлган Зардуштийлик таълимоти Эрон, Афғонистон ва Хиндистоннинг шимолий ҳудудларига ҳам тарқалди. Шу тариқа. ўзаро

маданий ҳамкорлик икки томонлама бўлиб, Ўрта Осиёдан Шарқ цивилизациясининг бирламчи марказларига гоёвий таъсир юз берди. Ахамонийлар давридаги маданий алоқалар минтақа тарихида муҳим ахамиятга эга бўлди. Маданий алоқаларнинг бу янги босқичида Ўрта Осиёнинг ахамонийлар давлати таркибига кирган ҳудудлари умумсалтанат доирасидаги маданий ҳамкорликка тортилди. Марказий Осиёнинг жанубий ва ғарбий вилоятлари- га кириб келган оромий ёзуви асосида Сугд, Бактрия ва Хоразм ёзувлари шаклланди. Давлат бошқарувида, маҳаллий бошқарувда янги анъаналар пайдо булди. Шу билан бирга, бу даврда Ўрта Осиё маданиятида Эрон ахамонийлари маданиятидан тубдан фарқ қилувчи асосий хусусиятлар саклаб қолинди.

Александрнинг юришларидан кейин Марказий Осиёда юнон маданиятига ҳос анъаналар пайдо бўлди. Бу жараён Салавкийлар даврида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Ўрта Осиёнинг Салавка давлати таркибига кирган ҳудудларида маҳаллий ва юнон (эллинистик) маданиятлари синтези юзага келиб, юнон алифбосига асосланган ёзув, янги иконографик кўринишдаги тангалар, ўлчов бирликлар ва бошқалар тарқалди. Ўз навбатида юнонлар ҳам меъморчилик хунармандчилигининг айрим соҳаларида маҳаллий анъаналарни қабул қилдилар, юнон мифологияси ва диний қарашлари маҳаллий динлар билан бойитилди (масалан, юнонлар ва улардан римликларга Митра маъбудига сизгиниш кириб борди).

Буюк ипак йули шаклланиб, Хитой билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилгандан кейин минтақада, биринчи галда Довон ва Канг давлати ҳудудларидаги маконлардан қадимги Хитой маданиятига ҳос белгилар пайдо бўла бошлайди. Масалан, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасидаги маконлардан Хитой тангаларига тақлид қилиб ясалган у-шу тангалари, Хитойдан келтирилган ойна буюмлар, Хитой ипагидан тайёрланган матолар ва кийимлар топилган. Ўз навбатида хитойликлар Марказий Осиё халқларидан йилқиччиликни, узумчилик беда экиш, пахта етиштириш, бодринг ва бошқа полиз маҳсулотларини маданийлаштиришни

ўзлаштирдилар. Мураккаб гидротехник иншоотлар барпо қилиш, хусусан коризлар тизими орқали сугориш ҳам Хитойга бизнинг минтақадан кириб борди.

Кушонлар даврида Ўрта Осиёнинг Хиндистон, Хитой, Рим салтанати ва бошқа мамлакатлар билан маданий алоқалари янада кенгайди. Минтақа жанубига Будда таълимоти кириб келди, бойитилди ва бу ердан Шарқий Туркистонга ҳамда Хитойга ёйилди. Кушонлар даврида тасвирий санъат ва бадиий хунармандчиликда юнон-ҳинд ва буддизм таълимоти қўшилишидан пайдо булган Тандхара санъат йўналиши минтақага кириб келди. Ўзбекистон жанубидаги Фаёзтепа, Қоратепа, Далварзинтепа ва Холчаён ёдгорликларида, Айритом шарафа безакларида, Будда ва Бодхисатва хайкалларида буни яққол кўриш мумкин.

Шу тарика, Ўрта Осиё халқлари қадимги даврдан бошлаб ўзаро ва кўшни халқлар билан мустақам маданий алоқада бўлиб келдилар. Бу алоқалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик турли технологик ютуқларни кенг микёсда ўзаро алмашиш, савдо-сотик ва элчилик муносабатлари, бадиий хунармандчилик меъморчилик хайкалгарошлик тасвирий санъат ва маданиятнинг бошқа соҳаларидаги ўзаро таъсир, диний-фалсафий қарашлар ва ахлоқий мезонларнинг алмашинуви, ёзув ва хаттотлик санъати ривожига ҳамда бошқа кўринишларда амалга ошириб келинди. Бу жихатдан минтақанинг қадимги йўллари, хусусан, Буюк Ипак йўли бўйлаб амалга оширилган маданий мулоқотларнинг ахамияти нихоятда катта бўлди.

Минтақанинг асосий қарвон йулларидаги савдо қарвонлари таркибида хунармандлар, олимлар, шоирлар ва мусиқачилар ҳам бўлиб, улар турли халқларнинг маданиятини ёйишда катта ўрин тутганлар. Маданий алоқалар ривожига марказлашган давлатларнинг пайдо булиши ва уларнинг маданий алоқаларда ҳомийлиги катта ўрин тутди.

## **1.2 Қадимги Бактрия қавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар.**

Қадимги Бактрия Марказий Осиё халқларининг маданий тараққиётида

нихоятда катта роль ўйнаган, ўзбек давлатчилиги тарихининг энг қадимги даврларини Қадимги Бактрия билан боғлаш зарур.

Дархақиқат, сўнги йилларда Бактрия тарихи янада ёрқинроқ ўрганилмоқда, илгари номаълум бўлган қадимги маданиятлар фанга жорий этилмоқда. Улардан энг машхури бўлган Сополли маданияти аул и бронза даврида Қадимги Шарқ халқлари билан яқиндан маданий алоқада булиб, Марказий Осиёда энг қадимги цивилизацияга асос солганлар. Шу маданиятнинг тадрижий ривожланиши натижасида мил.авв. IX аср охири ва VIII аср бошларида Қадимги Бактрия маданиятига, қолаверса, Қадимги Бактрия давлатига асос солинган.

Юнонлар босқини давригача ҳукм сурган бу давлатнинг Қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрни бўлган, Марказий Осиё халқларининг этник шаклланишида, маданий тараққиётида бешик ролини бажарган. Бу фикрни ҳеч бир тарихчи инкор этмайди.

Гарчи маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчилар томонидан қадимги Бактрия тарихига дойр кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бу борада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Шундай масалалардан бири илк Қавийлар давлати масаласидир.

Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон ҳудудларида ташкил топган энг қадимги давлатлардан бири бўлган Қавийлар тўғрисидаги ёзма маълумотлар «Авесто» ва Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида сақланган.

«Авесто»нинг Чихрдод наскида илк Қавийлар Ушудау тоғидан оқиб келадиган Хайтуманд дарёси ва Кансавья кўли бўйида жойлашган. Авестошунос Г. Ноли ушбу маълумотларда келтирилган: Кансавья кўлини Хамун, Хайтуманд дарёсини Хилменд, Ушудау тоғини Кухи Хваджа билан боғлайди ва ҳозирги Сейистон ҳудудига тўғри келади деб ҳисоблайди.

«Қавий» сўзининг маъноси, келиб чиқиш тарихи нихоятда мунозарали бўлиб, И.В. Пьянков бу сўзнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичларини қуйидагича талқин қилади: темирчи (сеҳргар) - илохий шоир (олим, устоз) - ҳукмдор. Фикримизча олимнинг сўнги, яъни ҳукмдор босқичи тарихий

манбалар асосида келтирилган, аммо темирчи, сехргар, олим каби босқичлари исботланмаган ва олимнинг фикрлаш доирасидан келиб чиққан, аммо шуни таъкидлаш жоизки, И.В. Пьянков жуда хам ишонарли таклиф киритган. У таклиф этган Қавий сўзининг эволюцион тараққиёт йўлини бемалол қабул қилса бўлади, негаки, Қавийлар куйланаётган замон Ўрта Осиёда темирнинг пайдо бўлган даври хисобланади. Ўша замонда темирдан фойдаланиш сир тутилиб, ундан буюмлар яшаш фақат «сехргар»ларнинг кўлидан келиши мумкин бўлган. Иккинчи таклифи, яъни илохий шоир, олим одам ёки устозларгина халқни ўз таълимоти асосида бошқариши ва хукмдор даражасига етишиши мумкин бўлган деб хисоблаймиз.

Қавийлар ҳақидаги маълумотлар қадимги замонлардан иккига бўлинган. Биринчисида, Сам уруғидан бўлган Қавийларнинг мардлиги ва қахрамонликлари куйланган бўлса, иккинчисида Қавий Виштаспанинг диний қахрамонликлари куйланган. Манбаларда Сам уруғининг кейинги ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар учрамасада, уруғ бошлиғи Крсасп кейинги давр манбаларида Гершасп шаклида кенг тарқалган.

Қавий хукмдорлар ўртасида ўзаро низолар пайдо бўлганлиги, бунинг натижасида Қавийларнинг бўлиниб кетиш воқеалари ҳам манбаларда сақланган. Сам уруғи хукмдорларидан бири бўлган Съяваршаннинг (Сиявуш) ўғли Хаусравнинг (Хишрав) Турон юрти - Кднгга кетиб қолганлиги, у ерда ўз сулоласини, уруғ жамоасини ташкил этганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам сақланган. Турон юртига Хишравнинг келиши тарихий ҳақиқатга жуда яқин, биринчидан Тошкент воҳасида милоддан аввалги 1Х-УШ асрдан бошлаб янги, археологик маданият – Бургулюк (Бургулик Бурканлик) маданияти тарқалади. Ушбу маданиятнинг пайдо бўлиши муаммоси археологик жихатдан ҳал этилган масала эмас. Ўрта Осиёда шу типдаги маданиятларнинг пайдо бўлишини (Ёз, Кучуқ Тилла, Қизил) тадқиқотчилар асосан кўчманчиларнинг ўтроқлашиши, шимолий ёки жанубий минтакалардан халқларнинг кўчиб келиши билан боғлайдилар.

В. И. Сариянининг фикри бўйича шу типдаги маданиятлар Эрон,

яъни Сейистондан Афғонистон оркали Сурхон, Зарафшон, Тошкент ва Фарғона водийсига таркалган. В.И. Сариянидининг бу фикрини тахлил қиладиган бўлса биринчидан бу ҳудудлардан олинган археологик маълумотлар, ёзма манбалар маълумотларини тасдиқлайди. Иккинчидан, Канка кўхна шаҳрининг Тошкент воҳасида мавжудлиги ва бу шаҳарнинг воҳа маркази даражасигача етганлигидир. Учинчидан, Тошкент воҳасида «Ҳишрав» тарихий топонимининг мавжудлиги ва бу этнотопонимнинг бугунги кунгача эъзозланиб, халқнинг ёдидан кўтарилмай келаётганлиги тарихий ҳақиқатдир.

И.В. Пьянковнинг таъкидлашича, илк Қавийларнинг асосчиси Қавий Кавата бўлиб, унинг меросхўри Қавий Апиваху ҳисобланади. Унинг тўртта ўгли бўлиб, Қавийларнинг ҳудуди шу тўртта ўғиллар ўртасида тақсимланган. Қавий Усан (Усадан) тўртта ўғил орасида ажралиб турган. Усаннинг набираси Хаусрав даврида Қавийлар янада ривожланишда бўлган. Илк Қавийлар Кансавья (Хамун), Хайтумант(Хельманд) дарёси бўйларида, яъни тарихий жихатдан Сейистонда - Дрангианада яшашган.

Маълумотларга кўра, Хаусрав замонидан ҳам мамлакат кичик Қавийликларга бўлиб бошқарилган, бошлиқлари ҳам Қавий унвонида бўлишган. Шундай ҳукмдорлардан бири Қавий Виштаспа бўлиб, у Бақтрия ҳукмдори бўлган. Унинг саройидан Заратуштранинг паноҳ топганлиги воқеаси ҳаммага маълум.

И.В. Пьянковнинг фикрича шу даврдан бошлаб Қавийлар авлоди ҳукмронлигининг иккинчи даври бошланади. Шу даврдан бошлаб диний қарашлар, таълимотлар жангги бошланган десак муболаға бўлмайди. Қавий Виштаспанинг Қўллаб-қувватлаши, хомийлиги натижасида Заратуштра таълимоти бутун Бақтрия бўйлаб тарқала бошлайди. Шу даврдан бошлаб Қадимги Бақтриянинг қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрнига эга бўла бошлаганлиги кузатилади.

Қавий Виштаспанинг ҳукмронлиги ва пайгамбар Заратуштранинг яшаш даври милoddан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми деб қаралса хронологик

жихатдан тўғри бўлади ва hozirги замон шарқшунос ва қадимшунос олимлари ҳам шу даврни эътироф этишади. Маълумки, «Авесто» асосида Қавийлар тарихи билан биринчилардан бўлиб шугулланган, шарқшунос олим А. Кристенсен ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида илк Қавийларнинг яшаган даврини милоддан аввалги 900-775 йиллар билан белгиланган.

Илк Қавийларнинг ҳукмронлиги, мамлакатнинг жойлашган ўрни Сейистон ҳудудига мос келишини ҳам тарихий ва археологик манбалар асосида кузатишган. Г. Нолининг Кансавья кўлини Хамун, Хайтуманд дарёсини Хилменд, Ушудау тоғини Кухи Хваджа билан боғлаганлигига адабиётларда ҳеч ким қарши фикр билдиргани йўқ- Билъакс шу фикрга қўшимча илмий маълумотлар тўпланган. Жумладан, Р. Гиршман Нади-али қишлоғи ёнидан топган, мил.ав. VIII асрга оид Сурхдаг ёдгорлигини И.М. Дьяконов Қавийлар мамлакатининг пойтахти бўлган деб ҳисоблайди.

Қадимги Бактрия ҳам илк қавийларнинг меросхўрлари ҳисобланади. Бактрияда маҳаллий Наутар уруғидан бўлган қабила ҳукмронлик қилган. Шу уруғ намояндаларидан бири бўлган Виштасп (Гоштасп, Гистасп) Қавий унвонини Қабул қилган ва Виштасп Бактрияда қавийлар сулоласи ва шажарасига асос солган. Яна шу нарса аёнки, Виштаспнинг куллаб-қувватлаши натижасида Заратуштранинг зардуштийлик таълимоти кенг ёйилиб, бу таълимот бутун Шаркий Эрон ва Ўрта Осиёда ҳукмрон нафкура даражасига кутарилишига хизмат қилган бўлса, зардуштийлик эса эслаб утилган ҳудудлардан ҳам кенгайиб, Кавказ ҳудудларигача ёйилиб жаҳон динлари каторига кирди.

Демак келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Қавийларнинг илк Ватани Хамун кули, Хилменд дарёси буйлари, Кухи Хваджа тоғлари этакларини, Қадимги Бактрия ҳудудларини уз ичига олган ва милоддан аввалги IХ-УIП асрда ҳукм сурган.

«Авесто»да қавий сузи қохин-шоҳларга, ҳукмдорларга нисбатан ишлатилган. Ҳукмдорларнинг қупчилиги аввал Зардушт таълимотига қарши бўлишган. Шу боис «Авесто»да девнараст, қаззоб қаби сузлар билан

таърифланган. Авестошунос олимларнинг аксарияти, жумладан М. Исхоковнинг фикрича, «Кавийлар» сузи оркали берилган бу тушунча Зардуштга кадар хукмдор ҳамда кохин вазифасини узида бирлаштирган ижтимоий катламни ифодалаган. Кавий - кохинлар аввал Зардушт таълимотига душман булишган. Кейинрок. Виштасп Зардушт таълимотини кабул килгач, муносабат узгариши керак эди. Лекин «Авесто» га кириб колган эски анъана - Кавийлар душман деган караш сакланиб колаверган. Бу ҳ ол «Авесто» кигобининг турли катламлари Зардуштдан аввалги даврлар махсули булган, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Маълумки, Кавийлар ичида биринчи булиб бактриялик Виштаспа зардуштийликни кабул килган. Шунинг учун «Авесто»да Виштасп тугрисида факат ижобий иборалар ишлатилган. Жумладан: «Кудратли Виштасп», «Куп билимдон Виштасп», «Пахдавон Виштасп» каби. Уни таърифлаганда пайгамбар Зардушт бисотидаги барча яхши сузларни ишлатган.

Ушбу таърифдан куринадики Виштасп Зардуштийликни кабул килмасидан олдин ҳам Кавий унвонида булган. «Авесто»да салтанат, бахт куши хварно деб аталган. Кимгаки, хварно (фар) кунмай туриб шохликни, хукмдорликни даъво килса, ноконуний хисобланган, Кавийликни Ахура Мазда ато килади деган тушунча хукмрон булган. Манбада Кавийлар кучли кудратга эгалиги, уларга хварно насиб этганлиги, нафакат уларга балки уларнинг авлод-аждодларига, ворисларига ҳам бу кудрат мерос эканлиги куйланган.

Демак Кавийлик унвони наслдан-наслга, авлодданавлодга утиши, Ахура Мазда томонидан тасдиқлаб куйилган ва Ахамонийлар империясига кадар Бактрияда ва Дрангианада мавжуд булган.

Кавий унвонидан ташкари «Авесто»нинг энг кадимги Гат ва Яшт кисмларида бошқарув тизимини ифодалаган бир катор унвонлар сакланиб колганки, уларни археологик маълумотлар билан таккослаб, ижтимоий муносабатлар тарихини тиклаш имконияти тугилмоқда. Шундай терминлардан бири «састар» булиб, Авесташунос олим В.А. Лившицнинг



фикрига Караганда бу унвон эгаси улка (оазис) ва унинг маркази хукмдори мансабида булган. Худди шу фикрни академик Э.В. Ртвеладзе ҳам куллаган, ва «Авесто»даги састар тушунчасини археологик манбалар билан, яъни Бандихон улкасини састар сифатида эътироф этади ва улканинг маркази сифатида Бандихон 1 ёдгорлигини курсатиб утади<sup>2</sup>. Олимнинг фикрича, улкани бошқарган хукмдор харбий бошлик вазифасини ҳам бажарган.

Кадимги Бактрияда шундай улкаларнинг нечтаси аниқланган, умуман оазис-улканинг кандай тарихий маъноси, ахамияти бор? Фикримизча, Ўзбекча ифодалаганда «дехкончилик улкаси» деб аталсагина мақсадга мувофиқ булар эди. Масалан, Бандихон дехкончилик улкаси деб аталса, шу улкани сув манбаси билан таъминлайдиган дарё ёки канал, дехкончилик қилинадиган, сугориладиган ер майдони, ёдгорликлар мажмуаси, кенг чорва яйловлари майдонлари тушунилади. Шу дехкончилик улкани бошқарган хукмдорни «Авесто»да састар деб аталган булиши мумкин.

«Дахъюпати» термини эса «вилоят хукмдори» маъносини англатади. Э.В. Ртвеладзе бу вилоятларни Юнон манбаларида эсланадиган Габаза, Паретака ва Бубакена мамлакатларига таккослайди. Археологик жихатдан бир неча дехкончилик улкалари бирикиб вилоятни ташкил этган. Дахъюлар дахъюпатиси эса вилоятлар бирикмасини - Бактрияни ташкил этган.

Бактрия Ватанимиз тарихига «подшоҳлик» сифатида кириб келган<sup>4</sup>. Аммо уни подшоҳлар эмас, юкорида тахлил қилганимиздек Кавийлар, Ахамонийлар империяси даврида эса сатраплар бошқарган. Урта Осиё халқлари тарихида Бактриянинг подшоҳлик сифатида кулланишининг асосий сабаби рус адабиётларидан таржима натижасида кириб келганлигидадир, яъни «Древнебактрийское царство» ибораси «Кадимги Бактрия подшоҳлиги» деб таржима қилинган<sup>1</sup>. Европа халқлари тарихига хос булган «царь» сузини «подшо» деб таржима қилганмиз ва ишлатганмиз (царство- под шо х л и к). Бу ибора нафакат Бактрия, балки Хоразмга ҳам тегишлидир, яъни «Древнехорезмское царство» «Кадимги Хоразм подшоҳ лиги» сифатида кулланиб келинмоқда. Тарихимиз рус тилида ёзилган тақдирда ҳам «царь»

сузини ишлатиш тугри эмас, негаки Ўзбек давлатчилиги тарихида «царь» бошқаруви булмаган. Шунга асосланиб «Бактрия подшоҳлиги» ибораси урнига «Бактрия Кавийлиги» иборасини куллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кавий титули қандай унутилганлиги тугрисида гапирадиган булсаҚ Шохлар шоҳи Доро I Ахамонийлар давлатчилигида янги ислохотларни амалга оширган. У бошқарув ва молия ишларини янги поғонага кутарган, бутун империя ҳудудини сатрапликларга булиб бошқариш усулини жорий этди. Сатраплик ҳудудлари собиқ маҳаллий давлатлар ва аҳолининг этник гуруҳлар яшайдиган чегаралари асосида булиб чиқилган. Кир II ёки Камбиз даврида босиб олинган ерлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган булса, янги ислохотга биноан, сатраплик бошликлари форсийлардан тайинланадиган булган. Сатраплар ва ундаги ҳарбий бошликлар шохлар шоҳи ва марказий давлат бошқарувининг доимий назоратида булган. Сатраплик бошқаруви ва текширувлар Хазарпат томонидан амалга оширилган. У бир вақтнинг узида шохлар шоҳининг шахсий гвардиясини ҳам бошқарган. Жойлардаги сатрапликларни бошқариш усули ва девонхона таркиби Сузадаги бош девонхона тузилишини айнан такрорлаган, яъни девонхона бошлиги, хазинабон, ташаббусни бугувчилар, ҳисобчилар, судьялар, хаттотлар ва бошқалар.

Ахамонийлар Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина ҳудудлари сингари Бактрияни ҳам босиб олгандан кейин, Қавийлар мустақилликни қўлдан берганлиги табиий ҳол, албатта. Кир II босқини даврида Бактрия ҳукмдори Таниоксарк (Оксиарт) бўлган. Бу ҳақда ишончли ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Энди Қадимги Бактриянинг Ахамонийлар давридаги сатраплари тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу борада Е.А. Мончадскаянинг тадқиқотлари диққатга моликдир.

<b>Бошқарув даври (мил.авв. йиллар)</b>	<b>Сатрапнинг исми</b>	<b>Тайнланган шаханшоҳ</b>	<b>Тарихий манба</b>
529 -522	Таниоксарк	Кир, Камббиз	Геродот III. 30 Бехистун ёзуви III, 3
522-486	Додаршиш	Камбиз, Доро I	Бехистун ёзуви III, 15
486-480	Ариамен	Ксеркс	Плутарх 173
480-465	Масиста	Ксеркс	Геродот, VII, 82
465-423	Артапан, Гистасп	Артаксеркс I	Диодор, XI, 69
423-335	Маълумотлар йук		
335-329	Бесс	Доро III	Диодор. XVII, 74

Келтирилган жадвалдан маълум бўладики, Ахамонийлар даврида Бақтрияда Қавий унвони қўлланилмаган, империянинг барча ҳудудида булгани сингари бу ерда ҳам сатраплик жорий этилган ва икки юз йил давом этган Ахамонийлар империяси даврида Қавийлик бошқаруви билан бирга Қавийлик ибораси ҳам унутилган. Ахамонийлар ҳукмронлигидан кейинги даврларда, хусусан А.Македонский, Салавкийлар, Юнон Бақтрия, Кушонлар салтанати даврида зарб қилинган тангаларда ҳам Қавий титули қўлланилмаган.

Келтирилган маълумотлар асосида Қавийлар тўғрисида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, улар милоддан аввалги IX асрлар охирида Шарқий Эрон ва Бақтрия ҳудудларида пайдо бўлган ва Эрон Ахамонийлари босқини давригача ҳукм сурган. Уларнинг фаолияти икки, яъни илк ва сунгги Қавийлар даврига бўлинади. Бу бирлашма гоҳида тарқалиб, гоҳида кучли сиёсий кучга айланиб турган. Унинг илк даврида Зардуштийлик дин сифатида шаклланмаган. Иккинчи даври Заратуштра фаолияти билан боғлиқ. Шу даврдан бошлаб пайгамбар Зардушт таълимоти Қавий Виштаспа томонидан қўллаб-қувватланган, «Авесто» бунёд этилган. Шунингдек шу даврдан бошлаб диний қарашлар, таълимотлар жангги бошланган. Қавий

Виштаспанинг қўллаб-қувватлаши, хомийлиги натижасида Заратуштра таълимоти бутун Бақтрия бўйлаб тарқала бошлайди. Шу даврдан бошлаб Бақтриянинг Қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрнига эга бўла бошланганлиги кузатилади.

Қадимги Бақтрияни юқорида тахлил қилганимиздек Қавийлар, Ахамонийлар империяси даврида эса сатраплар бошқарган. Қавийлик титули наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтиши Ахура Мазда томонидан тасдиқдаб қўйилган ва Ахамонийлар империясига қадар Бақтрияда ва Дрангианада хукмронлик қилган.

Ўрта Осиё халқлари тарихида Бақтриянинг подшоҳлик сифатида кулланишининг асосий сабаби рус ва инглиз тиллардаги адабиётлардан таржима натижасида кириб келганлигидир.

Ахамонийлар даврида Бақтрияда Қавий унвони қўлланилмаган, империянинг барча худудида бўлгани сингари бу ерда ҳам сатраплик жорий этилган ва икки юз йил давом этган Ахамонийлар империяси даврида Қавийлик бошқаруви билан бирга Қавийлик ибораси ҳам унутилган. Ахамонийлар хукмронлигидан кейинги даврларда, хусусан Буюк Александр, Салавкийлар, Юнон Бақтрия, Кушонлар салтанати даврида зарб килинган тангаларда ҳам Қавий титули қўлланилмаган.

Келтирилган маълумотлар ва мулохазаларга таяниб таклиф қилмоқчимизки, ёзилаётган тарихларимизда Қадимги Бақтрия подшоҳлиги ўрнига Қадимги Бақтрия қавийлиги атамасини қўлласак тарихимиз тўғри ёритилган бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тарих сўзининг маъносини қандай тушунасиз?
2. Собиқ совет тарихшунослигида Ватанимиз тарихига бўлган эътибор қандай еди?
3. Миллий истиқлолнинг Ватанимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамияти нималардан Иборат?

4. Ватан деганда нимани тушунасиз?
5. Миллий ғоя ва мафқурани ёшларимиз онгига сингдиришда Ўзбекисто тарихининг ўрни ва аҳамияти қандай?
6. «Ўзбекисто тарихи» фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
7. Моддий ва маънавий манбалар ва уларнинг қандай туркумларини биласиз?
8. «Ўзбекисто тарихи»нинг мустақиллик давридаги методологик асослари нималардан иборат?
9. Ватанимиз тарихи қандай тарихий даврларга бўлинади?

## 2-МАВЗУ: ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ: ЯНГИЧА ТАЛҚИН ВА ЁНДАШУВ. (2 соат)

### РЕЖА:

2.1. Илк ўрта асрлар Сўғдиёна хунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар.

2.2. Султон Махмуд Газнавийнинг тарихда тутган урни хусусида мулохазала.

**Таянч иборалар:** *давлат, давлат бошқаруви, Сўғд, "ихшид", хунармандчилик Илк ўрта асрлар, деҳқончилик маданияти, Хитой йилномалари, Г. Пугаченкова, шойи газлама, Хитой ипаги, Датанг вилояти, савдо-иқтисодий алоқалари, кучманчилар, Бадиий безак хунармандчилиги махсулотлари, Тўқимачилик махсулотлари, Қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар, кулолчилиги Қ Чечактепа, Хумлар, Тўқимачилик махсулотлари, В. Распопова, Султон, Махмуд Газнавий, Низомулмулк Сабуктегин, Нух II, Хуросон, Аббосийлар халифаси, Сейистон, Фазна, «Тарихий Маъсудий»*

### 2.1 Илк ўрта асрлар Сўғдиёна хунармандчилиги тарихини ўрганишга доир янгича ёндашувлар.

Сўғдиёна - Марказий Осиё минтақасининг қадимги тарихий ва маданий вилоятларидан бири бўлиб, бутун минтақа, шунингдек қўшни ўлкалар тарихий тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан Сўғдиёна тарихини изчил тадқиқ этиш Шарқ халқларининг илк ўрта асрлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Илк ўрта асрлар даври Сўғдиёна тараққиётининг муҳим босқичи бўлиб, бу давр бошқа соҳалар билан бир қаторда хунармандчилик соҳалари ҳамда савдо алоқаларининг юксалиши даври ҳисобланади. Сўғдиёна хунармандчилиги ва савдо алоқаларини янгича ёндашувлар асосида ўрганиш

Ватан тарихининг бугунги кундаги муҳим илмий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Сўғдиёнада деҳқончилик маданиятининг юксалиши хунармандчилик соҳаларининг тараққиётига ҳамда савдо йўллари бўйлаб савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб боришига замин яратди. Хунармандчилик соҳалари ҳамда савдо-сотик алоқалари ривожини тадқиқ этиш, мазкур даврда Сўғдиёнага олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тури ва таснифини тузиш хунармандчилик тараққиёти билан бир вақтда Сўғдиёнанинг маданий юксалиши, жамият ҳаётидаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши ҳамда давлатчилиги асосларини, шунингдек турли ўлкалар маданияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик каби масалаларни ўрганиш имконини беради.

Илк ўрта асрлар давомида Марказий Осиё минтақасида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Сўғдиёна савдо ахлининг кенг халқаро миқёсли савдо-сотик алоқаларини олиб боришлари учун кўплаб қулайликлар юзага келди. Қушни ўлкалар ҳамда олис ҳудудларда Сўғдиёна маданияти кенг ёйилди. Зеро, «..улар (сўғдийлар) Шарқий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларига Сўғдиёна цивилизациясининг кўплаб маданий ютуқларини ҳам олиб келганлар. бу ерларда ўз цивилизацияларини яратганлар»<sup>1</sup>. Фикримизча, Сўғдиёна хунармандчилигининг тараққий топиши ҳам бу жараёнда катта аҳамиятга эга бўлди.

Сўғдийларнинг кенг миқёсли савдо-иқтисодий алоқалари Сўғдиёнага олиб келинган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида изчил тадқиқотлар амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада бугунги кунга қадар муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, уларни умумлаштириш ва тизимга солиш муҳим ҳисобланади.

Ёзма маълумотлар, жумладан, Хитой йилномалари мазкур даврда мунтазам равишда Сўғдиёна ҳудудларидан совға-салом сифатида юксак хунармандчилик буюмлари келтириб турилганлиги хусусида маълумотлар келтирилади. IX -X асрларда яшаб ўтган араб географлари асарларида ҳам

Сўғдиёна худудида илк ўрта асрлар даврида сифатли маҳсулотлар тайёрланганлигини, бу маҳсулотлар кўшни ўлкаларда ҳам юксак кадрланганлиги қайд этиб ўтилади. Бироқ ёзма манбалардаги маълумотлар қисқа ёки чекланган бўлиб, улардан керакли маълумотларни тўлиқ ололмаймиз. Бу борада археологик тадқиқотлар натижасида кўлга киритилган ашёлар ва улар устида амалга оширилган изланишлар хулосалари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу йўналишдаги дастлабки изланишлардан бири Г. Пугаченкованинг кичик тадқиқоти ҳисобланади. Тадқиқотчи ўз мақоласида Сўғдиёнанинг Хитой билан алоқалари доирасида ўлкага олиб келинган ва чиқарилган айрим ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳақида маълумот беради. Жумладан, илк ўрта асрларда Шарқий мамлакатлар, хусусан, Хитойдан Ўрта Осиёга юборилган қимматбаҳо совғалар орасида шойи газламалар билан бирга олтиндан ишланган от ҳайкали, бронза тошойна ва ибодатхона ҳайкалчалари каби маҳсулотлар ҳам бўлган. Ўз навбатида, Ўрта Осиё худудидан Хитойга «самовий отлар», биллур (хрустал) идишлар, акик рангли шиша, Самарканд ва Хутталон парчаси, (Панжикент) нақш солинган (гулли) жун газламалари каби ҳунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган.

Келтирилган рўйхатдан кўришиб турибдики, четга чиқарилган маҳсулотлар орасида турли газламалар муҳим ўрин тутди. Бу табиий ҳол, албатта, чунки Сўғдиёнада VII асрдан бошлаб ўзига хос усулда шойи газлама тўқишнинг ривожланганлиги бу каби маҳсулотлар сифатининг юқори бўлишини таъминлаган эди. Шунингдек газламаларга босилган гулдор ва жимжимадор безаклар Хитой шойи газламасига нисбатан ўзига хос устунликка олиб келган. Шу сабабли бу каби маҳсулотлар Хитой ипаги билан рақобат қилиб, Шимолий Кавказ ва Қора Денгиз бўйи худудларига, ҳатто Византияга чиқарилган. Зандананинг шойи матосидан тўқилган гобелен(деворга осиб кўйиладиган безакли гилам)нинг Ғарбий Европадан топилганлиги ҳамда ўз сифатини ҳанузга қадар йўқотмаганлиги маҳсулот сифатига берилган алоҳида эътиборни англатади. Қолаверса, тўқимачилик



махсулотлари орасида пахта газламаси араблар босқини арафасида Араб халифалигига ҳам кўп миқдорда чиқарилган.

Хусусан, «Араб Халифалигига етказилиб бериладиган хомашё ва газламанинг асосий қисми Ўрта Осиё (Сўғдиёна) ҳудудидан етказиб берилган». Сўғдиёна ҳамда Шарқий Туркистонда тўқилган пахта матоси Хитойда ҳам қадирланган. Тўқимачилик махсулотлари орасида жундан тўқилган гилам(шолча)лар ҳам Сўғдиёнадан Хитойга чиқарилган махсулотлар орасида муҳим ўринга эга булган. Бу каби гиламлар асосан, Панжикентда тайёрланган. Шарқий ўлкаларга, хусусан, қимматбаҳо тош ва Сўғдиёна кандакорлиги намуналари ҳам чиқарилган. Сўнгги йилларда Датанг вилоятида топилган Шимолий Вэй сулоласи даврига оид Сўғдиёна маданиятига хос буюмларнинг, жумладан, кумуш ва тилладан ясалган идиш - товоқларнинг кўплаб топилиши бунга исбот бўлади. Ўз навбатида бундай махсулотлар Шарқий Европа. Қора денгизбўйи мамлакатлари ва Ғарбий Европа ҳудудларида кенг тарқалган. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Сўғдиёнадан 717-йилда Хитой императорига совға тариқасида юборилган ҳарбий бош кийим-дубулға нусхаси асосида империя ўз қўшинини дубулғалар билан таъминлаган.

Хитойдан келтирилган махсулотлар орасида шойи газламасидан сунг асосий ўринни бронза тошойналар ташкил этади. Жумладан, айнан шу ойналар таъсирида Сўғдиёнада бронза ойналар тайёрлаш кенг йўлга кўйилади. Сўғдиёнада тайёрланган тошойналар сувсар йўли бўйлаб Жанубий Сибир ва Амур дарёси бўйларига қадар кириб борган. Бу ҳудуддан шу каби иккита тошойна топилган. Шунингдек бронза тошойналарнинг Ўрта Осиё бўйлаб ҳамда Шимолий Кавказда кенг тарқалишида ҳам сўғдийлар муҳим ўрин тутган.

Сўғдиёнанинг мазкур даврдаги савдо-иқтисодий алоқаларида кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик муҳим ўрин тутади. Жумладан, ўлканинг шимолий-шарқий ва ғарбий сарҳадлари билан туташ ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик сердаромад

ҳисобланган. Бу жараёнда савдо-сотиқнинг энг қадимги даврда шаклланган маҳсулот айрибошлаш тури кенг ёйилган эди. Айрибошлаш савдо-сотиқдаги муҳим босқич ёки ҳолат бўлиб, Ўрта Осиёда яқин вақтларгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, тадқиқотчи З.Мадрахимовнинг фикрига кўра, Қўқон хонлигидаги қяман чи ва ярим кўчманчи аҳоли билан савдо муносабатларида айрибошлаш савдоси амал қилган. Хусусан, икки кийимлик Қўқон олача газламаси етилган куйга айрибошланган.

Кўчманчи қабилалар орасида Сўғдиёна ҳунармандлари томонидан тайёрланган қуролсозлик маҳсулотларига талаб нихоятда катта бўлган. Одатий қурол-яроғ билан бир вақтда мазкур даврда Сўғдиёнада тайёрланган ва юксак бадий ва жимжимадор безаклар билан бойитилган ҳамда қимматбаҳо тош ва металл билан ишлов берилган жанговар қуроллар кўчманчи қабилла зодагонларининг муҳим ашёсига айланган. Хусусан, Ўрта Осиёнинг қушон-сосоний жамияти ихтироси бўлмиш айвон суяги ёки шохлари билан безатилган мураккаб шаклдаги камонлар, турли тошлар ёки қимматбаҳо металл билан безалган камарлар, теридан сифатли тайёрланган гилофли қимматбаҳо қилич ва ханжарлар, шунингдек баланд, ок рангли жун (кигиз) бош кийимлари харидоргир бўлган. Қолаверса, кучманчилар орасида устахоналарда бежирим қилиб тайёрланган от анжомлари ҳам қадрланган. Бу анжомлар одатда, гурли қимматбаҳо металл ёки безаклар билан безатилган. Ўз навбатида ўтроқ воҳаларга қяманчи қабилалардан катта микдорда жун ва тери маҳсулотлари келтирилган. Тери маҳсулотларидан Сўғдиёна маданияти ва ҳунармандчилиги намунаси - сифатли этиклар тайёрланган. Ўз навбатида, Хитой манбаларида келтирилишича, Сўғдиёналиклар кучманчи қабилалардан ҳарбий кийим-кечакнинг атрибута ҳисобланган чарм этикларни айрибошлаганлар

Тадқиқотлар таҳдилига кура, Сўғдиёнага олиб келинган ва чиқарилган ҳунармандчилик маҳсулотларининг қуйидаги таснифини келтириш мумкин:

1. Бадий безак ҳунармандчилиги маҳсулотлари.
2. Тўқимачилик маҳсулотлари.

### 3. Қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар.

Албатта, ташқи савдо-иқтисодий алоқаларда кўплаб маҳсулотлар савдоси амалга оширилган бўлиб, ушбу мақолада асосан хунармандчилик маҳсулотлари савдосига эътибор қаратишга ҳаракат қилинди.

Буюк Ипак йули буйлаб олиб борилган ҳар томонлама алоқалар турли хунармандчилик маҳсулотлари билан бир вақтда турли ҳудудларда хунармандчилик соҳаларида эришилган ютуқларнинг кенг ёйилишига замин яратди. Узга юртлардан келтирилган маҳсулотлар билан бирга хунармандчиликнинг технологик сирлари ҳам кириб келди. Бу ҳолат Сўғдиёна хунармандчилиги тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сўғдиёна хунармандчилигининг ривожини беvosита ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати, тури ҳамда сайқалланиш даражаси билан белгиланади. Шу сабабли хунармандчилик соҳалари таснифи буйича маҳсулотлар таҳлилини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, илк урта асрларга доир моддий ашёлар орасида кундалик уй-рузғор ҳамда ошхона буюм(инвентар)ларининг асосий қисмини сопол идишлар ташкил этади. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, Сўғдиёна, умуман, Урта Осиё тарихининг ёзма маълумотлар етарли булмаган қадимги ва илк урта асрлар даврини ёритишда кулолчилик маҳсулотлари муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Зеро, «..сопол баъзан иқтисодий ҳаётни урганишда кулёзма маълумотларидан кура кўпроқ маълумот беради. Бинобарин, кулёзмаларда иқтисодий ҳаёт, халқ турмушига оид материаллар жуда оз учрайди». Кулолчилик идишларининг таснифи, турлари, шакл ва ҳажмлари хусусида Сўғдиёнанинг кўплаб археологик ёдгорликларида бир қатор изчил тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар илмий ҳулосалари мазкур давр ҳужалик ҳаётини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек ушбу тадқиқотлар маданий ўлкада ягона кулолчилик маданияти ривожланганлигини кўрсатади.

Милодий III - IV асрларда Марказий Осиёда содир булган ижтимоий - сиёсий ва этник - маданий жараёнлар Сўғдиёна кулолчилигига сезиларли

таъсир курсатди. Бизнингча, бу жараён милодий I асрдан бошлаб кулолчиликда юзага келган инкирозни якунлаб берди. Бироқ инкироз ҳолати узок давом этмади, сакланиб қолган қадимий анъаналар негизида ва янги маданият таъсири остида V асрдан кулолчилик маҳсулотлари сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди, янги турлари кенг ёйилди. Бу сифат узғаришлари аввало, идишлар шакли ва ҳажмининг ихчамлашганида яққол кузга ташланади.

Илк урта асрлар даврига оид Жанубий Сўғд ҳудудидаги Чечактепа ёдгорлигидан топиб ўрганилган маҳсулотлар бу муаммони ёритишда катта аҳамиятга эга бўлиб, ёдгорликда даврнинг барча босқичларига тегишли идишлар аниқланган. Мазкур даврдаги маҳсулотлар асосан икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳни ошхона анжомлари, яъни, турли ҳажмдаги қозонлар, хумлар, хум қопқоклари, манқал (қабоб кура) қаби идишлар ташкил этади. Турли ҳажмдаги қозонлар қулда тайёр ланган. Қозон деворлари қалинлиги 0,6-1,7 см.ни ташкил этган ҳамда хомашёга оловга чидамли соз тупрок-шамот қушилган. Бу қаби қозонлар, шунингдек V - VIII асрларга оид Сугдиёна ёдгорликлари учун ҳам ҳосдир. Хумлар асосан озуқа маҳсулотларини саклашга мулжалланган бўлиб, баландлиги 60-80 см.ни. диаметри эса 27-43 см.ни ташкил этган<sup>2</sup>.

Маҳсулотларнинг иккинчи гуруҳини қўзалар, қўвачалар, қадах (қружка)лар, ликопча, бир неча турдаги қосалар ҳамда туваксимон идишлар ташкил этган бўлиб, улар кулолчилик чарҳида юқори сифатли тарзда тайёрланган. Суюқлик учун мулжалланган идишлар асоси қузалар дан иборат бўлган. Қузалар асосан икки хилда, кенг ва тор бугизли шаклларда тайёрланган. Бироқ ҳар иккала шаклдаги қузаларнинг асосий қисми қадимги давр маҳсулотларидан фарқ қилган ҳолда жумракпар ёки бугиз қисмида буртиб чиккан оғизлар ҳамда нафис, қулай қилиб ишланган дасталар билан таъминланган.

Дастлабки даврларда турли идишлар дасталарида зооморфик

(хайвонлар шаюти) безакларнинг пайдо булиши хам ушбу даврга хос жихатлардан биридир. Қдцахлар мазкур давр хужалигида мухим урин тутган идишлардан бири хисобланиб, халқасимон дасталар билан ишланган. Улар VII асрдан эътиборан бутун Сугдиёна худудида кенг кулланилган. Косаларнинг асосан уч, яъни, коса, товоқча ҳамда кадах шаклидаги турлари кенг тарқалган бўлиб, бу махсулотлар кундалик ҳаётда ликопларни сиқиб чиқарган. Шунингдек Сугдиёнада тувак шаклидаги турли хажмли (йирик бўлмаган) идишлар хам уй-рузгор ва ошхона юмушларида кенг фойдаланиб келинган.

Сугдиёна кулолчилиги мактаби ютуқларидан бири - махсулот тайёрлашнинг махсус усули Самарканд шаҳри яқинида жойлашган Кофирқалъа (ёзма манбалардаги Ривдод билан таққосланади) Хунармандчилик марказида йўлга қуйилган. Бу усулга кўра, тайёр бўлган махсулотнинг оғиз қисми гардишига махсус шаффоф минерал (слюда) билан ишлов берилган. Натижада бу идиш ўз шакли билан металлсозлик махсулоти кўринишини олган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай идишлар металл махсулотларга тақлидан ишлаб чиқарилган ҳамда уларнинг арзон муқобили сифатида хам кенг ёйилган. Айнан унчалик катта бўлмаган косалар, хайвон боши шаклида тайёрланган тор бугизли ва (сув қуйилиши учун) буртма оғизли кўзалар, дастали кадах(кружка)лар ҳамда оғиз гардишига шаффоф минерал билан ишлов берилган кичик хажмли идишлар илк ўрта асрлар Сугдиёна кулолчилиги махсулотлари мажмуини ташкил қилган. Уларнинг маълум бир қисми ташки савдо-сотик учун хам чиқарилган, шу сабабли четга чиқарилган махсулотлар қушни улқалар маданий ривожига катта таъсир қурсатган.

**Тўқимачилик махсулотлари.** Тўқимачиликнинг ривожланиб бориши соҳанинг мухим тармоғи - тикувчилик хунармандчилигининг кенгайиб боришига замин яратади. Қурилаётган даврда тикувчиликда Сўгдиёна хунармандлари катта ютуқларга эришганлигини қузатиш мумкин. Тадқиқотлар тахлили Ўрта Осиёнинг бошқа ўлқалари каби Сўгдиёнада хам

пахта ва ипак газламасидан тикилган кийим-кечаклар кенг тарқалганлигини курсатади. Жумладан, археологик тадқиқотлар давомида топилган ашёлар (бу ашёлар асосан уша даврга оид қабрлардан топилган) ҳамда деворий суратлар (Панжикент, Афросиёб ва Варахша сарой деворлари) да акс этган тасвирларни тадқиқ этиш орқали маъмур даврдаги кенг фойдаланилган аёллар, болалар ва эркаклар кийими, бош кийими ва оёқ кийимлари муҳим маълумотлар олиш имконини беради. Аёллар кийими купчилик ҳолатларда асосан икки турдан - куйлак ва куйлак устидан ташлаб куйилган енгил кийим (халат) лардан иборат бўлган. Одатда, куйлаклар шойи, енгил кийимлар эса пахта газламасидан тикилган. халатлар турли усимлик шаклидаги бежирим ипакли безаклар билан безатилган. Афросиёб ёдгорлигидан топилган топилма айнан аёллар енгил кийими булагига эканлиги аниқланган, тадқиқотларга қура. 65x67 см катталиқдаги бу булак пахта хомашёсидан тикилган<sup>1</sup>. Аёллар кийими танани тупиккача беркитиб турган<sup>2</sup>. Болалар кийими асосан, кизил шойи газламасидан тикилган. Қизлар кийими елкаларини, орқа ва олди юқори қисми ҳамда егларини мунчоклар безаб турган. Кийимлар тикувчиликнинг Марказий Осиё улқаларидаги услубида, яъни, елка, этак ва енг учлари қисми безакли (гулли) тарзда тайёрланган<sup>3</sup>.

Туқимачиликнинг яна бир муҳим соҳаси - гилам туқиш ҳисобланган. Жундан сифатли туқилган гиламлар ҳашамдор безаклар билан безатилган. Бу каби гиламлар Панжикент атрофларидаги тоғли қишлоқларда ҳам қўлаб туқилган. Бироқ бу маҳсулотлар турли сабабларга қура бугунги қунга қадар сақланиб қолмаган. Соҳанинг санокли ашёларидан бири Самарқанд Сугдида жойлашган Жартепа ёдгорлиги супасида сақланиб қолган. Тадқиқотлар га қура, улқамлари 81x47 см.ни ташкил этган бу топилма каттагина, жундан сифатли қилиб туқилган гилам булагига эканлиги аниқланган<sup>4</sup>. Оғир меҳнатни такозо этадиган бу маҳсулотларнинг каттагина қисми ибодатхоналар, олий табақа вақиллари ҳамда ташқи савдо-иқтисодий алоқалар учун ишлаб чиқарилган.

Металлсозлик маҳсулотлари. Металлсозлик маҳсулотлари Сугдиёна

худудидаги ёдгорликлардан топилган ашёларнинг катгагина қисмини ташкил этади. Бу маҳсулотларнинг асосий қисмини шубҳасиз, хўжалик буюмлари (турли меҳнат қуроллари, уй-рузғор буюмлари), турли кийматли тақинчоқлар ҳамда қурол-яроғ ашёлари ташкил этади. Бироқ асрлар давомида турли таъсирлар туфайли бу маҳсулотларнинг аксарияти қисман етиб келган. Шу сабабли ёзма манбалар ҳамда ушбу топилмалар устида амалга оширилган тадқиқотлар орқали маъзкур даврда тайёрланган металлсозлик маҳсулотлари ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин. Жанубий Сўғда ва Нурота тоғ тизмаларида қончиликнинг ривожланиб бориши йирик хунармандчилик марказларида металлсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янги поғонага кутарди, бу марказларда қўлаб устахоналар вужудга келди. Жумладан, биргина Панжикент шаҳристонида VII - VIII асрларда, яъни араблар босқинига қадар (722 й.) темирчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган иккита, хизмат қурсатувчи саккизта, рангли металлларни қайта ишловчи бешта, зарғарлик маҳсулотлари тайёрловчи битта ва танга зарб этувчи битта, жами 19 та маҳсул устахоналар фаолият қурсатган.

Суғориладиган майдонларнинг қенгайиши ҳамда деҳқончилик маданиятининг юксалиши металлсозлик асосан, қора металлга қайта ишлов бериш ҳамда ундан хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш соҳасининг маданий улқа миқёсида қенг ёйилишига туртки берди. Металлсозлик буюмлари асосан хўжалик буюмлари бўлиб, бу маҳсулотлардан уй-рузғор (пичоқлар, болта) ҳамда қишлоқ хўжалиги (уроқ оқоч, мотиға) мақсадларида фойдаланиш қенг йулға қуйилган. Бироқ металлсозликнинг муҳим тармоқлари бўлган қуролсозлик ҳамда зарғарлик маҳсулотларини тайёрлаш фақатгина йирик марказларда, танга пуллар зарб этиш эса бевосита мулк ҳукмдорлари саройига яқин маҳсул устахоналарда амалга оширилган.

Металлсозликнинг яна бир муҳим тармоғи - қандақорлик маҳсулотлари ҳам бу даврда улқа худудларидан ташқаридаги анча қенг мақонларға ҳам тарқалди. Бу қабил идишлар уз даврида Сибир, Шарқий Европа, Қора денгизбуйи мамлақатлари ва Ғарбий Европа худудларидан қўлаб топилган.

Ҳозирги Самарканд шаҳри яқинидаги Челак тумани ҳудудидан кандакорлик хунармандчилиги каттагина мажмуа(коллекция)сининг топилиши ҳамда бу идишлар устида амалга оширилган тадқиқотлар эса айнан Сугдиёна мактаби Сосонийлар Эрони ва Араб халифалиги мактаблари оралигининг VII — VIII асрлардаги муҳим бугини булганлигини исботлади<sup>1</sup>. Кандакорликнинг муҳим жихатларидан бири идишга берилган безаклар булиб, бундай безаклар билан бир каторда маҳсулотнинг кимга тегишли эканлиги ҳам битиб куйилган.

Сугдиёнанинг Турк хоконлиги ҳукмронлиги таъсирига утиши металлсозликнинг энг муҳим тармоғи - қуролсозликнинг ривожтопишига олиб келди. Йирик харбий ҳаракатларни олиб борган хоконлик қўшинларини сифатли қурол-аслаҳа билан таъминлаш зарурати маҳсус устахоналарнинг қупайишига замин яратди. Йирик устахоналар билан бир каторда утроклашган ёки қучманчи қабилалар билан чегара ҳудудларда жойлашган ҳудудларда (Қоратепа ёдғорлиги) ҳам қуролсозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенг йулга қуйилади.

Қуролсозликнинг мазкур даврда кенг тарқалган тури бадий маҳсулотлар ишлаб чиқариш булиб, улар асосан, нуфузли амалдорлар, дехқонлар ҳамда йирик савдогарлар эҳтиёжига қура тайёрланган. Бу қабил буюмларни ҳамда уларнинг гилофини турли қимматбаҳо тошлар, металллар, дур ва маржонлар билан безатиш, уларга серхашам дасталар тайёрлаш хунармандчиликнинг бошқа соҳалари, хусусан, суяк ва ёғочга ишлов бериш, терини қайта ишлаш, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ривожига туртки берди. Жумладан, Муг қалъаси қазилмалари даврида топилган, ёғочдан ишланган ва тери билан қопланган, тасвирлар билан безатилган қалқон устида изланишлар олиб борган В. Распопова бу қабил қалқонлар харбий ҳаракатлар чоғида Сугдиёнада кенг қулланилганлигини таъкидлаб утади<sup>3</sup>. Заргарлик буюмлари. Заргарлик - халқ маънавияти ва маданиятининг узига хос соҳаси булиб, унинг пайдо булиши инсоният тарихининг қадимги даврларига бориб такалади. Қадимги даврларда соҳа маҳсулотлари аксарият ҳолларда диний-



ғоявий ахамиятга эга булган булса, кейинги даврларда кишилар дунёкдраши ва туб ижтимоий-иктисодий узгаришлар туфайли бу буюмлар шахснинг жамиятдаги урнини белгиловчи энг мухим омиллардан бири булган. Шунингдек мазкур даврда маҳ сулотлар бойлик орттириш воситаси сифатида хам катта ахамиятга эга булган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, XIX асрнинг охири - XX аср бошларига келиб буюмларнинг диний-ғоявий ахамияти пасайиб, эстетик ахамияти кучайиб боради.

Сугдиёнадаги тараққиёт заргарлик махсулотларини кенг микёсда ишлаб чиқариш имконини берган эди. Бу эса кимматбахо маъдан - олтин ва кумушдан хар хил шаклдаги санъат даражасига кўтарилган юксак бадий махсулотлар тайёрланиши учун замин яратди. Соҳа ривожининг узига хос хусусиятларидан бири анъанавий тақинчоқлар билан бир вақтда йирик хажмдаги махсулотларнинг ишлаб чиқарилганидир. Жумладан, Хитой йилномаларида Сўгдиёнанинг турли мулклари, хусусан, «..Ань (Бухоро) хукмдори 7-8 фут катталиқда бўлган, туя шаклидаги олтин тахтда утирган..»лиги ҳақида маълумот берилади. Қолаверса, араблар босқини даврида марказий шаҳарлардаги ибодатхоналарда сақланган маъбудларнинг катта хажмдаги олтиндан тайёрланган хайкаллари ҳақидаги маълумотлар хам фикримизни исботлайди. Бироқ заргарлик махсулотларининг асосий кисмини турли хажм ва шаклдаги тақинчоқлар ташкил этади. Худуддан топилган тарихий ашёлар билан бир вақтда сарой деворларида сақланиб қолган тасвирий санъат намуналари тақинчоқлар хусусидаги асосий манба хисобланади. Ушбу манбаларни ўрганиш орқали бугунги кунда заргарлик мактабига оид булган тақинчоқлар борасида купгина изланишлар олиб борилган хамда тақинчоқлар таснифи ишлаб чиқилган. Бу таснифга кура, махсулотлар бошга тақиладиган тақинчоқлар, исирғалар, буйин ва кукрак тақинчоқлари, билагузуклар хамда хар хил хажмдаги узуклар каби турларга булинади.

**Бошга тақиладиган тақинчоқлар.** Бу тақинчоқлар катта ахамиятга эга булиб, хокимият, шунингдек шахснинг жамиятдаги мавқеини аңлатган,

тананинг энг мукаддас кисмини турли бало-қазолардан асраш вазифасини бажарган, бир вақтнинг узида соч урамини тартибга солиш вазифасини ҳам утаган. Бу каби буюмларнинг асосан икки тури мавжуд булган. Бошга боғланадиган мато ёки тери боғичлар тарзидаги биринчи гуруҳ айлана шаклдаги кимматбаҳо тошлар билан бойитилган кадама безак - нишонлар билан безатилган.

Иккинчи гуруҳ тиллақош ёки тож шаклида булган. Сўғдиёна худудида уз шаклига кура бу каби буюмлар икки гуруҳни ташкил этади. Биринчиси дур ва марваридлар ёки хайвон шаклидаги нафис безаклар билан безатилган тиллақошлар, бу каби безаклар хоқимият ва хомийликни билдирган. Жумладан, манбаларда Сўғдиёна ихшиди бошига еттита кимматбаҳо тош ўрнатилган тиллақош тақиб юрганлиги тилга олинади. Иккинчи гуруҳ кимматбаҳо тошлар, безакли нишонлар, маржон ва бўртма нақшлар билан безатилган тожлардир. Панжикент саройи суратларидан бу каби тожларнинг баланд хажмда, кунгурадор ёки туп гулбаргли қилиб безатилганлигини кузатиш мумкин. Бу каби тожларнинг аксарият кисмида ярим ой тасвири акс эттирилган.

Исиргаларнинг аксарият кисми асосини оддий безаклар ташкил этган халкадан иборат булган. Мураккаброк тузилишдаги исиргалар мажмуини эса кулоққа тақиладиган халқага ўрнатилган йирикрок маржой ҳамда маржонга утказилган учта халкачага маҳкамланган кичик мунчоқлар ташкил этган. Бу каби исиргаларни эркаклар ҳам тақиб юрганлар. Маржон шодалари буйин ва куракка тақиладиган тақинчоқлар гуруҳини ташкил этган. Шоода олтин ёки кумушдан тайёрланган силлик жевак (кулон), шокила ёки медальон билан бойитилган. Улар жумласига Нахшаб кухандизидан топилган типратикан шаклидаги жевакни киритиш мумкин'. Медальон ва шокилалар тўғрибурчакли ва бошка геометрик шаклли тошлар билан безатилган. Энг мураккаб ва куркам безатилган курак тақинчоқлари Панжикентда кенг тарқалган. Билагузукларнинг мазкур даврда елкадан тирсаккача булган тана кисмида ҳам тақиладиган тури ҳам кенг қўлланилган. Билакка доимий

равишда жуфт - хар бир кулга биттадан, иккитадан ёки учтадан билагузук тақилган. Уларнинг айримларига безак берилмаган, айримлари эса қимматбаҳо тошлар, маржон ва нақшлар билан безатилган. Елка билагига эса гардиш шаклидаги билагузуклар тақилган. Улар қимматбаҳо булиш билан бир вақтда химоя вазифасини ҳам ўтаган. Билагузуклар тақиш эркак ва аёллар орасида кенг ёйилган.

Узуклар. Топилма суратлар тадқиқотларига кўра, оддий бир тишли тарзда ҳамда йирик қимматбаҳо тош булагига ёки дур урнатилган ҳолда ясалган узуклар асосан кичик бармоққа тақилган. Чечактепадан топилган узук гардиши айнан шу узукларга ухшаш булган. Бу каби узуклар жамиятдаги мавқе билан бир вақтда шахснинг балогатга етганлигини ҳам билдирган.

Бу каби махсулотлар қушни ва олис ўлкаларда ҳам юксак қадрланган ва шу сабабли савдо-сотик алоқаларида катта ўрин тутган. Шунингдек аҳоли табақаларини ҳисобга олган ҳолда бронза ва мис каби маъданлардан ҳам тақинчоклар ясалганки, бу каби топилмалар купгина ёдгорликлардан топиб тадқиқ этилган. Шишасозлик махсулотлари. Археологик тадқиқотлар давомида Овултепа, Куштепа, Култепа каби ёдгорликлардан бир қатор шиша идишлар ёки идиш бўлақларининг топилиши Сўғдда шишасозлик махсулотлари кенг тарқалганлигидан далолат беради. Тадқиқотлар тахлили Сўғдда илк ўрта асрлар даврида шишасозлик ҳунармандчилиги, шиша идишлар ишлаб чиқаришнинг йулга қуйилмаганлигини курсатади. Бироқ шиша идишларнинг кенг тарқалганлиги Сугдиёнага шиша буюмлар савдо-иктисодий алоқалар орқали асосан, Тохаристон худудидан олиб келинган деган хулоса чиқариш имконини беради. Шиша идишларнинг тури кам сонли бўлиб, дастали ва дастасиз кўзачалар, пардоз ва фармацевтика мақсадларида фойдаланилган, оғзи маҳкам беркитиладиган кичик идиш(флакони) лардан иборат булган. Топилмалар орасида шиша қадахлар ҳам учрайди, бироқ «..шиша қадахлар VIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан кенг тарқалган». Шишасозлик кейинги даврларда тараққий этган бўлиб, Сугдиёна

худудидаги дастлабки йирик устахоналар Бухорода жойлашган. Меъморчилик безаклари хунармандчилиги. Меъморчиликда кулланилган безакларда ёгоч ҳамда гил тупрокдан тайёрланган сирланмаган сопол кошин(малоййика) мазкур даврда кенг қўлланилган усуллардан ҳисобланади. Ёгочга ишлов беришнинг кенг тарқалган тури турли афсонавий манзаралар ҳамда хайвонлар тасвири билан уймақори тарзда безатилган устунлар ҳисобланади. Уймақори устунлар асосан Самарканд Сугди учун хос булган. Тог ёнбағрида сифатли ёгоч берувчи дарахтларнинг куплиги нафакат Самарканд<sup>5</sup> ва Панжикент<sup>6</sup> каби йирик шаҳарлар, балки, Гардани Хисор каби мустаҳкамланган кургонлар ҳамда Жартепа II сингари ибодатхоналар<sup>2</sup>ни ҳам безатишда серхашам устунлардан фойдаланилганлигини курсатади.

Жанубий ва Бухоро Сўғди худудида уймақори ёгоч урнида сирланмаган кошин(гил тупрокдан тайёрланган ва пиширилиб, безак берилган сопол)лар кенг кулланилган. Биноларнинг ички қисми девор ва шифти туташган жойларни шу усулда (албатта, бошқа хомашёлар ёрдамида) безаш бугунги кунга қадар сакланиб қолган. Кошинлар турли манзаралар (асосан, серхашам нақшли) ҳамда усимлик гуллари билан безатилган. Ёдгорликларнинг яхши сакланмаган ҳолати бундай кошинларни чуқур таҳлил этиш имконини бермайди, бироқ тадқиқотчиларнинг фикрича, VII - VIII асрларда Сўғдда иншоотларни безашда терракоталарга нисбатан кошинлардан купрок фойдаланилган.

Хулоса қилиб айтганда, Сўғдиёна хунармандчилиги ва савдо алоқаларининг илк ўрта асрлар давридаги ҳолати, тараққиёт йуналишларини тадқиқ этиш Ватан тарихининг серкирра маданияти ва маънавий юксалиши жараёнларини теран англашда, бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлод онгида Ватанга мухаббат, фидойилик тадбиркорлик ҳамда миллий гурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиришда, шунингдек шиддат билан ривожланиб бораётган бозор муносабатлари даврида мустақил Ўзбекистоннинг иктисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашда илмий-назарий жихатдан бекиёс ахамият касб этади.

## **2.2 Султон Махмуд Ғазнавийнинг тарихда тутган ўрни хусусида мулоҳазала.**

Истиқлол йилларида мамлакатимиз тарихчилари томонидан ўтмиш воқеалиги, унда кечган турли жараёнларни холис равишда ўрганиш, таҳлил этиш натижасида кўплаб ахамиятга молик тадқиқотлар амалга оширилди, тарихнинг очилмаган саҳифалари ўрганилди, бирёклама талқин этилган масалаларга тегишли ойдинлик ва аниқликлар киритилди. Шу билан бир каторда хали тарихчи олимлар олдида Ватан тарихининг кўплаб тадқиқ этилиши лозим бўлган масалалари ҳам борки, улар орасида урта асрлар, хусусан IX-XII асрларда ҳукмронлик қилган сулолалар тарихи ҳам алоҳида урин эгаллайди. Мамлакатимиз давлатчилиги тарихида бу ҳолни Ғазнавийлар сулоласи мисолида ҳам келтириш мумкин.

Собик совет даври тарихшунослигида Ғазнавийлар, хусусан мазкур давлатнинг энг ёрқин намояндаси Махмуд Ғазнавий тугрисида умумий ҳамда бир ёклама салбий караш устунлик қилган. Дарслик ва адабиётларда Махмуд Ғазнавийни асосан «талончи», «зуравон ҳукмдор» деб кўрсатиш одат тусига кирган.

Мустақиллик йилларига келиб ушбу масала моҳиятини илмий жихатдан замонавий талқин этиш бошланди. Бу борада илмий-публицистик характердаги Маҳкам Андижонийнинг мақоласини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу мақола гарчи шу йўналишдаги илк чиқиш бўлса-да, лекин унда кўпроқ публицистик характер устунлик қилган ҳамда масала моҳиятининг тарихийлик холислик жихатлари анча суёт акс этганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур жихатлар илмий асосда, тарихий манбаларга тулақонли таянган ҳолда ёзилган Азамат Зиёнинг монографиясида уз аксини топган бўлиб, масаланинг долзарблик жихатларига катта эътибор берилган.

Мавзунинг манбашунослигига тухталганда Махмуд Ғазнавий, Ғайнавийлар тарихи аксарият Абулфазл Байҳакийнинг «Тарихи Маъсудий» асаригагина уз аксини кўпроқ топганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу билан биргаликда Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Низомий Арузий Самаркандийнинг «Чахор макола» ва бошқаларда Махмуд Газнавий ва у барпо этган давлат хусусида тегишли маълумотлар учрайди.

Махмуднинг отаси Сабуктегин асли Сирдарё бўйларида яшаган барсхон туркий кабиласига мансуб бўлиб, ёшлигида асир олиниб, сунгра кул килиб сотилган эди. Сомонийлар давлатидаги туркий аскарлар кушинида хизмат қилган Сабуктегин 977 йилдан бошлаб Газна ва унинг атрофларини Сомонийлар ноиб сифатида бошқаради. Бу вақтга келиб Сомонийлар сулоласи инкирозга юз тутган бўлиб, Сабуктегин расман ноиб бўлса-да, узини мустақил ҳокимлардек тутарди. Шижоатқор саркарда Сабуктегин айнан Сомонийлар амири Нух II (976-997 й.)нинг душманларига қарши курашда ёрдам бериб, «Носириддин ад-давла» (Давлат ва дин химоячиси) угли Махмуд эса «Сайф ад-Давла» (Давлат шамшири) деган шарафли номларга сазовор бўлишади. Сабуктегиннинг таъсири мамлакат ичида тез орада шу қадар кучайиб кетдики, унинг қаршисида Нух II тахтда расман утирган, аслида заиф ҳукмдорга айланиб қолди.

Нух IIнинг вафотидан сунг Сомонийлар ҳокимият тепасига унинг ўғли Мансур II ибн Нух (997-999) келди. Тарихчи Абулфазл Байхакий «Тарихи Маъсудий» асарида бу хусусда шундай ёзади: «Абул Ҳорис Мансур ибн Нух гузал чехрали, сузамол, жасур, аммо сержахл йигит эди. Хамма ундан куркиб- какшаб турарди. У давлат ишини мохирона боищара бошлади». Тез орада, Нишопур ҳокими Бегтузун билан Балх ноиб Махмуд Тазнавий орасида Нишопурга эгалик хусусида низо чиқди. Махмуд қатта угил сифатида Газнага қонуний ворис ҳисобланишига қарамасдан, қариган Сабуктегин улими олдидан кичик угли Исмоилни уз урнига тайинлайди. 997 йили отаси вафот этгач, Исмоил ҳокимлик лавозимида етти ойгина утирди. Зодагон ва харбийларнинг қуллаб- қувватлаши билан 998 йили Махмуд Тазнавий ҳокимиятни эгаллади. Натижада, унинг 30 йилдан зиёд (998-1030) давом этган узок ва барқарор ҳукмронлик даври бошланди.

Махмуднинг отаси Сабуктегин асли Сирдарё бўйларида яшаган

барсхон туркий кабиласига мансуб булиб, ёшлигида асир олиниб, сўнгра кул килиб сотилган эди. Сомонийлар давлати туркий аскарлар кушинида хизмат килган Сабуктегин 977 йилдан бошлаб Тазна ва унинг астрофларини Сомонийлар ноиби сифатида бошқаради. Бу вақтга келиб Сомонийлар сулоласи инкирозга юз тутган, Сабуктегин расман ноиб булса-да, узини мустакил ҳокимлардек тутарди, шижоаткор саркарда Сабуктегин айнан Сомонийлар амири Нух II анларига қарши курашда ёрдам бериб, «Носиридцин ад-давла» (Давлат ва дин химоячиси) угли Махмуд эса «Сайф ад-Давла» (Давлат шамшири) деган шарафли номларга сазовор булишади. Сабуктегиннинг таъсири мамлакат ичра орада шу қадар кучайиб кетдики, унинг қаршисида Нух II тахтда расман утирган аслида заиф ҳукмдорга айланиб қолди. Нух II нинг вафотидан сунг Сомонийлар ҳокимият бошига унинг угли Мансур II ибн Нух (997-999) келди. Тарихчи Абул-файзл Байхакий «Тарихи Маъсудий» асарида бу хусусда шундай ёзади: «Абул-Хррис Мансур ибн Нух гузал чехрали, сузамол, жасур, аммо сержахл йигит эди. Хамма ундан қурқиб-қакша

б тутарди. У давлат ишини мохирона боишара бошлади». Тез орада, Нишопур ҳокими Бегтузун билан Балх ноиби Махмуд Ғазнавий орасида Нишопурга эгалик хусусида низо чиқди.

Махмуд катта ўғил сифатида Ғазнага қонуний ворис ҳисобланишга қарамасдан, қариб қолган Сабуктегин ўлими ол-101 дидан кичик угли Исмоилни уз урнига тайинлайди. 997 йили отаси вафот этгач, Исмоил ҳокимлик лавозимида етти ойгина утирди. Зодагон ва ҳарбийларнинг қуллаб-қувватлаши билан 998 йили Махмуд Ғазнавий ҳокимиятни эгаллади. Натижада, унинг 30 йилдан зиёд (998-1030) давом этган узок ва барқарор ҳукмронлик даври бошланди.

Сомонийларга хизмати синган, Мансурнинг душманларига қарши анча қуч сарфлаган Махмуд учун бу узига хос адолатсизлик эди. Чунки Нишопурга эгалик қилишни Махмуд айнан узига тегишли деб ҳисобларди. Мансур иккала ҳокимни яраштириш мақсадида Марвга йул олади. Мансур

билан Махмуднинг учрашишидан хайиккан Бегтузун ва амир Фоик хиёнаткорона тарзда Мансурнинг кузини кур килиб, Бухорога жунатишди. Шундан сунг Бухоро тахтига 999 йили Мансурнинг укаси Абдулмалик II эгалик килади. Бундан газабланган Махмуд Хуросонга кушин тортади ва уни буткул Сомонийлар давлатидан ажратиб олди. Орадан куп утмай Сомонийлар давлати Қррахонийлар сулоласи кулига утиб, охирги амир хам зиндонбанд килинади. Шундай вокеаларга бой 999 йили Багдод халифаси ал-Қдцирбиллох Махмуд Ғазнавийга «Яминуд-давла ва аминул-милла» (Мусулмон давлатининг унг кули ва миллатнинг омонлиги) деган фахрий унвон ва Хуросон хоқимлигига ёрлик байрок ва ногора юборади. Уз навбатида, Махмуд Ғазнавий хам Аббосийлар халифасини расман тан олиб, уни пайгамбар авлоди сифатида кадрлайди. Бу эса Махмуд Ғазнавий давлатининг тулик мустикалликидан дарак берар эди. 1001 йилдаги Қорахонийлар хони Наср Илекхон билан узаро келишувига биноан Амударё чегара сарҳад килиб белгиланди. 1002 йили эса Махмуд Эроннинг Сейистон вилоятини кулга киритади. Таъкидлаш жоизки, Сейистон мусулмон оламининг бошқариши мураккаб булган турли хавфли оким ва йуналишлар макони эди.

Айни пайтда, сунний мусулмонлар хамда Багдод халифасига хавф тугдирадиган маскан эди, десак хам муболага булмаиди. Сейистоннинг собик хукмдори Халиф ибн Ахмад тахтга даъвогар угли Тохирни уз кули билан улдирилишини Махмуд Ғазнавий қапа жинойт, мусулмонликка хилоф харакат, деб баҳолайди. 1006-1008 йилларда Қорахоний Қодирхон Махмуд Ғазнавий йуклигидан фойдаланиб, Хуросонга юриш килади. Бундай хол икки бор такрорланиб, Махмуд хар иккала холатда хам Қодирхон кушинларини тор-мор келтиради ва Хуросондан хайдаб чикаради. 1010-1011 йилларда Гур вилоятига юриш килиб, унинг хоқими ибн Сурийни асир олади. Кейин Гарчистонни (Марв ва Хирот оралигидаги худуд) эгаллаб, подшоҳ Шаррни хам банди килади. 1015 йилда эса хозирги Афғонистоннинг чекка тогли худуди Хамовандни босиб олади. 1002-1026 йиллар мобайнида Махмуд Г



азнавий Ҳиндистонга 17 мартаба юриш килади. Шубхасиз, бу юришларда султон куплаб бойликларни кулга киритади, унлаб шаҳар-кишлоқларни вайрон килади. Биргина 1019 йилги юришда 350та фил, 57 мингта асир, беҳисоб бойликларни улжа сифатида кулга киритган.

Маҳмуд Ғазнавий Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунни (1009- 1017 й.) узига куёв қилиб олиб, тез орада таъсирини Хоразмга ҳам утказиш тараддудига тушади. Бу вақтга қелиб, Хоразм юксак дехқончилик маданиятига эришган, мусулмон дунёсида илм-фан маркази, юксак салоҳиятли олимлар юрти сифатида ҳам донг таратган эди. Хоразм Маъмун академиясида эса, унлаб улуг олимлар, жумладан, Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби алломалар самарали ижод қилишган.

Аввалига Ғазнавий элчиси, кейин Султон Маҳмуднинг узи Маъмунни сиқувга олиб, ундан қарамликни талаб қила бошлайди. Бир тарафдан Маҳмуд Ғазнавий, бошқа тарафдан атрофдаги аъёнлари ҳамда зодагонлар томонидан қаттиқ қистовга олинган Хоразмшоҳ Ю17 йил баҳорида сарой фитнаси қурбонига айланади. Натижада, Маҳмуд бу воқеаликни баҳона қилиб қатта қушин билан қелиб, Ҳазорасп ёнидаги жангда Хоразм қушинини мағлубиятга учратади. Хоразмдан куплаб бойликлар билан бирга, фан ва маданият арбоблари ҳам Ғазнага қучириб келтирилади. Улар орасида улуг олим Абу Райхон Беруний ҳам бор эди. Хоразмга эса султоннинг собиқ бош хожиби Олтинтош ноиб этиб тайинланди.

Қорахонийларнинг узаро тафовутларидан фойдаланган Маҳмуд Ғазнавий 1024 йили Амударё бўйларига юриш қилиб, Қобадийён, Хутталон ва бошқа чегарадош вилоятларни уз давлати таркибига киритади. XI аср тарихчиси Гардизий «Зайнул ахбор» асарида Маҳмуд Ғазнавий билан Тамғачхон Кодир Қорахонийнинг юзма-юз учрашуви ҳақида ҳикоя қилади. Учрашув 1025 йили Самарқанд жанубидаги бир жойда бўлиб утади. Шундан сунг Султон Мовароуннахр ишларига янада купрок аралаша бошлади.

Шиа мазҳабидаги Бувахийлар сулоласи ҳукмронлигига чек қуйган султон Маҳмуд Ғазнавий 1029 йили Рай ва Жилобни ҳам уз мулкига қушиб

олади. Натижада, Махмуд Г азнавий мусулмон шаркидаги энг йирик ва кудратли давлат сохибига айланади. Албатга, Махмуд Ғазнавий уз даврининг фарзанди булиб, мураккаб ва зиддиятли вазиятлар, карама-кдршиликларга бой булмиш урта асрларда хукмдорлик килган. Бу хол унинг барча саъйхаракатлари, ички ва ташки сиёсатида яккол намоён булган.

Ғазнавийларнинг машхур султони X аср охирлари, XI аср бошларида Урта Шаркда юзага келган сиёсий, ижтимоий, маънавий-диний ахволни тахлил этишга харакат килади. Шу даврда мусулмон оламида турли диний оким ва мазхаблар, хар хил йуналишлар харакати кучайиб кетди. Улар орасида ихтилофлар, диний айирмачилик кайфиятидаги карматлар ва айникса, шиаликнинг ута сул окими исмоилийлик куринишида хавфли эди. Мазкур оқимлар тинч хаётга рахна солар, узаро к>фкув ва вахимани кучайтириб, куплаб бегунох кишиларга зарар етказар эди.

Анъанавий сунний окимига карши турли диний гурухдар купрок; ХинДистон билан чегарадош чекка вилоятларда уз фаолиятларини кучайтириб юборадилар. Жумладан. Мултон (хозирги Покистон худуди) хокими Абул Футух Довуд ибн Наср янги мазхабга асос солиб, уз ахолисини унга даъват эта бошлайди. Пайгамбар йули суннийликнинг ханафия мазхабига содик булган Султон Махмуд Ғазнавий шу окимларга карши аёвсиз кураш олиб боради. Шубхасиз, унинг Хиндистонни талон-тарож килишини бу билан оклаб булмайди. албатта. Аммо, сабабларни хам куздан кочирмаслик керак. Уз даври фарзанди булмиш султон диний фитналарга карши курашда Багдод халифаси фармонлари, Имом Аъзам Абу Ханифа курсатган йул, шариат Қонункоидаларига таянар эди. Мисол учун, айнан карматлар 929 йили Маккада талончилик уюштириб, Каъбадаги мукаддас тош «Хажар ул Асвад»ни олиб кетишади. Тош фақат 20 йилдан кейингина жойига кайтарилади.

Абу Райхон Беруний «Осор ул Бокия» асарида карматлар бошчиси Абу Тохир Сулаймон томонидан Маккада амалга оширилган гайриинсоний хдракатларни надомат билан таъкидлаб утади. Эроннинг Дайлам вилоятида

кувим топган исмоилийлар эса, узларича, номакбул деб хисобланган шахсларни жисмонан йук килишар, уз фаолиятларида ислом дини ко ну н - ко ид а лар и ни тафтиш килиб, анъанавийликка карши чикишар, террор ва дахшат уйготишни асосий курулларига айлантириб олган эдилар. Куплаб савдо карвонлари бу ерларни четлаб утар, кузга курунган арбоблар, уламо ва бошка шахслар уз жонлари учун каттик кайгуришар эди. Чунки, исмоилий жосуслари кутилмаган фитналар билан уларни «овлаш»ни кенг йулга куйишган эди. Багдодда юз йилдан зиёд сиёсий хукмронликни кулга олган Бувахийлар (945-1055) халифаликнинг диний-маънавий хаётига катта талофат етказганлар. Багдод шахрини забт этган Бувахийлар хукмдори Муиззид- давла (945-967) масжид деворларига чорёрларни хакоратловчи шиорлар ёздиришга буйру к бериб, турли мазхабларни бир-бирига карши куяди. Бу фикр-мулохазаларга кура шуни айтиш мумкинки, мусулмон халклари хаёт ва фаолиятида маънавият ва тинчтотув хаёт кечиришига карматчилиқ исмоилийлик ва бошкалар катта хавф тугдирар, шу боис хам Султон Махмуд Газнавий уларга карши курашишни узининг бош гоёсига айлантирган эди. Райнинг бувахий хукмдори Маждуд-давла Рустам (997-1029) ёшлиги сабабли давлат ишларини унинг онаси малика Саййида олиб борган. У билан булган ёзишмалардан сунг Махмуд аёл хукмдор устига юриш килишни узига эп курмади. Саййида хаётлик чогида бирон маротаба хам Райга тазйик утказилмаган. Тарихчи ибн ал Асир берган маълумотига кура, онаси вафот этгач, Рустам исмоилийлардан куп азият чекади. Натижада, узи Султон Махмуддан ёрдам сураб, мурожаат килди. 1029 йил Рай эгаллангач, Султон кулга киритилган улжанинг катта кисмини Багдод халифасига жунатади ва бу бойлик асосан курилиш - ободончилик ишларига йуналтирилади. Бу хусусда машхур тарихчилар Абулфазл Байхакий, ибн ал-Асир, Гардизий ва бошкалар турли маълумотларни ёзиб колдиришган. Махмуд Газнавий Ҳ индистон ва бошка юртлардан олиб келинган улжаларни куп холларда ободончилик хамда курилиш ишларига сарфлаган. Жумладан, у Газнада илк давлат мадрасаси, машхур жомъе масжиди, улкан сув туго ни ва

яна неча-неча иншоотлар барпо эттиради. Ғазна тез орада Шаркнинг энг гузал ва обод шаҳарларидан бирига айланади. Беруний Ғазна хақида гапирганда, бу шаҳарда хашаматли саройлар, Ма драса ва бозорлар куплигини кайд этади. Султон Балх ва Нишопурда ҳам бир канча курилишларни амалга оширган. Шунингдек Султон илм-фан маданият арбобларига ҳам хомийлик қилган. Берунийнинг энг сара асарлари Ғазнада дунёга келган. У Султон билан купгина юришларда иштирок этган. XI аср муаллифи Арузий Самаркандий «Чаҳор мақола» асарида Беруний билан Султон уртасида анча илик муносабат булганлигини таъкидлайди. Абулфазл Байхакийнинг машҳур «Тарихий Маъсудий»сида, гарчи Султон билан Берунийнинг муносабатлари хақида ҳам силлиқ кечмаганлиги кайд этилса-да, лекин Султоннинг буюқ олимга хайрихоҳлик билан қараганини эътироф этади. Беруний Махмуд Ғазнавий вафотидан (1030) кейин ҳам Ғазнада то умрининг охиригача. 1048 йилга қадар яшаб қолади. У Ғазнада расадхона очиб, шогирдларига дарс беради, унумли ижод қилади. Махмуд Ғазнавий отаси Сабуктегин ёзиб қолдирган, «Маънавий улугворлик бамисоли алақга ва шамол. Буларнинг ҳаракат ва парвоз хусусияти бор. Маишат эса, қия ердаги кум уюмига ухшаш унинг тубанликка сурилиш ҳосияти бор», деган насиҳатига қура, илм-фан соҳасига ҳам қатта эътибор билан қараган.

Шуниси диққатга сазоворки, Султон 1019 йили мусулмон оламида илқ давлат мадрасасини очиб, унга ноёб қулёзмаларни туплатган. Аслида Абул Қосим исмли форс шоирига Фирдавсий таҳаллусини берган ҳам махмуд ғазнавий ҳисобланади. Султон аввал Фирдавсийга ижобий муносабатда булган. Лекин, шоир ижоди учун муносиб ҳақ олмаганлигини қуқач қилиб, берилган 60 000 қумуш дирхамни бир неча қишига булиб тарқатиши орқали ҳурматеизлик қурсатғач, Султон бундан қаттиқ ғазабланади ва уни улимга ҳуқм қилади. Аммо Фирдавсийнинг тавба-таззарусидан кейин қунгли юмшаб, ҳуқмни бекор қилади ва шаҳардан қикиб қетишни буюради. Шоир Тусга йул олади. Салдан кейин Султонни ҳджд тигига олган байтлар ёза бошлади. Бу эса, Махмуд Ғазнавий номининг кейинчалиқ ҳам Фирдавсий

ижодида салбий охангда тилга олинисига замин хозирлайди. Умуман олганда, бошка форсийзабон шоирлар масалан, Абулх асан Фаррухий, Абдулмажид Санойи ва бошқалар Султон саройида самарали ижод қилганлар.

Махмуд Ғазнавий буюк олим Абу Али ибн Синонинг ҳам уз саройида хизмат қилишини хоҳлаган. Ўз вақтида Хоразмшоҳ Маъмундан эса бошка олимлар каторида уни Ғазнага юборишини талаб қилган. Шу боис, Гурганжга Ибн Али Микол бошлик элчиларни ҳам махсус жунатган эди. Лекин, Масихий ва Ибн Сино Султон Махмуд Ғазнавий саройида хизмат қилишни истамай, Хоразмдан қочишга қарор қилишади. Махмуд Ғазнавий ибн Синони уз саройига жалб этишга қуп уринди, ҳатто унинг сиймосини қоғозга 40 нусхада қучиртириб, қандай қилиб бўлмасин, уни топиб келтиришга фармон беради. Таъкидлаш жоиз-ки, Ибн Сино ва Султон орасидаги муносабатлар қиёсат хусусиятга эга бўлиб, ҳали ечимини қутаётган масалалар каторига қиради. Султон Махмуд Ғазнавий давлатнинг устуниси эди. Ўнинг вафотидан сўнг уғли Маъсуд (1030-1041 й.) шухрат погонасини Салжукийларга топширишга мажбур бўлди. Султон Мавдуднинг (1041-1050 йй.) Ғазнавийлар шухратини қайтариш учун саъй ҳаракатлари деярли бесамар тугади. Тез орада Ғазнавийлар давлати қули остида Шаркий Афғонистон ва Шимолий Хиндистоннинг бир қисми қолди, ҳолос. Гурийлар ҳукмдори Гиёсиддин Муҳаммад 1186 йили охириги султон Хисрав Маликни Панжобда улдириб, буткул Ғазнавийлар сулоласига хотима беради. Ғазнавийлар Урта Шарқ ҳудудида ягона геосиёсий майдонни бирлаштиришга муваффақ бўлдилар, шунингдек улар ҳукмронлиги даврида маънавий ҳаётга таҳдид солувчи қучларга нисбатан чек қуйилди, илм-фан, адабиёт, шаҳарсозлик қурилишида маълум тараккиёт юз берди.

Махмуд Ғазнавий X асрнинг биринчи чорагида мусулмон шарқи сиёсат майдонида қатта ўрин тутган буюк саркарда ва йирик давлат арбоби сифатида тарихда ном қолдирди. Хар бир тарихий шах қабил унинг фаолияти ҳам зиддиятли ва қарама-қаршиликлардан ҳоли бўлмаган. Айниқса, бу ҳол

унинг бутун хукмронлик даврининг асосий мохиятини ташкил этган. Ушбу маколада мазкур давлат арбоби шахси ва даврига баҳоли қудрат назар солдиқ холос. Ўйлаймизки, бу хонда хали кўплаб мунозара, фикр-мулохазалар давом этиб, шарқшунос олимларимиз янада кўплаб изланишлар олиб бориб, тарихий ўтмишимиз хусусида тегишли тадқиқотларни амалга оширадилар.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбек давлатчилиги, унинг пойдевори ва тараққиёт босқичлари (Давлатчилик тушунчаси, меҳнатнинг йирик тақсимоти, ихтисослашган хунармандчилик суңий сугорма дехкончилик).
2. Юртимизда дастлабки давлатлар-Хоразм ва Бактрия подшоликлари, Сугдиёна, Маргиёна, Даван (Фаргона), Чоч ва бошқа давлатларнинг барпо этилиши (Дастлабки мустақил давлатлар, ёзув, дин, маданий хаёт).
3. Марказий Осиё худудида вужудга енг қадимги шаҳарлар. Шаҳар маданиятининг шаклланиши (Савдо-сотиқнинг кучайиши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, илк шаҳарсозлик).
4. IX-XIII аср бошларидаги Ўрта Осиёдаги марказлашган давлатлар.
5. Ғазнавийлар давлатининг пайдо бўлиши.
6. Ғазнавийлар давлатининг сиёсий тарихи.
7. Салжуқийлар давлати.
8. Салжуқийлар давлат бошқаруви.

## 3-МАВЗУ: СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ. (2 соат)

### РЕЖА:

**3.1. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар.**

**3.2. Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг моҳияти ва ривожланиш босқичлари.**

**3.3. Ўзбекистоннинг ижтимоий - иқтисодий барқарорликни яратишдаги давлат сиёсати (1989-1990 йиллар мисолида)**

### **3.1 Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошув ва таҳлиллар.**

Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими тарихи шаклланиши босқичлари ва моҳияти Ватанимиз тарихига долзарб мавзулардан. Бу муаммонинг илк даври Ўзбекистон тарихининг хронологик жихатдан 1917-1941 йилларга тегишли бўлиб, кейинги даврдаги ижтимоий, иқтисодий воқеаларнинг ҳосиласи бўлди. Мавзуга оид адабиётларни хронологик жихатдан икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: биринчи давр - совет ҳокимияти йилларида нашр этилган тарихий адабиётлар; иккинчи давр - мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ҳисобланади. Биз ушбу мақолада Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими ҳақида замонавий ёндошувларни узида жамлаган иккинчи давр тарихшунослиги ҳақида тухталиб ўтишни лозим деб топдик.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, 1991 йил муаммо тарихшунослигининг иккинчи даври бошланди. Мустақилликнинг дастлабки 20 йили 1991 - 2011 йилларда Ўзбекистонда яратилган тарихий тадқиқотларда совет тузумининг моҳияти очиқ берилди. Большевиклар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган «инқилобий узғаришлар» таҳлил қилиниб, совет тоталитар режимининг асл моҳияти қурساتилди.

Иккинчи даврда яратилган тадқиқотларни мавзу қуламига кура бир нечта гуруҳга булиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳга оид тарихий адабиётларда мустабид совет тузумининг асл мохиятини очиб бериш билан биргаликда жадидларнинг давлатчилик борасидаги кзрашлари, Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти, миллий давлатчиликни тиклаш учун олиб борилган ҳаракатлар, Урта Осиёда совет режимига қарши қуролли кураш, Туркистон ва Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, ижтимоий қатламлар фаолияти. кадрлар сиёсати каби масалалар таҳлил қилинди. Хусусан, Р.Ражапова, Д.Алимова, Ф.Досимов, Р. Абдуллаев, С. Аъзамхужаев, А. А. Голованов, Д.Зиёева, Д.Ражабов, Р.Шамсутдинов, Б.Хасанов ва бошқа тарихчиларнинг бу соҳадаги саъй - ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб утиш лозим. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг аграр сиёсати, қишлоқ хужалигини мажбуран коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва қатағон сиёсати, вақф мулкларининг тугатилиши, хотин - кизлар масаласи, суғорилиш тарихи, назорат органлари ва иқтисодий кенгашпар фаолияти ёритилган тарихий адабиётларни шартли равишда иккинчи гуруҳга киритиш мумкин. Бу адабиётларда янгича методологик концепция асосида совет даври тарихининг илгари мутлақо ёритилмаган ёки бузиб қурсатилган жихатлари тадқиқ қилинди. Учинчи гуруҳ тадқиқотлари муаллифлар жамоаси томонидан яратилган фундаментал тадқиқотлар ва коллектив монографиялар булиб, уларда Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи ёритилган. Шунингдек Қорақалпоқистон тарихи ҳам ақс этган адабиётлар бор. Яқинда нашр этилган ога;огу – бий оғзаки тарих методологияси асосида яратилган Ўзбекистоннинг оғзаки тарихига оид китобда совет даври тарихининг баъзи жихатлари таҳлил қилинган.

Шунингдек мустақиллик йилларида Ўзбекистонда химоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида ҳам мустабид совет режимининг тоталитар хусусияти очиб ташланган.

Айниқса, С. Аъзамхужаев, Р.Абдуллаев, Д.Зиёева, Қ.Ражабов, А.Расуловнинг докторлик диссертацияларида тадқиқ қилинаётган мавзунинг



айрим жихатлари ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

ЎзБдан ташқари 1992 йилдан бошлаб Россия Федерацияси, Қазақистон, Кирғизистон, Тожикистон, Туркменистонда яратилган куплаб умумлаштирувчи тадқиқотлар айрим монографиялар, илмий мақолалар ва химоя қилинган диссертацияларда советтузумининг тоталитар моҳияти очиб ташланганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, россиялик тарихчилар ва политологлар бу соҳада куплаб жиддий тадқиқотларни эълон қилишди.

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид хорижий тарихий адабиётлар тарихий тадқиқотларнинг алоҳида турини ташкил этади. Ўзбекистонда мустабид давлат бошқарув тизимининг шаклланиши, босқичлари ва моҳияти туғрисида XX аср ва XXI аср бошларида хорижда яратилган куплаб тарихий тадқиқотларда айрим маълумотлар мавжуд.

Таниқли инглиз тарихчиси Эдвард Карр, италян тарихчиси Жузеппе Баффа, америкалик сиёсатшунос Роберт Такернинг асарларида Россияда большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши, мустабид совет жамиятининг моҳияти, Ленин ва Сталин каби диктаторларнинг ҳокимият учун кураши тасвирланган. Шу нарса характерли холки, бу асарлар 1990-1991 йилларда рус тилига таржима қилиниб, Москвада нашр этилди.

Сўнги йилларда куплаб ғарб олимлари Йорг Баборовски. Виктор Кондрашин, Элен Каррер д' Анкосс, Леонид Люкс, Хайнц- Дитрих Лёве ва бошқаларнинг тарихий асарлари рус тилига таржима қилиниб, «Сталинизм тарихи» руҳида Москвада босилиб чиқди. Бу асарларда Ленин ва Сталин каби диктаторлар фаолияти, Россия ва Совет Иттифоқининг Лениндан Ельцингача булган тарихи, 1932-1933 йиллардаги Россия қишлоқларидаги фожиа ва кизил террор каби масалалар уз аксини топган. Бу асарларда Ўзбекистоннинг мазкур давр тарихига оид айрим маълумотлар мавжуд.

Тарихшунос олим Боймирза Хайит (1917-2006) асарлари ҳам мазкур мавзунинг ёритишда муҳим роль уйнайди. Унинг немис ва турк тилларида хорижда чоп этилган «Туркистон XX асрда», «Туркистон Русия ила Чин орасинда» ва бошқа асарларида совет империализмининг мустамлакачилик

хусусияти. унинг қагагон сиёсати ва бошқалар очиб берилган.

Ғарб олимлари Густав Веттер ва Вольфганг Леонхарднинг асарларида еса совет мафқураси ва унинг XX асрдаги сиёсий жараёнларга таъсири масалалари ёритилган. Бу асарлар турк тилига таржима килинган.

Юкорида куриб уталганидек узимизда ва хорижда яратилган куплаб асарларда Ўзбекистонда совет хокимиятининг урнатилиши, большевиклар сиёсатининг мохияти, унинг узига хос жихатлари тахлил килинган. Ушбу карашларнинг аксарияти тарихий воқеликка замонавий, яъни, цивилизациян карашларни узиди мужассам килган булиб, тарихий фактларни ёритишда бирламчи манбаларга эътибор каратилган.

### **3.2 Туркистонда совет режимига карши курулли харакатнинг мохияти ва ривожланиш боскичлари.**

Ўзбекистон Республикаси мустикалликка эришгач, Туркистон минтакасида совет режимига карши курулли харакат тарихини илмий жихатдан холисона урганиш учун объектив шароит юзага келди. Йигирма йилдан ортик муддат ичида мазкур муаммони гадкик килишда катта ютуқларга эришилди. Туркистон минтакасида 1918-1924 йилларда совет тузумига Карши олиб борилган истиклолчилик харакати тарихини яхлит равишда тадқиқ этиш ва урганиш учун сунгги йилларда мухим изланишлар амалга оширилди.

Ушбу тарихни кайта тиклаш, тугрироги, кандай булса, шундай ёритиш, танкидий тахлил, илк бор илмий муомалага киритилган кенг куламдаги янги манбалар хисобига бойитилган хужжатлар асосида курсатиб берилган маълумотлар мажмуини таснифлаш ва умумлаштириш, Ўзбекистон ва чет эллардаги тарихшуносликка оид мероснинг истикболли йуналишларини назарда тутишга имкон берадиган илмий-тарихий фикрларни урганиш ва дрок этиш, шунингдек амалда куриб чикилмаган ёки хозирги давр нуктаи назаридан кайта бахолани талаб килаётган катор масалаларни очиб беришга асосланади. Мустикаллик йилларида Туркистон, Хоразм, Бухоро

республикаларидаги минтакавий куролли ҳаракатлар, уларнинг бутун Туркистон худудидаги озодлик ҳаракати ривожига қўшган ҳиссаси Ўзбекистон тарихи фанида биринчи марта ҳар томонлама кенг ва чуқур урганилди. Хусусан, бу ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиши; ҳаракатлантирувчи кучларнинг этник ва ижтимоий таркиби; сиёсий, ташкилий, ҳарбий шакли ва тузилиши; раҳбарлари ва мафкурачилари; куролли ҳаракатларнинг минтақадаги ва умуман улқадаги сиёсий жараёнларга таъсири; хорижий мамлакатлар билан алоқалари; мағлубиятга учраш сабаблари қабилар бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Минтакавий ҳаракатларнинг ушбу жиҳатларини урганиш асосида мазкур мақолада уларнинг умумий ва узига хос қурилишлари, бутун Туркистон худудидаги озодлик ҳаракатидаги марказдан қочиш ва марказга интилиш аъёнларининг узаро алоқалари хусусидаги янги назарий фикрлар ва ҳулосалар илгари сурилган.

Минтакавий ҳаракатларнинг вужудга келиши ва авж олишининг сабаб-оқибатлари, мафкуравий, сиёсий жиҳатлардан ухшашлиги, бу - шубҳасиз ҳол. Айнан совет тузумининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий стратегия ва тактикасининг оқибатлари бу минтақаларнинг ҳар бирида узок йиллар давомида бутун Туркистон минтақаси сиёсий сахнасини ҳаракатга келтирувчи омиллардан бири бўлган куролли қаршиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган кескин вазиятни яратди. Улқа аҳолисининг барча ижтимоий қатлам ва тоифаларини қамраб олган мустамлакачиликка қарши қайфияти совет тузумига қарши куролли қурашнинг умумхалқ ва оммавий характерга эга бўлишини таъминлади ва туркистонликларнинг озодлик ҳамда мустақиллик учун олиб борган қўрқинмас миллий озодлик ҳаракатларидаги узига хос урнини белгилаб берди.

Туркистон улқасидаги минтакавий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, тарихий-маданий ривожланиш, диний омиллар, аввалги даврларнинг гоёвий мероси, миллий уз-узини англашнинг аъёнавий шакллари, диний ислохотчилик таълимоти, жаҳидчиликнинг либерал-маърифатпарварлик

гоялари таъсирида шаклланган яхлит мафкура ва турли концепцияларининг мураккаб занжири барча минтакалар учун умумий булиб, у узининг миллий мустакиллиК миллий давлатчиликни кайта тиклаш хакидаги етакчи гоялари билан бирга, миллатчилик мафкурасини ташкил этган. Бу гояларни амалга ошириш максатида Фарғона муваккат мухторият хукумати, Туркистон - турк мустакил ислом жумхурияти, бухоролик кузголончиларнинг Бухорода монархияни кайта тиклашга интиланлари каби тажрибалар буйича тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг натижаларига кура, бу тажрибалар монархияга асосланган бошқарув шаклини тиклаш, ислом республикасини урнатишдан тортиб, демократик давлат куришгача булган узаро карама-карши интилишларни узиди ифодалаган булишига карамай, уларнинг барчаси мустакилликни Кулга киритиш, уз миллий давлатчилигини кайта тиклашдан иборат ягона максатни кузда тутар эди.

Бу умумийлик минтакавий харакатларда кулланиладиган терминларда хам намоеън булди: харакат катнашчилари ва рахбарларининг узлаРига берган номлари, кузголончилар Кушинлари жанговар булинмаларининг номланиши ва бошқарув тизимининг ташкилий тузилиши (курбошилар курултойлари ва бошкалар). Терминларнинг бир хиллиги маданий-цивилизацион мероснинг, халк харбий анъаналарининг муштараклиги билан белгиланади.

Умуман олганда, максатлар, ижтимоий негизлар, мафкуралар, ташкилий тузилмаларнинг умумийлиги минтакавий харакатларни ягона - бутун Туркистон минтакаси микёсидаги озодлик харакати атрофига бирлаштириш учун объектив шарт-шароит мавжуд булганлигидан гувохлик беради. Тадқиқот жараёнида маълум булишича, барча минтакавий харакатлар намояндалари иштирокида бутун Туркистон курултойини чакириш оркали баъзи курбошилар ва саркардалар (МадаминбеК Анвар Пошо) кузголончиларнинг барча жанговар булинмаларини ягона кумонД°нлик остига бирлаштиришга уринганлар. Валидий томонидан ташкил этилган

«Туркистон миллий бирлиги» махфий ташкилоти, жадидларнинг «Миллий Иттиҳдц» ташкилоти аъзолари, туркистонликларнинг

умумтуркистон итгифоки йулидаги табиий интилишларининг ифодачилари сифатида онгли равишда бу курашга кушилган улка уламоларининг фаолиятидаги бош масала халкнинг бирлашуви эди. Лекин кунгиллилар кушинининг уларнинг турар жойига кура кариндош-уругчилик муносабатлари иринципи асосида шаклланиши, халк лашкарининг кичик гурухдарга булиниб кетганлиги, таркок характердалигидан келиб чиккан махаллий манфаатларнинг устуворлиги баъзида нафакат бутун Туркистон худуди микёсида, балки айрим минтакавий даражада бирлашиш йулида хам энгиб булмас тусикларга айланди. Бунга яна турли мартаба ва даражадаги баъзи рахбарларнинг калтабинлигини хам кушсаҚ масала бутун мохияти билан ойдинлашади. Шундай килиб, харакатнинг алохида олинган боскичларида марказдан кочиш ва марказга интилиш тамойилларининг узаро хамкорлиги кузга ташланса-да, ялпи олганда, улар купинча бир-бирларига карши курашганлар. Бу барча минтакалардаги кузголончилар сафларида ажралиб чикишга интилиш тамойилининг устунлигида намоён буладики, худди шу нохуш ходиса Туркистон улкасидаги курулли харакатнинг маглубиятига олиб келган сабаблардан бири хисобланади.

Туркистон минтакасида 1918-1924 йилларда юз берган совет режимига карши курулли харакат тарихининг куп йиллик тадкики куйидаги фикрларга асос булди:

- Туркистондаги истиклолчилик харакати узининг тарихий илдизлари ва сарчашмасига эга минтака халкларининг муаззам бир кураши сифатида майдонга чикди;

- совет режимига карши курулли харакатнинг гоъвий-сиёсий илдизларига ислохотчилик ва озодлик гоълари кирадикки, айнан бу гоълар уз пайтида жадидчилик хдракатининг вужудга келиши ва ривожланишида хам узининг ижобий таъсирини утказган эди;

- курулли харакатдаги мустикал давлатчилик гоъларида ислом жумхурияти барпо килишдаи то демократик давлат куришгача булган интилишлар мавжуд эди ва унда уч мухим холат алохида ажралиб туради:

а) туркий халклар бирлиги (бирлашиши) - Туркистон мустакиллиги учун кураш, ягона ва булинмас Туркистон тузишга каратилган харакатлар;

б) исломий карашлар - Туркистон мусулмонларининг ислом давлати - мустакил ислом жумхуриятини тузиш (Катта Эргаш, ШермухаммадбеК ИброхимбеК Мулла Абдулкаххор ва б.).

в) демократик карашлар - Туркистон минтакасида демократик дунёвий давлат куриш; республика тузумини урнатиш (Ма- даминбек ва б.);

- курбошилар курултойлари ва кушин бошкаруви харбий амалиётларни олиб бориш ва душманга карши курашда мухим роль уйнаган;

- Туркистон минтакасидаги истиклолчилик харакати уз жугрофий доирасига кура уч худудга: Туркистон АССР (асосан Фаргона водийси ва Самарканд вилояти), БХСР ва ХХСР худудларига булинган. У кейинчалик Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Киргизистон АССР, К°зогистон АССРда хам давом этди;

- куrolли мухолифат харакати уз ривожланиш жараёнига, шунингдек жанглар стратегияси ва тактикасига кура икки йирик

даврни босиб утди:

а) 1-давр: 1918-1924 йиллар;

б) 2-давр: 1925-1935 йиллар;

- хар бир давр харакат катнашчиларининг миқдори, курбошилар. кураш тактикаси ва жанглар амалиётига кура, шунингдек алохида хусусиятлари билан бир-биридан узаро фаркланувчи мустакил бир нечта боскичларга хам булинади.

Туркистон минтакасидаги истиклолчилик харакати бирламчи манбалар асосида тахлил килиниб Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидаги бу харакатнинг узига хос жихатлари хам ' урганилди, хусусан, куrolли харакат асосан партизан уруши тарзида кечган:

- киска муддат ичида кузголончилар кураши махаллий (локал) ходисадан жахон ахамиятига молик йирик сиёсий ва харбий харакатга айланди;

- уз навбатида Туркистон минтакасидаги куруллик харакат халқаро ахволга ҳам уз таъсирини курсатган, чунки миллий муҳолифат томонидан тузилган ҳукуматлар билан халқаро жамоатчилик уртасидаги алоқалар мавжуд эди, РСФСР (СССР) билан Англия уртасидаги муносабатларга ҳам куруллик курашнинг таъсири булган; шунингдек минтақага қушни давлатлар: Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ҳудудларида қузғолончиларнинг паноҳ топиши ва қуч туплаши, яна курашни давом эттириши ва пировардида, уларнинг муҳожирикка жунаб кетиши бундан далолат беради;

- Туркистонда совет режимига қарши қаратилган қарбий харакатлардан айрим давлатлар ва сиёсий арбоблар уз максадлари йулида фойдаланишга уринганлар; айнан шу харакат туфайли ва унинг шиддат билан ривожланиши натижасида большевизм дохийлари В. И. Ленин ва Л. Д. Гроцкийнинг «Шарқни инқилоблаштириш» гоёси (Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, қисман Туркия, Хитойни советлаштириш ва руслаштириш ҳамда бу давлатларда курул қучи билан социализм қуриш фикрлари) амалга ошмади;

Урта Осиёда миллий-худудий чегараланиш утказилишининг сабабларидан бири большевиклар раҳбарияти томонидан муҳолифат қарбий қучларининг зарарсизлантириш максидида Туркистон минтақасини тақсимлаш ва парчалашга туртки булган ҳамда ушбу чегараланишнинг утказилиши - большевикларнинг сиёсий найранги оқибатида Туркистон минтақасининг парчаланиши фақат куруллик харакатнинг асосан мағлубиятга учраганлигидан кейин юз берган.

Туркистон минтақасида истиклолчилик харакати мағлубиятининг сабабларидан бири кураш раҳбарлари орасида жипслик ва келишув асосида иш тутиш йуқлиги, айрим қурбошиларнинг узбилармонлиги ва такаббурлиги. баъзилари уртасидаги узаро низолар ва тукнашувлар оқибатида муҳолифат харакати заифлашган. Ундан ташқари, большевиклар ва қизил армияга қарши қаратилган куруллик харакат дастлаб Фарғона водийсида стихияли тарзда уз-узидан бошланди. Куруллик харакатнинг йулбошчилари ҳам махсус қарбий

тайёргарликка эга булмаган шахслар (курбошилар) хисобланиб, улар фақат жамиятда тутган мавкелари билан харбий рахбарликка даъвогар булишган;

- аксарият курбошиларнинг дунёкараши тор ва чекланган булиб, улар харбий амалиётлар олиб бораётган тегишли худудларда узларини хукмдордек тутиб, «узи - бек» кабилида иш юритишган. Курбошилар куинча маиший холатлар натижасида турли ихтилофларга бориб, мавжуд низолар ва келишмовчиликларни авж олдирганлар. Иш хатто шу даражага бориб етганки, йирик курбошилар гурухлари уртасида уз таъсир доирасини белгилаб олиш учун куролли тукнашувлар хам юз берган;- куролли харакат сафларидаги бундай салбий холатлар совет режимига карши курашни яна хам кучайиши ва авж олишига халакит берган хамда харакат ичидаги бирликка путур етказган;

- совет кумондонлиги ва большевиклар мунтазам равишда Курбошиларнинг ушбу таркоклиги ва келишмовчилигидан унумли фойдаланиб, мазкур салбий холатларни яна хам кучайтириш ва авж олдиришга доимо уринганлар;

- Туркистон минтакасидаги куролли харакат бошдан охиригача ягона марказга тулик уюша олмади. Минтаканинг деярли барча худудларида авж олган курашга хам бир вақтнинг узида турли курбошилар рахбарлик килишди (масалан, Фарғона водийсида Шермухаммадбек; Гарбий Бухорода Мулла Абдулкаххор; Шаркий Бухорода Иброхимбек; Самарканд вилоятида Очилбек; Хоразм воҳасида Жунаидхон ва х-к.);

- куролли харакатнинг энг катта камчиликларидан бири ягона дастур, режанинг булмагани ва харбий бошқарув аппаратининг заифлигида эди;

- бу холат нафақат жанг харакатларига, балки ташки алокаларни урнатишга хам салбий таъсир курсатган. Айрим давлатлар ва сиёсий арбобларни Туркистондаги куролли харакатдан уз максадлари йулида фойдаланишга уринганликлари бу фикрни тасдиқлайди. Натижада куролли харакатнинг мохиятини узгартириш ва уни бошка узанга солиб юборишга уриниш холатлари юз берган;



- совет тузуми халк; томонидан куллаб-қувватланган ҳаракатни фақат ҳарбий воситалар билан бостира олмагач, иқтисодий чоратадбирларни ҳам куллагаи. Хуллас, совет тузуми янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га утгандан кейин дехдонларнинг аҳолини яхшилашга ҳаракат қилган, вақф мулклари вақтинча яна уз эгаларига қайтарилган, хусусий мулкчилик ва савдо-сотсқа рухсат берилиб, эркин бозор муносабатлари қайта тикланган. Аҳоли турмуш тарзи ва моддий аҳолини бирмунча яхшилашга қаратилган бундай чоратадбирлар натижасида қуроли қураш сафларида булиниш қучайган, жамиятдаги айрим табақалар ва гуруҳлар қузғолончилар ва қуроли қурашчиларни куллаб-қувватлашдан воз кечган;

- айрим қурбошилар дунёқарошига ва қураш жараёнига тараккийпарварлар, зиёлилар ва ислом уламолари жиддий таъсир қурсатган булишса ҳам, бироқ қуроли муҳолифат қураши қучли миллий гоё ва мафқурага бутун қураш даврида узига сезиларли бир зарурият ва эҳтиёж сезган.

Шундай қилиб, Туркистондаги истиклолчилик ҳаракати астасекин узининг оммавийлик хусусияти ва умумхалқ ҳаракати қуринишини йукота бошлаган. Маҳаллий халқлар ҳам ҳарбий амалиётлар натижасида холдан тойиб, тинч меҳнатга қайтишни орзу қилган. Жамият ва халқ ҳаётидаги бундай узғаришлар ҳамда ижтимоий фикрдаги эврилишларни қуроли ҳаракат раҳбарлари ҳисобга олмасликлари мумкин эмас эди.

Бундан ташқари, Туркистонда уша даврдаги барқарор булмаган сиёсий ва ҳарбий вазият натижасида турли қичик-қичик қуроли босқинчи ва қарокчи тудалари ҳам мавжуд булганлигини унутмаслик лозим. Уларнинг асосий машғулотти тинч аҳолини (миллати, ирки, дини, тили, жинси, ёши, сиёсий эътиқоди ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар) талаш, беғуноҳ одамларни улдириш, қизлар ва аёлларни зурлаш эди. Большевиктик мафқура вақиллари бундай босқинчи гуруҳлар (жиноятчилар) билан Туркистон озодлиги учун қурашаётган қузғолончиларни асоссиз равишда умумлаштириб, уларни «босқачилар» деб эълон қилишди.

Шундай килиб, Туркистон минтакасидаги курулли харакат 1935 йилга келиб тамомила маглубиятга учради. Хуш, нима учун Туркистондаги барча туб халклар она Ватан химояси учун булган Конли курашда, хаёт-мамот жангларида зафар кучмай, пировардида, енгилди? Бу мураккаб саволга дабдурустдан жавоб топиш анча кийин булишига карамасдан барибир унга жавоб бермасликнинг иложи йук-Туркистондаги курулли харакатнинг маглубиятга учраш сабаблари, бу маглубиятни тугдирган омиллар, кураш окибатлари ва сабоклари назаримизда куйидагилардан иборат:

Биринчидан, боскинчи кизил армиянинг харбий ва моддий устунлиги сезиларли равишда эди. Замонавий куруллар билан курулланган, Россиядаги фукаролар урушида катта тажриба туплаган кизил армиянинг харбий харакатлари кузголончилар кушинидан фаркли равишда ягона марказдан туриб бошкарилди.

Иккинчидан, Туркистон фронта жангчиларига доимий равишда Россия марказидан мунтазам харбий кисмлар ва курул-ярог етказиб турилди, улар замонавий алока воситалари билан таъминланган эди. Кузголончилар эса факат уз ички имкониятлари ва захираларига суянган холда жахондаги энг кудратли харбий давлат - СССРнинг хужумига куп йиллар мобайнида мардонавор каршилик курсатдилар. Уларга хорижий Шарк мамлакатларидан (факат, Афгонистон бундан мустасно) деякли хеч кандай харбий ва моддий ёрдам хам курсатилмади.

Учинчидан, курулли харакат бошидан охиригача ягона марказга тулик уюша олмади. Харакатнинг харбий максади ва сиёсий гоёси-стратегия ва тактикаси аник равшан булса хам, кураш жараёнида бош максаддан чекинишлар юз берган. Айрим курбошилар Олий бош кумондонга буйсунмай, мустакил узларича фаолият курсатдилар. Курбошилар уртасидаги бундай таркоклик ва узаро ихтилофлар харакатнинг шиддат билан кенгайиши ва галаба козонишига тускинлик килди. Назаримизда, кузголончилар кушинидаги бу таркоклик ва ихтилофлар Куйидаги холатлар билан изохланади:

а) махаллийчилик ва уруг-аймоқчилик яъни курбошиларнинг узи тугилиб усган худуддан ташкарига чикмаслик кайфияти (лекин уша даврдаги харбий холатда бу хатти-харакатни тушуниш мумкин);

б) курашнинг халк харакати эканлиги, чунки кузголончиларни бирорта давлат хам кизил армия ва совет хокимиятига карши курашга сафарбар килмади, балки уларнинг узлари боскинчиларга карши умумхалк курашига отландилар;

в) кураш стратегияси, тактикаси ва харбий амалиётларига кура у мунтазам армия эмаслиги;

г) ягона фронт чизигининг йуклиги - кураш хусусияти асосан партизан уруши тарзида кечганлиги.

Бу омиллар муайян даражада Туркистондаги куролли курашнинг етарли уюшмаганлигини курсатади. Хатто Мадаминбек хам Фарғона водийсидаги харакатни бошкарди, холос. Факат Анвар Пошо Туркистондаги куролли харакатнинг тан олинган сиёсий рахбари ва харбий етакчисига айланди.

Туртинчидан, хиёнат ва турли соткинликлар харакатни ичдан емиришда машъум роль уйнади. Афсуски, шимолдан келган боскинчилар билан айрим соткинлар «тил топишиб», уз Ватани ва халкига нисбатан хоинлик килди. Куролли харакат сафларига Бутун Россия Фавкулодда комиссияси (ВЧК), Давлат сиёсий бошкармаси (ГПУ), Бирлашган давлат сиёсий бошкармаси (ОГПУ), Ички ишлар халк комиссарлиги (НКВД) томонидан юборилган турли жосуслар хам уни парчалаш учун бутун айгокчилик махоратини ишга солишди. Бунинг устига махфий хизмат ходимлари - чекистларнинг купчилиги махаллий халкларга мансуб кимсалар эди. Франция императори Наполеон I Бонапарт уз вақтида бундай шахслар хусусида куйидаги сузларни бежиз ёзмаган эди: «Менга ишонаверинг: жангу-жадалларнинг яқунларини тахлил киларканман, куплаб жангларнинг тақдирини пиёдаларнинг мардлиги ёки отлик аскарлар билан артиллериянинг жасурлиги эмас, балки жосуслар деб аталувчи лаънати ва курунмас курол хал килганига беихтиёр амин булганман». Шунингдек минтакада совет хокимиятининг мустахкамланиши

билан янги тузум сиёсатини куллаб-қувватловчи айрим табакалар ва катламлар (гурухлар) фаолияти кучайиб борганлигини ҳам назардан кочирмаслик лозим.

Бешинчидан, коммунистик мафкура у3 вазифасини хатосиз бажариб, кучли гашвикот ва таргибот натижасида кузголончиларни меҳнаткашлар оммаси куз унгиДа «босмачи», «бандит» ва «халк душмани» сифатида курсата олди. Совет кумондонлигининг ташвикот машинаси уша даврдаги таранг сиёсий вазият ва бошбошдоксизликдан фойдаланган айрим карокчилар ва боскинчилар тудаларининг талончилик харакатларини кузголончилар уюштирди, деб махаллий чалкни мунофикларча алдади. Бунинг устига кизил армия жангчилари купгина холларда кечалари мусулмонча кийиниб, кишлокларга бостириб кирганлар. Большевиклар бу боскинларни ҳам кузголончилар амалга оширганлигини даъво килишди. у Олтинчидан, туркистонликларнинг куп йиллар давомида Россия ва СССР хукмронлигига карши олиб борган кураши хар икки томондан ҳам куплаб курбонларни талаб килди. СССР киёфасидаги совет Россияси Туркистонни кайта забт этиш учун биринчисига нисбатан купрок вақтни йукштан, жуда куп моддий ва маънавий курбонлар берган. Қизил армия Туркистонни босиб олиш учун булган жангларда тахминан 400000 аскар ва офицеридан ажралди. Туркистон кузголончиларининг умумий талафоти улдирилганлар, асирга олинганлар ва огир ярадор Қилинганлар билан жамланганда 1.200.000 кишини ташкил килади. 1918 - 1935 йилларда Туркистон минтакасидан тахминан 1.500.000 киши хорижга мух,ожир булиб жунаб кетишга мажбур булди. Шунингдек Туркистонда 1917 йил кишида бошланган очарчилик большевикча режимнинг катгол сиёсати натижасида дах,шатли окибатларга олиб келди. 1917-1923 йилларда Фарғона водийсида 1000000, Самарканд вилоятида 200000 киши очликдан улди. Очарчилик Еттисув вилоятида бундан ҳам фожиали булди. Очарчилик кейин ҳам сунъий равишда мунтазам авж олдирилди. Хусусан, 1932-1933 йилларда булган очарчилик Козогистонда миллионлаб кишилар кирилишига олиб келди.

Шундай килиб, Туркистондаги истиклолчилик ҳаракати Россия ва СССРга қарши курашда Шимолий Америка халқининг 1775-1783 йиллари Англия мустамлақачилигига қарши олиб борган Мустақиллик уруши ёхуд Туркия халқининг 1920-1923 йилларда Англияга қарши олиб борган Озодлик урушидаги галабаларидан фарқли равишда мағлубиятга учради. Лекин бу мағлубият изсиз кетмай, бир қатор тарихий оқибатлар ва сабоқларни келтириб чиқарди. Кураш оқибатлари аввало шунда қуринадики, совет режими раҳбарлари, уларнинг минтақадаги гумашталари эндиликда Туркистон халқлари билан ҳар томонлама уйлаб, эҳтиёткорона муносабат олиб боришди. Большевиклар туркий халқларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари, қисқаси, миллат менталитета билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Ислоҳ динининг толерантлиги, унинг бошқа динларга сабр-тоқати ва бағрикенглиги ҳам бунда муайян даражада хизмат қилди. Нихоят, кузғолончилар мустақил совет режимини ичдан емириб, уларнинг ворислари келажакда тинч йул билан уз мустақил миллий давлатчиликларини қайта тиклашлари учун ҳам қуроли қаршиликни онгли равишда тухтатишга мажбур бўлдилар.

### **3.3 Ўзбекистоннинг ижтимоий - иқтисодий барқарорликни яратишдаги давлат сиёсати (1989-1990 йиллар мисолида)**

XX асрнинг 80-йиллари собиқ совет давлатида ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан яққол таназзул ҳолати юзага келиб қолган давр эди. Собиқ партиянинг бу борадаги ҳаракатлари қулаб бораётган империяни сақлаб қолишга қодир эмас эди. «Қайта қуриш» сиёсати барбод бўлиши, маъмурий - буйруқбозликка асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари рақобат асосида сақланишни инкор этган мавҳум сиёсий, синфий, умумий манфаатларни миллий манфаатлардан устун қўйган, ягона партиянинг тула ҳукмронлигига таянган мустақил тузум бутунлай истикболсиз эканини амалда яна бир бор қўрсатган эди.

Бу вақтда таркибида 15 та иттифоқдош республика бўлган, жами 270

млн. аҳоли истикомат қилган бутун советлар мамлакатдаги республикалар, хусусан Ўзбекистон ижтимоий - иқтисодий ҳаёти жуда оғир аҳволда, хусусан, саноатнинг бирёклама ривожланиб, «пах-та» саноат комплексига мослашиши, экологик аҳволнинг оғирлашиб, оналар ва болалар улимнинг ошиб кетиши, сув, ҳаво ифлосланиши ҳолати ута да-ражада оғирлашиб бориши, миллатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар юзага келиб, миллий можаролар янада кучайиб кетиши, миллий урф-одатлар, кадриятлар таъкиб остида қолиши қабилар республикани танг аҳволга солиб қўйган эди. Айти пайтда Ўзбекистон республикаси давлат сиёсатининг барча жабҳаларида Ўзбекистонда истикомат қилаётган халқлар ва уларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар биринчи навбатда турар эди.

Юзага келган бундай ҳолатдан келиб чиқиб, тинч ҳаётни таъминлаш учун давлатни бошқара оладиган, бўлиб утган ва утаётган иқтисодий, сиёсий жараёнлардан тугри хулоса чиқариб, миллат равнақи йули асосларини бошлаб бера оладиган раҳбар республика учун жуда зарур эди. 1989 йил Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида иш бошлаган И.А.Каримов «Ўзбекистон етакчиси сифатида узок вақтлар давомида ечилмасдан, газак олдирилган камчилик ва нуқсонлар, уткир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиб ташлади, мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайтақайта қўйишдан чучимади!».

И.А. Каримов уз фаолиятининг дастлабки кунларидан республикадаги аҳволни яхшилашга эътиборини қаратади. 1989 йил сентябрда КПСС МКнинг навбатдаги пленуми бўлиб утади, унда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатида Фарғона воқеалари, «пахта иши» оқибатларига баҳо берар экан, бусиз ҳам республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол танг вазиятга тушиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб утади. У уз маърузасида Ўзбекистондаги вазиятни беқарор қилаётган аҳвол қаторига асосий масала-лар, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини қутариб, республикада ишлаб чиқаришда банд бўлмаган бир миллионга яқин аҳоли борлиги, аҳолининг узиш суръатлари юқорилиги, шу

боне ижтимоий меҳнат унумдорлиги пасайиб, аҳоли даромади камлигини алоҳида таъкидлаб утади. Шунингдек халқ хужалигининг бирёқдама ривожланаётгани, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги нуқсонлар ахволни чигаллаш-тираётгани, халқнинг яшаши учун зарур буладиган уй-жой, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, маиший хизмат соҳаларида кучли оқсаш мавжудлиги, экологик аҳволнинг оғирлиги, Орол фожеаси, гудакларнинг нобуд булиши, аҳолининг касалланиши даражасининг баландлиги масала-лари бирма-бир курсатиб утилади.

Бирок марказ республикалар миллий манфаатларини уйлашдан йироқ эди. Республикада содир булаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлари марказнинг канчалик эътиборидан четда қолган бўлса, эндиликда уни мамлакатда иқтисодий инкирозлар кучайиб турган вақтда бу ҳол марказни умуман кизиктирмас эди. Мана шу вақтда республика раҳбарининг ҳақиқий миллат лидери сифатидаги урни яққол намоён бўлган эди. 1989 йил 19 августда Ўзбекистон КП МҚнинг пленуми бўлиб утади. Унда ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар алоҳида таъкидланиб, аҳоли турмуш тарзини ошириш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар кун тартибига қуйилади. Пленумда яққол тартибдаги ёрдамчи хужаликларда, уй-жой қурилишини ривожлантириш, аҳолига ажратилган томоркаларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган катор янги вазифаларни биринчи уринда ҳал этилиши лозимлиги асослаб берилди. Шу муносабат билан қишлоқ хужалигида:

- озик-овқат дастурини бажариш учун шахсий хужаликлар сонини, уларга ажратиладиган ерлар миқдорини қупайтириш;

- уй-жой танқислигини ҳал этиш, қишлоқларга уй-жой қуриш учун керакли қурилиш материалларини етказиб беришни ташкил этиш;

- ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун хужаликларда гишт пиширадиган, дурадгорлик ва бошқа маҳсулотларни тайёрлайдиган қорхоналар қуриш;

- аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш;

- ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалаларини хал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш<sup>1</sup> каби вазифалар белгилаб олинади.

Гарчи, Ўзбекистон собиқ; Иттифок таркибида булиб, республикани миллий равнақи ва узига хос тараккиёт йулини танлаши кийин булсада, янги раҳбарият Ўзбекистон келажagini белгилайдиган асосий омиллар, хусусан, иқтисодий кутариш, ижтимоий ҳаётни янгидан изга солиш, маданий-маънавий ҳаётни юксалтириш, тарихий ҳақиқат, таъкиб остида булиб келган урф одат, анъаналарни қайта тиклаш қабиларга етарли даражада эътиборни қаратиш билан вазиятни изга солиш мумкинлигини англаб етган эди.

Булар қуйидагиларда қуринар эди:

Биринчидан, 1980-йиллар охирига келиб Ўзбекистон иқтисодининг бир томонлама, заиф ривожланиши оқибатлари ижтимоий-иқтисодий аҳволда яққол намоён булиб, уларни изга солиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш йулларини ишлаб чиқиш муҳим эди. Ушбу тадбирлар, аввало, республикада озик-овқат дастурини бажариш учун шахсий хужалиқлар сонини, уларга ажритиладиган ерлар миқдорини қупайтириш, уй-жой танқислигини хал этиш, кишиларга уй-жой қуриш учун керакли меатериалларни етказиб беришни ташкил этиш, ишсизлик муаммосини хал этиш учун хужалиқларда гишт пиширадиган, дурадгорлик ва бошқа маҳсулотларни тайёрлайдиган қорхоналар қуриш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалаларни хал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш каби вазифаларни амалга ошириш қурсатиб утилган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Ўзбекистон раҳбари «ижтимоий ва иқтисодий со.чан и комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифок меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва урнини узгартиришнинг муқобил йуллари эътиборга олинмаганлигини<sup>1</sup>» алоҳида қурсатиб утган эди.

Натижада Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти республикада юзага келган ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиш чораларини марказдан холи булган ҳ,олда амалга оширишга қиришди. 1989 йил 15 августда қишлоқ



мехнаткашлари учун уй ва ер ажратиб бериш хавдда қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилинганидан сунг утган бир йил мобайнида 60 мингдан зиёд оиллага ер участкалари ажратиб берилди. Республикада мавжуд булган томоркалар бутун экин майдонларининг 5 фоизини ташкил этган ҳдда, жами 200 минг гектар ерни ташкил этди. Айни пайтда бу ерларнинг ҳдр гектаридан 12 минг сумдан купрок даромад олинди<sup>2</sup>. 1990 йил 1 ноябрга келиб қишлоқда яшовчи 2.220.129 оиладан 1.327.149 оила янги томорка участкалари олиш ва мавжудларни кенгайтиришга мух.тож булган ҳ,олда уларнинг 394.098 нафар оиласи янги ер участкалари олишди. Уларга фойдаланишлари учун 55.036 гектар ер ажратиб берилди. Уз участкаларини кенгайтиришга мухтож булган 933.164 оиладан ҳаммасининг талаби қондирилди. Уларга қушимча равишда 1 0 1 .1 1 7 гектар ер ажратилди.

Натижада, қишлоқ мехнаткашларининг давлат томонидан олган ерлари 156.153 гектарга етди. Бундан ташқари, бу қарор бажариб булингандан сунг янги оилаларга ҳам майдони 11.009 гектар булган 87.515 та томорка участкаси ажратиб берилди. Мазкур ташкил топган хужаликларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш мақсадида давлат 1990 йилда 765.862 та шартнома тузди. Ер участкалари йириклаш-тирилган ҳолда дехқон шахсий ёрдамчи хужалиқда етиштирилган маҳсулотининг оиласидан ортган қисмини бозорга чиқариш имқонига ҳам эга булди. Натижада, майда товар ишлаб чиқариш йулга қуйила бошланди. Бундай ёрдамчи хужаликлар бозор муносабатларини ривожлантириш, озик - о в қат маҳсулотларини етиштиришга муайян ҳисса қуша бошладилар.

Табиийки, бундай йул хомашё манбаига айланиб қолган республика учун огир булса-да, Ўзбекистон шу йиллари РСФСРнинг айрим ҳудудлари, иттифокдош республикалари билан ҳам мустақил иқшодий алоқалар урнатди<sup>1</sup>. Айни пайтда Республика Давлат режа қумитаси, Молия вазирлиги, илмий - тадқиқот институтлари ва Тошқент шаҳар ижроия қумитаси билан ҳамқорликда «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепциясини» тайёрлашга қиришилди<sup>2</sup>. 1990 йилда

«Ўзбекистон халк хужалигини баркарорлаштиришнинг асосий йуналишлари ва бозор иктисодиётига утишнинг коидалари» лойихаси эълон кил инди ва 17 октябрда умумхалк муҳокамасига куйилди. Бюджетни шакллантириш максадида «Ўзбекистон ССР бюджетини шакллантириш принциплари» хакидаги декларация республиканинг Хамма даромадларига узи эгалик килиш хукукини берди<sup>4</sup>. Тадкик этилаётган йилларда Ўзбекистонда иктисодиётнинг самарали амал килиниши ва халк фаровонлигини усишига имконият яратувчи хар кандай шаклдаги мулкчилик булишига рухсат берилди. Натижада мол - мулкни саклаш ва купайтириб бориш учун барча зарурий шарт - шароитлар яратиб берилди. Киска вақт ичида ККАССР ва маъмурий - худудий тузилмалар маҳаллий буйсунувидаги мулклардан ташкари булган ишлаб чиқариш сохалари республикага буйсунадиган булди<sup>5</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу харакатлар халк хужалигини баркарорлаштириш ва бозор иктисодиётига боскичма - боскич утиш оркали вужудга келган мураккаб ахволдан кутулишнинг амалий йули эди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда собик совет давлати хукмронлик килган йиллари зурлик билан кучирилган, уша вақтларда кам сонли хисобланган халклар миллий манфаатларини химоя килиб, она ватанларига кучиб кетиш хдракатларини бошлаган эдилар. Мисол учун, «Қайта куриш» эълон килинганидан бери утган вақт мобайнида крим - татарларининг ватанларига кучиб кетиши учун марказга ёзган арзноmalари 250 жилдни ташкил этди<sup>1</sup>, мес- хети - туркларни хам ватанларига кайтиш учун чора - тадбирларни кура бошлаган эдилар.

Шу уринда таъкидлаш жоиз, тили ва дини, маданияти туташ булган Ўзбеклар билан месхети туркларни, елкадош булиб далаларда мехнат килдилар, бир - бирларига хамдард, кон - кариндош, куда - анда булиб, ахил булиб яшадилар. Багрикенг ва мехмондуст Ўзбек халки бошка халклар каби уларни хам кувватлаб келди. Ярим асрга якин вақт давомида миллатлараро муносабатлар борасида бирор марта оддий ихтилофлар чикмади. 1989 йил Фаргона водийсида Фаргона фожеалари авж олган паллада хам аксарият

Ўзбек хонадонлари куплаб месхети турклари оилаларини уз уйларида, касалхоналардаги хамширалар эса каерга кочиб боришни билмай турган туркларни ертула ва бошка жойларга яширдилар. Кишлок ахолиси туполонлар кучайган кунлари жабрланган месхети турк-ларга тегишли булган корамолларни туплаб, улар кимга тегишли эканини аниклаб, вақтинча бокиш учун колхоз молхоналарига топширдилар.

1989 йил 24 июнда Ўзбекистоннинг Ислон Каримов бошчилигидаги янги рахбарияти сайланди. Шу вақтдан бошлаб Фарғона водийсида месхети - турклари ва Ўзбеклар уртасида турли игволар ва бухтонлар натижасида бошланган можароларга эҳтиёткорона ва босикдик билан караш бошланди. Ислон Каримов Ўзбекистоннинг янги рахбари сифатидаги иш фаолиятининг биринчи кунидан Фарғона водийсида содир булган воқеаларга босиклик билан ёндошиб, можаролар илдизини билиб, унинг кучайиб кетишининг олдини олиш чораларини белгилаган холда сиёсат юритди.

Можаролар туфайли зарар курганларга, хусусан туркларга озик - овкат билан таъминлаш учун савдога чиқариладиган захира хисобидан 15 тонна гушт, давлатга режа буйича топшириладиган махсулотлар хисобидан кушимча яна 26 тонна гушт ажратилди<sup>1</sup>. Жабрланганларга ёрдам бериш учун хар киши бошига 300 рублдан, жами 5 млн. рубль моддий ёрдам пули ажратилди<sup>2</sup>. Кушимча тарзда яна Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг захирадаги маблағидан катта ёшдаги хар бир кишига кунига - 1 руб. 20 коп., болаларга - 1 руб. 60 коп.дан пул ажратилди<sup>3</sup>. Тиббий хизмат курсатиш юзасидан Фарғона вилояти ижроия кумитаси зонанинг узида 240 уринли стационар, бир суткада 150 кишини кабул кила оладиган поликлиника очилди<sup>4</sup>. Вайрон булган уйларни таъмирлаш учун эса керак буладиган курилиш материалларини етказиш, месхети туркларига етказилган зарарлар миқдорини белгилаш ва коплаш каби вазифалари белгиланиб, зарар курган шахсларнинг уй-жойлари, мол-куйлари сугурта килинмаган булса, ёлгиз фукараларга 1200 рубль, икки кишидан иборат оилаларга 2000 рубль, оиланинг бошка аъзоларига 500 рублдан пул тулаш белгиланди.<sup>5</sup> Кучиб

кетганларнинг уй - жойлари маҳаллий ҳокимиятлар назорати остида қолдирилди. Вилоят ижроия қўмитасининг фармони билан қучиб кетаётган меҳкеги туркларнинг уй-жойларини таъмирлаб, аввалги ҳолатига келтириб, уй эгалари берган ишонч қўғозларига биноан сотиш лозимлиги қўрсатилди.

Фарғона воқеалари асоратлари тугатилиши билан бирга Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий маданий марказлар тузила бошланди. Бу марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ўзбекистон ССР Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида республика миллат-лараро маданият маркази ташкил этилди ва уларнинг сони 1989 йилда 12 тага етди. Ушбу марказ учун миллий маданий марказлар фаолиятига раҳбарлик қилиш, турли миллатларнинг урф-одат, диний қадриятларини тиклаш ва ривожлантиришда қўмақ бериш асосий вазифа қилиб белгиланди. Уша йиллари бутун мамлакатда бўлганидек миллий маданий марказлар фаолиятида қўп нарсалар биринчи мартаба содир бўлди. Бундай марказлар, ҳусусан, поляк миллий маданий маркази «Светлица Польска», қорейс миллий-маданий маркази «Возрождение» (Тикланиш), озарбайжон миллий маданий маркази «Гардашлук» (Дустлик), немис миллий-маданий маркази «Видергебурт» (Тикланиш, Wiedergeburt, қабилар республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқлар уртасида дустлик қардошлиқни мустаҳкамлашда шарафли хизматни утади. Масалан, таджикотчи Д. Иноятованинг таъқидлашича, Ўзбекистонда «Wiedergeburt» номли немис миллий-маданий маркази 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистонда истиқомат қиладиган немис халқи миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, ушиб қилаётган немис ёшларига немис тили, халқ байрамлари, халқ қўшиқ ва рақсларини ургатишдан бошлайди. Биринчилардан бўлиб Рождество - «Weihnachten» байрамини тиклайди. 1990 йилда Тошкентда немис Евангелист - Лютеран черқови тикланади. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Қаримовнинг қўрайиши билан Евангелист-Лютеран черқови Ўзбекистонда истиқомат қилаётган немис халқига топширилади. 1992 йилдан

эса « Wiedergeburt» номи билан расмий руйхатга олиниб, бутун республика хусусан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Самарканд, Бухоро ва бошқа шаҳарларидаги немис миллий-маданий марказларини бошқара бошлайди<sup>1</sup>.

1989 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989-1990 уқув йилидан бошлаб умумтаълим урта мактабларида тожиқ козоқ туркман ва киргиз тилида уқитиш даражасини кенгайтириш, республика олий уқув юртларида козоқ тожиқ киргиз тилларида уқитиш булимлари ва уларни дарслик ҳамда уқув кургазмалари билан куроллантириш вазифасини ҳам белгилади. Шу йиллари Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элатларнинг маданий эҳтиёжларини кондириш мақсадида маълум чора - тадбирлар белгиланди. Ўзбекистонда 259 та мактабда тожик тилида, 491 та мактабда козок; тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда киргиз тилида, 12 та мактабда грек тилида ҳамда 7 та синфда корейс тилида таълим бериш йулга куйилди. Самарканд, Нукус Университетлари, Тошкент ва Самарканддаги педагогика олий уқув юртларида уқитиш жараёни Ўзбек тили билан биргаликда тожиқ козоқ крим - татар тилларида олиб борилди. Самарканд, Бухоро, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида хар хафтада тожик тилида радиоэшиттиришлар уюштирилди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзида тожиқ крим татар, Бухоро яхудийлари, уйгур ва корейс адабиётлари булимлари тузилди. 9 та район газетаси тожик тилида, 5 та район газетаси козок тилида нашр килина бошланди. 1989 йилда Гофур Гулом номли нашриётда рус тилида 27 та номда бадий адабиёт чиқарилиб, адади салкам 2 млн. нусхани ташкил этди. Ўзбекистон рахбарияти бозор иктисодиётига утилиши муносабати билан ижтимоий химоя масалаларига асосий эътиборни қаратди. СССРда куп болали оилаларга туланадиган нафақа 1944 йилда қабул килинган қарор асосида туланар, бу бозор муносабатларига утиш шароитида, айни пайтда инкирозга учраган тузумдан қолган қийин иктисодий ахволда мутлақо талабга жавоб бермас эди. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Совети «Бозор иктисодиётига утиш муносабати билан куп

болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан қушимча тадбирлар белгилаш тугриси»да қарор қабул қилди. Унга қўра, республикада маблағи ҳисобидан тулик бўлмаган меҳнат стажига эга бўлмаган кишиларга, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига туланадиган нафақалар 2 бараварга оширилди.

Учинчидан, собиқ совет давлатининг «қайта қуриш»ни эълон қилиши халқларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ экан, Ўзбек тилига ҳам Давлат тили мақомини бериш учун ҳаракатлар қучайиб бораётган эди. Матбуотда эса бу ҳақда турли қарашлар ва фикрлар билдирилди, аниқ бир натижа белгилашнинг имкони бўлмас эди. 1989 йил Ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш учун янги комиссия тузиш эҳтиёжи сезилди ва янги тузилган комиссия таркибига норасмий ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилди. Лойиҳа муҳокама қилинаётган тўрт ой давомида комиссияга жами тўрт мингга яқин мактуб келиб тушди. Бу хатларга жами 150 мингдан ортиқ киши имзо чеккан эди. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бу тақлифлар урганиб чиқилди ва тезда қонун лойиҳасининг янги уч варианты юзага келди.

Булар комиссия лойиҳаси, ёзувчилар уюшмаси тузган лойиҳа, норасмий ташкилотлар вакиллари тузган лойиҳалардан иборат эди. Барча лойиҳалар очиқ ҳолис муҳокама этилди ва уларни урганиш, умумлаштириш асосида янги лойиҳа тайёрланиб, у 1989 йил 11 октябрь куни матбуотда эълон қилинди<sup>2</sup>. Лойиҳа умумхалқ муҳокамасидан сунг Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 21 октябрда бўлган 11 сессиясида «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишнинг давлат Дастурига тулик амал қилиниши зарур эди. Ўзбек тилига давлат мақоми бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилиши учун зарур бўлган маблағлар ҳам ҳисоблаб чиқилди. Уша вақтда республикадаги оғир иқтисодий вазият эътиборга олиниб, бу маблағлар босқичма - босқич

сарфланиши режалаш-тирилди.

Айни вақтда давлат тили хақидаги конунга амал қилиш, Конунни бажарилишини назорат қилиш масалаларини тулик хал этиш лозим эди. Ўзбек тилини билмайдиган фуқароларга давлат тилини бепул ургатиш билан боғлиқ булган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Умумий йигинларда давлат тилини билмайди-анларга маърузалар матнини таржима қилиб бериш масалалари ҳам киритилди. Шундан сунг давлат тилини изчил такомиллаштириш мақсадида кенг ҳаракатлар бошланди. Конунда белгилангандеқ Республикада конун лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ булган тадбирлар аниқ белгиланган ҳолда фақат раҳбар ходимларгина эмас, балки турли миллат вакиллари билан мунтазам алоқада булувчи кишилар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар, ижтимоий таъминот, халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат курсатиш, алоқа, транспорт, коммунал хужалиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари, уз вазифаларини бажариши учун етарли даражада давлат тилини билишлари кераклиги таъкидланганди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон раҳбарияти Ўзбек тилини давлат тили даражасига кутаришда республикада истикомат қиладиган бошқа халқларнинг миллий манфаатларини ҳам ҳисобга олди. Давлат тили хақидаги конунда Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланиши бошқа миллий тилларнинг манфаатларига зид келмаслиги лозим эди. Конунга республикада яшовчи барча халқ ва миллат вакиллари тенг ҳуқуқли эканини курсатувчи модда ҳам киритилди. Шунингдек ҳарбий, диний ва бошқа соҳаларда керакли тил белгиланишига ургу берилди.

Янги конунда давр шароитларидан келиб чиқиб республикада иттифок тасарруфидаги ёки давлат тили етакчилик қила олмайдиган меҳнат жамоалари борлиги ҳам инобатга олинди. Шунинг эътиборга олиб конунда бу жамоаларда иш юритишни рус тилида ҳам, бошқа тилларда ҳам олиб бориш мумкинлиги эътироф этилди. Бу тадбир хали совет давлати сақланиб турган мураккаб бир даврда республикадаги ижтимоий, сиёсий вазиятни

кескинлаштириб юбормаслик зарурияти билан изоҳланган эди.

Конун лойихасини ишлаб чиқиш жараёнида барча идораларда Давлат тилида иш юритишга утиш муддати икки йил булиши керак деган таклиф киритилган булсада, бу амалга ошириш мумкин булмаган муддат эди. Чунки, бошка миллат вакиллари учун икки йил мобайнида Ўзбек тилини урганиб, унда иш юритишга утишнинг имкони йук эди. Хатто, икки йил ичида Ўзбек тилида иш юритишга утишга маҳаллий миллатга мансуб булган раҳбарларнинг анчагина қисми ҳам тайёр булмаган. Ўзбекистон КП МҚ биринчи қотиби И. А. Каримовнинг вазиятни чуқур урганиб, киритган таклифига биноан иш юритишида давлат тилига тула утиш муддати саккиз йил деб белгиланди. Бу мураккаб муаммони уша даврларда оқилона ҳал этишнинг ягона ва тугри йули эди. Конунни босқичма - босқич амалга ошириш муддатлари ҳам режалаш-тирилган, жумладан, конуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети қарор қабул қилди. Қарорга қура конуннинг 4,7,8-моддалари 8 йил давомида, 5 ва 24-моддалари 3 йил давомида, 16-моддаси эса 1991-1992 укув йилидан бошлаб қучга киритилиши курсатиб утилди. 22-моддаси 1991 йилдан қучга кириши белгиланди. Қолган моддалари конун қабул қилинган қундан бошлаб қучга кирди.

Ўзбек тилининг ижтимоий - сиёсий ва илмий - техникавий атамаларини тартибга келтириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида махсус Атамалар қумитаси ташкил этилди. Бу қум ига олдига тегишли вазифалар қуйилди. Қумита дастлабки вақтдан бошлаб матбуотда берилган, радио ва телекурсатувларда қулланган атама-ларни, 15 та вазирлик қумита ва идоралардан келган, шу идораларга таал-луқли атама ва номланишларни туплаб, муҳокама этди. Масалан, тиббиёт секцияси соғлиқни сақлашда қулланиладиган энг долзарб атамаларни туп-лаб уз секциясида муҳокама қилди. Тутшанган атамалар қумита бюросида муҳокама қилиниб, яна муҳокамага 22 ташкилотга (Ўзбекистон ССР Ёзув-чилар уюшмаси, газета ва журналлар тахририятлари, ижтимоий - сиёсий



фанлар секцияларига, партия тарихи институтга, УзТАГ радиоэшиттириш ва телекурсув кумитасига - Х.Ю.) юборилди. 1990 йилга келиб, атамашунослик кумитаси билан ҳамкорликда УзСЭ нашриёти «Еш кимёгар энциклопедик лугати», «Еш физик энциклопедияси», «Ўзбек тилида иш юри-тиш», «Мехнат» нашриёти чорвачилик ва пахтачилилик буйича, «Ўзбекистон» нашриёти автомобиль транспорта буйича лугатларни чоп этди<sup>2</sup>.

Умуман, 1989 йилда қабул қилинган давлат тили ҳақидаги қонун айрим қамчиликлардан холи бўлмаса-да, бироқ бу қонуннинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда қабул қилинганини ҳисобга олсақ бундай қамчиликларнинг сабабларини тушуниб олиш қийин эмас эди. Мазкур қонун халқ маданий мероси, миллий кадриятларини урганиш, тарихий хотирани тиклаш, шу асосда миллий оғ, руҳият мустақамлиги, ижтимоий фаоллик қучайишига ҳам йул очиб берди. Шу маънода миллий тилларга давлат мақоми берилиши социалистик тузумга қарши олиб борилаётган мустақиллик йулидаги ҳаракатларнинг қучайишига ҳам ижобий таъсир этди.

Туртинқидан, Маъмурий - буйруқбозлик авж олган миллий ҳис - туйғуларни поймол этиш эвазига шовинистик руҳ билан шаклланган коммунистик тузум ХХ аср 80 - йилларида бутун Ўзбекистон халқини таъна - дашном ва тухматлар домига тортган эди. «Пахта иши» ёки кейинчалик «Ўзбек иши» номини олган уйдирмалар совет тузуми қатагонининг янги босқичи бўлган эди. Пахта яққа ҳокимлиги майдонида

айлантирилган Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиги йилдан - йилга мул ҳосил бериш «мажбуриятини» олган бўлса ҳам Ўзбек дехқонининг аҳволи оғир бўлиб, у марказ ҳукми доирасига тортилган эди. Юзага келган турли ижтимоий ва иқтисодий ҳаракатдаги муаммолар мавжуд салбий вазиятни кескинлаштириб юборган эди. Бироқ 1989 йилнинг иккинчи ярмидан республикадаги узғаришлар «пахта иши» қатагонлари билан боғлиқ бўлган Т.Гдлян гуруҳига нисбатан муносабатни ҳам узгартириб юборганди.

1989 йилга қадар Т. Гдлян томонидан «пахта иши» билан жавобгарликка торти-либ, жазо белгиланганлар орасида нафақат Ўзбеклар,

балки бошка миллат вакилари, хусусан козоклар, руслар, татарлар, турклар ва киргизлар ҳам бор эди. Масалан, асли келиб чикиши турк булган Бухоро вилояти ички ишлар бошкармаси ДАН йул-патруль хизмати алохида дивизионининг командири В. Иззатов ҳам мана шундай нохакликка учраган эди. Сурук вақтида Т. Гдлян унга «1915 йилда турклар арманларни қиличдан утказганлар. Арман халки учун мен сендан касос оламан, туркларни лагерларга, шимолий улкаларга бадарга қилиб, уша томонлада чиритаман», дея дук қилган ва шундай қурқитишлар билан республика рахбарларига тухмат уюштиришда кумак берадиган узига керакли маълумотларни олишни режалаштирган эди. Узига керакли маълумотларни ололмаган Т.Гдлян В. Иззатовга жиноий жазо белгилан ва у Ўзбекистондаги янги узғаришларга қадар 7 йилга яқин умрини турли қамокхоналарда утказган эди. Шубҳасиз, бу воқеаларга республика янги рахбарияти бефарқлик билан қараб турмас эди. В.Иззатов ҳам бошка нохак қамалганлар сингари Ўзбекистон Олий Суди Президиуми томонидан озод қилинган эди.

1989 йилга қадар республика аҳолиси орасида қурқув хиссини уйғотиб қелган «пахта иши» ёки «Ўзбеклар иши» уйдирмаларига ҳам 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб барҳам берилди бошлаган эди. «Пахта иши» билан боғлиқ булган қонунбузарликларни фoš этиш, бегуноҳ қишиларни оқлашда Ўзбекистоннинг И.А. Каримов бошчилигидаги янги рахбарияти муҳим ишларни бошлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда «пахтачиликдаги қушиб ёзишга йул қуйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган қишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлай-диган» комиссия ташқил этди. Ушбу комиссия тайёрлаган ҳужжатларга таяниб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми жиноий жавобгарликка тортилган 43 қишини гуноҳдан утишни Ўзбекистон ССР Олий Советидан суради. Унда қуплаб шахсларга белгиланган жазо мудқатларини енгиллаш-тириш қоралари суралган эди. Маълум булишича, «пахта иши»да судланганлар сони 4018 қишини ташқил этган булса, республикада бошланган ижобий узғаришлардан сунг реабилитация

килинганлар сони 2940 кишини, қайта терговга юборилганлар 63 кишини, асосиз судланганлар 1016 кишини ташкил этди.

Умуман, 1990 йилга келиб совет давлатининг ҳукмронлиги инкирозга учраётган, иттифоқдош республикалар уз миллий мустақалиги учун кенг ҳаракатларни олиб бораётган давр булди. Ўзбекистонинг янги раҳбарияти ҳам мустабид тузум учун буткул ёт булган янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий узғаришлар билан майдонга чикди. Айнан мана шу давр республиканинг мустақиллик сари йул олиши билан ифодаланди. Ушбу йул тарихий - маънавий тикланиш, марказ томонидан олиб борилган катагонлик сиёсатига чек куйиш, Ўзбек халки шаънини химоя килиш, иқтисодий таназзул ҳолатини чеклаш, ички бозорни химоялаш, буткул янги ижтимоий химоя сиёсатини олиб бориш, марказ таъсирини камайтириш ва бошка кенг камровли тадбирлардан иборат булди.

## 4-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХЧИЛАР НИГОҲИДА. (2 соат)

### РЕЖА:

- 4.1. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари.
- 4.2. Мустақиллик йилларида Амир Темур хаёти ва фаолияти тарихшунослиги.
- 4.3. Диаспорология - Ўзбекистон ижтимоий фанларидаги янги илмий йўналиш.

### 4.1 Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари.

Урта Осиё минтақаси жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб, инсониятнинг қадимги маданияти уюқларидан бири ҳисобланади. Узок йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида минтақанинг турли вилоятларида умумий, бир-бирига ухшаш, маданиятга оид ёдгорликлар топиб урганган. Чунинчи, Урта Осиё ҳудудларида қадимги даврларда юз берган тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар бир-бирига яқин бўлиб, турли миграция жараёнларига қарамасдан бу ҳудудда яшаган қадимги қабилалар ва элатларни умумий маданий ва этник илдизлар бирлаштириб турган. Шунинг учун ҳам Урта Осиё халқларининг тарихий тақдири қадимги даврлардан бошлаб бир-бирига узвий боғланган бўлиб, қадимги даврлар ҳақида сузлаганимизда «Урта Осиё тарихи» ва «Ўзбекистон тарихи» атамаларини ёнма-ён ишлатишимизнинг боиси ҳам ана шундадир.

Маълумки, нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният тарихи узок ва мураккаб бўлиб, турли тарихий-маданий воқеаларга нисбатан бой.

Сунгги йилларда Урта Осиё ҳудудларида археология, антропология, этнография ва нумизматикага оид қўлаб қўшқинлар қилинди ҳамда тарихимизни ҳолисона ёритиш учун хизмат қиладиган муҳим маълумотлар топиланди. Ушбу маълумотлар ва ашёлар улқ тарихининг қадимги босқичларидаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлари ҳақида

янада туларок тасаввурлар хосил килиш имконини бериб, улар энг кадимги хужаликлар ва меҳнат куроллари, замонавий кифадаги одамнинг пайдо булиши, хужаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллариға утилиши, ишлаб чиқаришда металлнинг ишлатила бошланиши, айирбошлаш ва савдо сотиқ илк шахдрлар ва давлатларнинг ташкил топиши каби куплаб тарихий-маданий жараёнлар билан боғланади. Тарихни даврлаштиришда ушбу жараёнларға асосий эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихини замон талабларига асосланиб даврлаштириш масаласида олимлар орасида ҳам баҳслар давом этмоқда. Бу масала юзасидан, хусусан, энг кадимги даврлардан бугунги кунга қадар булган Урта Осиё тарихини даврлаштиришда эътибор берилиши лозим булган тарихий-маданий жараёнлар, масалаға цивилизацияцион ёндошув, даврлаштиришнинг методологик асослари қабиларға А. Аскарлов, Э. Ртвеладзе, А. Сағдуллаев каби олимлар эътибор қаратган булишларига қарамай, даврлаштириш масалалари тула ечимини топмаган. Сунгги йилларда амалға оширилган олимларимиз тадқиқотларидан келиб чиқиб, ушбу мақолада Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалаларига ҳам қисқача тухталиб утишни лозим топдик. Чунки, урганилаётган тарихни аввало, хронологик изчилликда даврларға булиб, ҳар бир даврнинг узига ҳос хусусиятларини ҳисобға олиб дарслик нуқтаи назаридан маърузалар белгилаш ҳамда қаре соатларини тақсимлаш мақсадға мувофиқдир. Қанчалик содда қуринмасин, ушбу жиҳат ҳам мураккаб масала ҳисобланган тарихни тугри даврлаштиришни талаб этади. Масаланинг энг муҳим томони эса, ёшларға илмий асосланган даврлаштириш асосида тарих фанидан таълим беришдир.

Ўзбекистон, умуман, Урта Осиёнинг кадимги тарихини даврлаштириш, минтақада кадимги даврларда кечган ижтимоий- иқтисодий жараёнлар ҳамда кадимги жамиятдаги тузум ҳақидаги баҳс-мунозаралар угган аернинг 20-30-йилларидаёқ бошланган эди. 1926 йилда В. В. Бартольд кадимги Хоразмдаги ижтимоий- иқтисодий тузум ҳақидаги уз тахминларини эълон қилди<sup>1</sup>. 1929

йилда В. Лениннинг «Давлат хакида» номли маколasi эълон килиниб, «халклар дохийси» бу маколада шундай ёзади: «Барча мамлакагларда, барча кишилик жамиятларининг минг йиллик давомида ривожланиши бизга умумий қонуниятни - мазкурривожланишнинг тугрилиги ва изчиллигини курсатади. Бунда дастлаб синфсиз жамият - илк патриархал, ибтидоий жамият вужудга келган, мазкур жамиятда зодагонлар булмаган. Шундан сунг кулчиликка асосланган жамият, кулдорчилик жамияти вужудга келган. Х,озирги замон маданиялашган Европа мамлакатлари мана шу боскичдан утган. Яъни, икки минг йил мукаддам бу худудларда кулдорлик тузу ми хукм сурган. Дунёнинг қолган қисмидаги халкларнинг қупчилиги ҳам мана шундай тизимдан утган.»

Хозирги тадқиқотчиларнинг барчаси эътироф этганларидеҚ бу фикр-мулохазалар ижтимоий-иктисодий тузумлар (ибтидоий, кулдорлиҚ феодал, капиталистиҚ коммунистик) алмашинувининг беш формацияли схемасига асосланган булиб, бунда ижтимоий-иктисодий тузилмалар шаклланиши узок давом этадиган, ута мураккаб жараён эканлиги, у хронологик жихдтдан турли халкларда х,ар хил кечиши умуман хисобга олинмаган. Афсуски, уша даврдаги мафкуравий тазйик барча мутахассисларни юқоридаги сохта схемага асосланиб тадқиқот олиб боришга мажбур қилган эди. Жумладан, В. В. Струве 1933 йилда қадимги Шумер ва қадимги Мисрда синфий жамият ва давлатчилик сугорма дехқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқ эканлигини исботлаб бериб, Урта Осиёда ҳам кулдорлик давлатлари мавжудлиги хдқидаги фикрни баён қилди.

Ушбу масала юзасидан уша йилларда С. П. Толстов, Н. М. Никольский, И. М. Лурье, А. Й. Тюменев, М. Е. Массон каби олимлар уз фикрларини билдирган булсаларда, Урта Осиё-да кулдорлик тизими мавжуд булган, деган назариялар илмий- оммабоп ва махсус асарларда нашр юзини қурди<sup>2</sup>. 1948 йилда А. Н. Бернштам<sup>3</sup> ва С. П. Толстов<sup>4</sup>лар Урта Осиё тарихидаги дастлабки давлатларни антик ёки антик-кулдорлик давлатлари даври деб аташни таклиф қилдилар. БироҚ қадимги Урта Осиё «кулдорлик жамияти»

ва «кулдорлик давлатлари» назарияси илмий жихдтдан деярли исботланмаган булиб, тулик тахминларга асосланган эди. Шунинг учун ҳам И. И. Умняков, Н. А. Кисляков, В. А. Шишкин, А. М. Белиницкий каби олимлар унга эътироз билдирган эдилар. Шунга карамадан совет даврида нашр этилган «Ўзбекистон ССР тарихи», «Туркменистон ССР тарихи», «Киргизистон ССР тарихи» каби фундаментал нашрларда беш даврлик ижтимоий-иқтисодий формация сакланиб колди.

Юкорида таъкидланганимиздек мустакиллик даврига келиб, хакконий тарихимизни яратиш борасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли совет даври мафкурасига асосланган беш қисмли формацион даврлаштириш бутунлай инкор этилди. Қддимги тарихни давлаштириш масаласида тарихий-маданий тараккиётининг ижтимоий-иқтисодий омилларига асосий эътиборни каратиш гоёлари пайдо булди. Хусусан, А. Сағдуллаевнинг фикрича, Урта Осиё тарихининг энг кадимги даври бир неча юз минг йилларни олади. Европа ва Осиё худудларида тарихий ва маданий жараёнлар ривожланишининг нотекислиги, айникса, турли даврларда моддий маданиятдаги узгаришларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли, айрим худуцларга тегишли тарихий сана ва даврлаштириш бир-биридан фаркланади.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш буйича А. Аскаронинг сунгги йиллардаги тадқиқотлари диққатга сазовордир. Олимнинг фикрича, Ўзбекистон тарихи жахон тарихининг таркибий қисмидир. Бу заминда юз берган тарихий жараёнларни жахон тарихидан ажратиб урганиш мумкин эмас. Улар уртасидаги узаро боғлиқлик жамият тараккиёти конуниятларининг махсулидир. Х,ар бир халқ ер қуррасининг қайси минтақсида яшамасин, тараккиётнинг барча босқичларини у ёки бу даражада босиб утиши шарт. Аммо, жамият ривожланиши хдмма ерда бирдай кечмаган. Жамиятнинг нотекис ривожланиш конунияти эса, кадимги замонларда қупрок минтаканинг табиий-географик ва экологик имкониятларига боғлиқ булган. Жамият хдётида юз берадиган туб

ижтимоий-иқтисодий узгаришлар, Урта Осиё тарихининг ривожланиш даражаси ва ана шу минтака тарихи такозо этган ҳолатдан келиб чиқиб, Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихини даврлаштириш мумкин<sup>1</sup>. Тадқиқочилар қиёсий таҳлиллар ҳдмда тарихий жараёнларни объектив ақс эттирувчи омилларга асосланиб Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврдан бугунгача бўлган даврини еттита қатга хронологик даврга бўлади. Аммо, олимнинг бу даврлаштириши биров ихчамлаштиришни талаб этади.

Сунгги йилларда чоп этилган айрим «Ўзбекистон тарихи» уқув қулланмаларида ҳам тарихни даврлаштириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қ. Усмонов, М. Содиков, Н. Обломуродовларнинг 2002 йилда чоп этилган уқув қулланмасида ҳам бу ҳақда тухталиб утилган<sup>3</sup>. Муаллифлар «Ўзбек халқининг бой, бетакрор тарихи» ни бешта йирик даврларга бўлганлар. Аммо, уларнинг бу даврлаштириши ижтимоий-иқтисодий жихатдан асосланмаган, даврлаштиришга асос бўлган омиллар қиёсий таҳдиллар орқали ёритиб берилмаган.

Р. Шамсутдинов ва Ш. Каримовларнинг лотин алифбосидаги «Ватан тарихи» уқув қулланмасида ҳам «янгица цивилизациян ёндошувларга асосланган методология тамойилларига амал қилишга ҳаракат қилиниб», Ватан тарихини олтига қатга даврларга бўлиш тавсия этилган<sup>4</sup>. Афсуски, бу муаллифлар ҳам Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда асосий эътибор берилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, табиийгеографик ва экологик ҳолат масалаларини, даврлаштиришнинг асосий омилларини очиб бермаганлар ҳамда А. Аскаронинг бу борадаги айрим фикрларини келтирганлар ҳолос.

Умуман, мустақиллик даврида нашр юзини қурган «Ўзбекистон тарихи» дарслик ва уқув қулланмаларда даврлаштириш масалалари деярли ёритилмаган ёки тарихнинг маълум даврларига асосий эътибор қаратилган Мисол учуҚ Э. В, Ртвеладзе сунгги йиллардаги тадқиқотларида Ўзбек давлатчилиги тарихини даврлаштиришга асосий эътибор қаратди. Олим Ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишини цивилизациян



ёндошув асосида хронологик жихатдан олти даврга булиб, бу даврнинг юкори чегарасини мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми, куйи чегарасини эса милодий III асрнинг биринчи ярми билан белгилайди'.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалаларига кичик хдждаги макола билан нукта куйиб булмайди, албатта. Шунга карамасдан, бизга кадар олиб борилган тадқиқотларнинг киёсий тахлиллари хдмда мавжуд адабиётларни урганиш асосида Ўзбекистон тарихини даврлаштириш куйидаги курунишда таклиф этилади:

**1. Ўзбекистон тарихининг энг кадимги даври.** Бу даврни уз навбатида куйидаги гурухларга ажратиш мумкин: а) Урта Осиёда ибтидоий туда даври - бу давр модций маданияти тараккиётига Караб хронологик жихатдан 1 млн. 40 минг йил аввал яъни илк ва урта палеолит даврини уз ичига олади. б) уругчилик жамоаси даври, сунги палеолитдан бошлаб уругчилик жамоаларининг шаклланиши ва мезолит, неолит, энеолит даврларида уларнинг тараккий этиши. Бу давр ижтимоий бошкарувнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан изоҳланади.

**2. Илк давлатчиликка утиш ва давлатчиликнинг ривожланиши даври.** Ижтимоий-иктисодий ва маданий тараккиёт нуктаиназаридан бу давр куйидаги боскичларга булинади: а) Урта Осиёда илк шахдр маданиятининг пайдо булиши хамда давлатчилик тизимига утиш даври (мил. авв. III - II минг йилликнинг биринчи ярми ), б) илк давлатларнинг пайдо булиши хдмда худудий-маъмурий бошкарувнинг ривожланиш боскичлари ( мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярим-антик даври). Бу давр даставвал бронза, кейинрок эса темирнинг хужалик сохдларига жадаллик билан кириб келиши натижасида мехнатнинг дастлабки ижтимоий таксимоти. ишлаб чиқарувчи кучларининг тараккиёти, сиёсий бирлашмалар, Кадимги Бактрия ва Хоразм давлатлари- нинг пайдо булиши, Урта Осиё ахолисининг Ахамонийлар. македониялик Александр, Салавкийлар каби полиэтник давлатлар таркибида ривожланиши, халқаро ва узаро маданий-иктисодий алоқаларнинг тараккий этиши билан изоҳланади.

**3. Ўзбекистон тарихининг урта асрлар даври.** Бу давр уз навбатида куйидаги боскичларга булинади: а) илк урта асрлар; б) ривожланган урта асрлар; в) сунгги урта асрлар. Хронологик жихатдан бу давр V асрдан XVIII аср - XIX асрнинг урталаригача булган даврни уз ичига олгади. Урта асрларнинг биринчи боскичида Урта Осиёда ер эгалиги муносабатлари узгариб, мулкчиликнинг турли шакллари (хусусий мулк. жамоа мулки, вагнзе) пайдо булди, этномаданий жараёнлар жадаллашиб, махаллий Хокимиятчилик давлат тизимининг асосига айланади. Иккинчи боскичда марказлашган давлатчилик анъаналари кучайиб, Урта Осиёда ислом дини кенг ёйилади, илм-фан ва маданият юкори даражада ривожланиб бу сохада цйгониш юз берди, этник жихатдан халкларнинг шаклланиши нихоясига етди, ер эгалиги ва мулкчиликнинг турли куринишлари мавжуд булди. Учинчи боскичда (XVII асрдан бошлаб) хокимият учун узаро курашлар авж олиб Урта Осиё худудлари хонликларга булиниб кетди.

**4. Ўзбекистонда чоризм мустамлакачилиги ва совет-лар хукмронлиги даври.** Хронологик жихатдан XIX асрнинг урталаридан 1991 йилгача булган даврни уз ичига олган бу давр мустамлакачилик даври ва совет даври боскичларига булинади. Биринчи боскичда чоризм боскиччилиги ту'файли Урта Осиё Россиянинг хомашё базасига айланиб, бу худудларга рус капитали жадаллик билан кириб келди, махаллий ишлаб чикариш ва хунармайдчиликка путур етди, миллий-маданий кадриятларга эъ гибор берилмади, натижада миллий озодлик харакатлари авж олиб жадид намояндалари рахнамолигида миллий маърифпарварлик гоёлари ёйилди. Иккинчи боскичда, даставвал миллий мус гакиллик учун куролли ва гоёвий курашлар авж олган булсада, улар беаёв бостирилиб, жамият тараккиёти коммунистик мафкурага буйсундирилди, мулкчиликда давлат монополияси устунлик килди, «уз тавдирини узи белгилайдиган халклар» ва совет республикалари амалда «марказ» манфаатларига буйсундирилди.

**5. Ўзбекистоннинг мустикаллик ва миллий истиклол даври.** Бу давр Ўзбекистоннинг мустикалликка эришуви ва истиклолнинг мустикалликка камланиш

даври булиб, 1991-2000 йиллар утиш даври хисобланади. Утиш даврида мустакилликнинг мустахкам пойдевори бунёд этилиб, «Ўзбек модел»и асосида ижтимоий-иқтисодий тараккиёт сари йул тутилди, Ўзбекистон жаҳон хдмжамияти томонидан тан олинди, миллий истиклол мафкураси жамият ҳдетиға кириб борди. 2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда иқтисодий ва маданий жихддан юксак тараккий этган ҳуку кий демократик жамият барпо этиш борасида куплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар аввало, халк манфаатлари устунлигини, ижтимоий йуналтирилган сиёсатни таъминлашга каратилган булиб, майда ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, чет давлатлар билан турли сохдларда узаро манфаатдорлик асосидаги алоқалар тараккиётини таъминлайди.

Хулоса урнида таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган ушбу даврлаштириш бу мавзуни яқунламайди. Тарих фанини уқитиш борасида долзарб булиб турган даврлаштириш масалалари хали жиддий бахс-мунозараларга сабаб булиши табиийдир. Аммо, бу йуналишда аниқ концепция ишлаб чиқилиб, уқув жараёнига жорий этилиши давр талабидир.

#### **4.2 Мустакиллик йилларида Амир Темур хаёти ва фаолияти тарихшунослиги.**

Ватанимиз мустакиллиги йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Амир Темур номини тиклаш ва абадийлаштириш масалаларига катга эътибор каратди. 1993 йил 31 августда Тошкентда Амир Темур хайкалининг очилиш маросимидаги нуткида И.А.Каримов: «Амир Темур мамлакат кудратини х,ар сох,ада юксакликка кутариб. дунёга машхур килди. Амир Темур давлати қурилиши, харбий санъати куп асрлар давомида Шарку Гарб давлатларига урناق ва андоза булди. Унинг замонида маданият, илму-фан, меъморчилик тасвирий санъат, мусика, шеърият бекиёс ривож топди, халқимизнинг куп анъаналари такомилга етди»<sup>1</sup>, — деб жуда тугри таъкидлади.

Бу йилларда мавзуни урганиш буйича давлат микёсида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Шунингдек Парижда 1996 йил 22 апрелда «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнаки»<sup>3</sup> мавзусида утказилган конференцияда Ўзбек олимларининг мавзуни асосий манбалар ёрдамида ёритиб бериши муҳим аҳамият касб этди<sup>1</sup>.

Республика микёсида утказилган илмий-амалий конференциялар<sup>2</sup> самараси улароқ Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослигининг янада кенгайишига катта имкониятлар яратилди.

Бугунги кунга келиб Амир Темур хақидаги >фта асрларга оид аксарият асосий ёзма манбалар Европа тилларида босилиб чиққан.<sup>3</sup>

Мустақиллик йилларида Амир Темур хаёти ва фаолиятига оид янги тадқиқотлар, манбалар илмий муомалага киритилди. Бу эса, уз навбатида, Амир Темур ва унинг давлати тарихига оид илмий тадқиқотлар савиясининг ортишига олиб келди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилган ҳолда Амир Темур хаёти ва фаолиятига берилган баҳо тубдан узгарди ва Соҳибкироннинг фаолиятига янги нуктаи назар билан қаралди. Адолат нуктаи назаридан ёндошганда Амир Темурнинг бунёдкорлик илм-фанга эътибори В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский асарларида ҳам маълум бир маънода уз аксини топса-да<sup>1</sup>, лекин шу билан бирга, уларнинг асарларида қатор баҳоли уринлар ҳам мавжуд эди.

1990 йиллар бошларида Б.В.Лунин<sup>2</sup>, А.Ахмедов<sup>3</sup>, Б.Ахмедов<sup>4</sup> каби олимлар Амир Темур тарихини қайта, ҳолис урганиш масаласини кутариб чиқиб, унинг шахсига юқори баҳо бердилар. Аммо мустақилликнинг дастлабки 1992 — 1994 йилларида чоп этилган айрим адабиётлар ҳам бор эдики, уларда хануз совет даврида мавжуд фикрларнинг давом этганини қуриш мумкин.<sup>5</sup> Демокчимизки, оламшумул воқеа бўлган мустақилликнинг аҳамияти ва моҳиятини дафъатан илғаб ололмаган тарихчилар ҳам бўдилар.

Мустақиллик даврида эришилган ютуқ сифатида яратилган фундаментал тадқиқотларни келтириш мумкин. Бу уринда «Амир Темур

жахон тарихида»<sup>1</sup> номли асарни алохида курсатиб утиш лозим. Бу асарда Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг иктисодий усиши ва савдо алокалари, халқаро алоқалар ва дипломатия, илм-фан ва маданияти ҳар томонлама очиқ берилган. 1996 йили чоп этилган яна бир йирик асар «Темур ва Улугбек даври тарихи»<sup>2</sup>дир. Унда Амир Темур ва Темурийлар даврини урганишга бағишланган манбалар, бу даврни урганишга хизмат қилувчи адабиётлар, Темур образининг фольклорда акс этиши, Темур ва Улугбекнинг гаржимаи холи, Темур ва Улугбек давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт масалалари атрофлича ёритилган.

Шунингдек Б.Ахмедов Г.А.Пугаченкова ва Р.Г.Мукминова томонидан ҳамкорликда тайёрланган «Амир Темур» номли коллектив монографияда Амир Темурнинг Европа ва Осиё тарихидаги буюқ хизматлари, Буюқ ипак йулини тиклагани, бунёдкорлик фаолияти, илм-фан ва маданиятга хомийлиги хусусида суз боради<sup>3</sup>. Асарнинг узига хос илмий қиммати шундаки, унда бошқа асарлардан фарқли улароқ Амир Темур салтанати бошқарув тизимининг ижобий томонлари билан бирга, унинг заиф томонлари ҳам курсатилган.

Бу йилларда Амир Темур библиографияси тузиш ишларига катта эътибор қаратилди. Р.Алимов томонидан «Сохибқирон Амир Темур» методик тавсияномаси<sup>4</sup>, академик Э.В.Ртвеладзе ва профессор А.Х.Саидовлар томонидан «Амир Темур дунё фани қузғусида»<sup>5</sup> библиографияси, «Амир Темур библиографияси»<sup>6</sup> нашр этилди.

Темуршунослик ривожига манбаларнинг урганилиш даражаси муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Ёзма манбаларни таржима қилиш ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаш соҳасида А.Уринбоев, Д.Юсупова, Х.,Кароматов, У.Уватов, О.Буриев, Г.Карим каби шарқшунос олимларнинг хизмати катта бўлди. Мавзуга дойр Қолган манбаларнинг ҳам Ўзбек тилига тула таржималари амалга оширилиб янги тадқиқотлар учун манбавий асос қупайди. Фикримизча, манбашунослик соҳасидаги илмий изланишларни давом эттириб, ёзма манбаларнинг танқидий ва Қиёсий таҳлилига

багишланган махсус тадқиқотларни амалга ошириш асосида уша давр воқелиги туларок ёритилса, мавзунинг бахс-мунозарали муаммолари узининг илмий ечимини топган буларди. Зеро, манбаларнинг илмий муомалага киритилиши натижасида темуршуносликка хисса булиб кушилган янги тадқиқотлар амалга оширилди<sup>1</sup>. Амир Темур давлатининг дипломатик муносабатларини М.Холбеков, А. Саидов (Л.Керэн билан ҳаммуаллифликда), Б.Маннонов, С.Гуломов, У.Уватов, А.Зиё, Н.Каримова, Р.Каримов ва А.Дабибуллаев, М.Абдураимов, И.Искандаров, Х. Исматуллох, К.Бурхонов, Ш.Фарзалиев, хорижлик олимлардан Л.Керэн, мисрлик Фатхи ал-Гувейли, америкалик Р.Нельсон, германиялик К.Пандер, покстонлик Ф.Дурроний каби олимлар махсус урганганлар.

Мустақиллик йилларида мавзунинг қайта-қайта урганилиши боис, унинг тарихшунослиги Ш.Улжаева<sup>2</sup>, Д.Абиджанова<sup>1</sup>, Б.Усмонов<sup>2</sup>ларнинг диссертация химоялари булиб утди.

Хулоса урнида қуйидагиларни умумлаштириш уринлидир. Мазкур мақолада Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил этилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур йилларда Ўзбекистонда, қисқа муддат ичида, Амир Темур салтанати тарихига оид ёзма манбаларнинг бир қисми илмий муомалага киритилган ва салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган.

Мустақиллик йиллари тарихшунослигида Амир Темур-нинг давлатчилик фаолиятини долзарб мавзу даражасига олиб чиқишда, биринчи навбатда Президент И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузалари Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритишда услубий асос булиб хизмат қилди, мавзуни янги мазмунда ёритишга имкон яратди. 1996 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигининг халқаро микёсда нишонланиши эса янги тадқиқотлар учун кенг имкониятларни яратди. Изчил муносабатнинг шаклланиши туфайли, фанда совет даврида Амир Темур шахсига нисбатан ҳукм сурган салбий хулоса барҳам топиб, мавзу янги чизгилар билан

ёритилди. Хозирда Амир Темур тарихини хар томонлама урганиш ва тадқиқ қилиш борасидаги тарихчилар олдига қуйилган вазифаларнинг хал этилиб бораётганини қурсатишимиз мумкин.

Манбашунос олимлар томонидан илмий муомалага қиритилган маълумотлар Амир Темур шахси, хаёти ва фаолияти, фан ва маданиятга ҳомийлиги билан боғлиқ томонларга ҳаққоний баҳо бериш имконини яратиб, ноўрин бахсларга ўрин қолдирмади. Буларнинг натижаси улароқ Амир Темурнинг шахси, илмий мушоҳадаси, саркардалиқ ва давлатчилик фаолияти янгича, ҳаққоний ва холис баҳо олди. Шунингдек Амир Темур хаёти ва фаолияти тарихига оид муҳим, мавжуд мунозарали муаммоларга ойдинлик қиритишга, тадқиқотларнинг манбавий асосининг кенгайтишига, илмий савияси ошишига хизмат қилди. Қайд этиш лозим, темуршунослик ривожига ижтимоий-сиёсий муҳит ва манбаларнинг урганилиши асосий таъсир этувчи омиллар булди.

Мустақиллик йилларида Амир Темур шахсига нисбатан тарихий адолатнинг қарор топишини ютуқ сифатида айтишимиз мумкин. Амир Темур хаёти ва фаолиятининг тарихчи олимлар томонидан урганилиши ва амалга оширилган тадқиқотлар янги, аввалгига нисбатан юкори босқичга қутарилганини қурсатади. Уларда харбий юришлардан қузланган асосий мақсад совет тарихшунослигида қайд этилганидек. «талончилик» ва «босқинчилик» эмас, балки езгу ниёт, яъни Буюк ипак йулини, коммуникацияни тиклаш, бу орқали эса савдо-сотиқ илм-фан тараққиётини ривожлантириш учун саъй-харакатлар қилгани, бунёдкорлик ишларини кенг миқёсда олиб боргани исботлаб берилди.

Мустақиллик даври тарих шу мослигининг ютуқли жихатларидан яна бири, тадқиқотларда Амир Темур салтанатининг халқаро муносабатлари тарихи ва дипломатия муносабатлари тарихининг энг ёркин саҳифаси булгани, бунда дипломатия қоидаларига қатъий амал қилингани, Соҳибқироннинг мазкур соҳадаги маҳорати юкори баҳоланганлигидир.

Хусусан, дипломатик муносабатлардан кузланган асосий мақсад савдо-сотиқни ривожлантириш эканлиги эътироф этилган.

Бу йилларда амалга оширилган ишларнинг яна бир муҳим жиҳати бу маданият ва санъат тараккиётида Амир Темурнинг урни ва хомийлигига алоҳида эътибор берилганлигидир. Уларда совет даврида Амир Темурга «вайронкор» деб берилган бир ёқлама, салбий фикрлар асоссиз эканлиги, аксинча Соhibкироннинг узга юртлардаги ободончиликка булган эътибори, унинг бунёдкорлиқ илм-фан ва маданият хомийси сифатидаги фаолиятига юқори, фактологик ва илмий асосли баҳо берилди.

Мустақиллик йиллари Ўзбек тарихшунослигида муаммонинг ҳолис ёритилгани билан бирга айрим салбий ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Булар, мутахассис булмаган тарихчилар томонидан мавзунинг енгил-елпи ёритилиши, сарлавҳага қуйилган муаммонинг мазмунда очиб берилмаслиги, аввалги тадқиқотларнинг илмий ютуқларидан фойдаланмаслиқ асосий ёзма манбаларга асосланмаслик ёки ягона манбага таяниб мавзунинг талқин этилиши, такрорлаш ҳоллари, илмий тадқиқ ва таҳлилга эътибор бермаслик каби ҳолатлардир. Шунингдек тадқиқотлар таҳдилини амалга ошириш натижасида мавзу юзасидан долзарб муаммолар борлиги билан бир қаторда, уларнинг бир текис урганилмаганини қайд этиш лозим. Хусусан, ёзма манбаларнинг бир қисми чоп этилганига қарамай, Амир Темурнинг сиёсий ҳокимият тепасига келишигача булган даврдаги фаолияти умумий характерда урганилган ёки масала аксарият ҳолларда четлаб утилганлиги ҳолатлари кузатилади. Баъзан тадқиқотларда сана, жой ва расмий маросим номлари, атамалар хусусида чалқашликлар мавжудлигини курсатиш жоиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки. Амир Темурни Доро I, Александр Македонский, Юлий Цезарь ва бошқа тарихий даҳоларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қуйиш ҳоллари тарихчиларнинг асарларида учрайди. Фикримизча, бундай қиёслаш ноурин бўлиб, Соhibкиронни улар билан ёнма-ён қуйиб булмайдди. Сабаби, Амир Темур уз «Тузуқларга»



асосланган адолатли конунчилик тизимини яратиб, умр буйи бунёдкорлик билан шугулланди.

Ханузгача жахонда нашр этилаётган нашрлар, турли энциклопедиялар ва интернет маълумотларида Амир Темурнинг шахси ва фаолиятига салбий баҳо бериб келинмоқда. Афсу-ски, халигача Амир Темурнинг харбий махорати ва давлатнинг харбий бошқарув тизимини тулик ёритишга багишланган фундаментал тадқиқот бажарилмаган. Асосий манбалардаги маълумотлар турлича булиб бу мавзунини мураккаблигини оширади.

Шунинг учун тадқиқотчининг мавзунини ёритиб беришигина кифоя килмайди. Асосий манбаларни комплекс тахлили асосида манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан объектив тахлилинини амалга оширган тадқиқот муаммога ойдинлик киритади. Бу масалада махсус илмий тадқиқот олиб борилиши ва харбий юришларнинг хар бирини асосий максadini илмий асосли очиб берилиши замонавий темуршуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Сохибқиронга у таваллуд топган Ватанида энг ҳаққоний илмий ёндашув шаклланиши керак деб уйлаймиз. Ўзбекистон турли ёндашувдаги тенденцияларни узгартиришга амалий ёрдам берадиган темуршуносликнинг илмий марказга айланиши керак. Бунинг учун Ўзбекистонда темуршунослик мактаби ва етарли илмий салоҳият шаклланиши керак.

#### **4.3 Диаспорология - Ўзбекистон ижтимоий фанларидаги янги илмий йўналиш.**

##### **1. Мустақиллик йилларида амалга оширилган инновацион илмий-тадқиқот ишларининг тахлили**

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан катта аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди, долзарб мавзуларни ўз ичига олган кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя

қилинди, қатор илмий адабиёт, монографиялар нашр юзини кўрди, фан юзасидан тегишли муаммоларни камраб олган, республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманлар ташкил қилинди, дунёнинг нуфузли ва етакчи илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди, замонавий талабларга асосланган қатор янги авлод ўқув адабиётлари чоп этилди.

Мазкур ўзгариш ва янгиликларни қуйида олинган аниқ далил ва мулоҳазалар баёни орқали таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Археолог ва антрополог олимлар томонидан ибтидоий жамоа тузуми даври юзасидан қатор изланишлар амалга оширилди.

Фарғона водийсидаги қадимийлик даражаси 1 млн. йил бўлмиш Селенгур ғоридан топилган палеолит даврига оид –фергантроп|| одами қолдиқларининг ўрганилиши ҳамда 2003 йили ўзбек археологларининг халқаро экспедиция билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида Обираҳмат манзилгоҳидан топилган қадимги тош даврига оид инсон қолдиқлари Ўзбекистон – инсоният пайдо бўлган ҳудудлардан бири бўлганлигини тўлақонли равишда исбот қилди.

Шунингдек, ўзбек давлатчилигининг юзага келиши ва шаклланиши, қадимги Хоразм, Бактрия, Сўғд давлатлари тарихи юзасидан эътиборга молик тадқиқотлар амалга оширилди. Ўтмиш аждодларимиз томонидан яратилган муҳим тарихий манба бўлмиш – –Авесто|| китобининг ватани Хоразм воҳаси эканлиги исбот қилинди. Мамлакатимиз ҳудуди қадимданок Шарқ ва Ғарб савдо–иқтисодий муносабатлари туташган, турли маданиятлар уйғунлашган жой ҳисобланган. Заҳматкаш ва меҳнатсевар, туб жой ўтроқ аҳоли томонидан Узунқир, Бандихон, Ерқўрғон, Афросиёб, Тупроққалъа ва бошқа кўплаб илк шаҳарсозлик маданияти асносида кейинчалик кўплаб маълум ва машҳур шаҳарлар вужудга келди. Мустақиллик йилларида таваллуд ёшлари минг йилликларга бориб тақалувчи, жаҳон ва шарқ цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Самарқанд (2750 йил), Шаҳрисабз (2700 йил), Қарши (2700 йил), Термиз (2500 йил), Хива (2500 йил), Бухоро (2500 йил), Тошкент (2200 йил), Марғилон (2000 йил)

шаҳарларининг юбилейларини кенг нишонланишида тарихчи, археолог, шарқшунос олимларимиз томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг самараси юқори даражада бўлди. Истиқлол йиларида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий кўприк вазифасини ўтаган –Буюк ипак йўли тарихи илк бора тадқиқ этилди.

Қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда шунингдек, тарихий манбаларни таржима қилиш, таҳлил этиш, ёрдамчи тарих фанлари материаллари ҳам катта роль ўйнайди. Ўзбекистон тарихининг воқелик ва жараёнларга бой бўлмиш ўрта асрлар даври тарихи бўйича кўплаб аҳамиятга молик ишлар амалга оширилган. Шарқшунос олимлар томонидан шу даврга оид қатор тарихий манбалар таржима қилинди. Ўрта асрлар давлатчилиги ва давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар хусусида илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, турк ҳоконлиги даври тарихи, туркий- суғд симбиози, кам ўрганилган қорахонийлар, қорахитойлар тарихи масаласи атрофича ва чуқур ёритилди. Ўзбек халқининг этногенези масаласи бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб жараёнларга аниқликлар киритилди.

Мовароуннаҳр замини ўрта аср мусулмон шарқида маърифат ва маданият маскани сифатида донг таратган ўлка ҳисобланган. Юртимиздан етишиб чиққан Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Замахшарий ва бошқа буюк аллома, қомусий олимларнинг илмий мероси ҳақли равишда умумбашарий мулкка айланган. Собиқ совет даврида ушбу олимларнинг илмий меросига бир томонлама муносабат шаклланган бўлса, мустақиллик йилларига келиб ушбу буюк зотлар фаолияти ва илмий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилиши бошланди. Ўлкамиз шунингдек, ислом дини тараққиётига улкан ҳисса қўшган муҳаддис, диншунос олимлар, тасаввуф илми намоёндалари юрти ҳам ҳисобланади. Совет мустабид даврида номи унут даражасига келиб қолган Имом ал-Бухорий, Имом ат- Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Мотурудий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний,

Баховуддин Нақшбанд, Қаффол Шоший, Хожа Ахрор ва бошқа диний арбобларнинг табаррук номларини тиклаш, уларнинг асарларини кенг жамоатчиликка, халқимизга таништиришда айнан шарқшунос- тарихчи олимларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Зеро аждодларимиз муқаддас дини бўлмиш исломнинг том маънодаги эзгулик ҳамда камолотга эришиш йўлидаги буюк маънавий қудратини намоен этишда юқорида номи зикр этилган олимлар ката жонбозлик кўрсатишди. Алоҳида олинган давлат арбоблари ва саркардалар фаолияти ҳақида сўз кетганди Жалолиддин Мангубердини алоҳида таъкидлаш лозим. Айнан мустақиллик йилларида номи тарих зарварақаларига қайтарилган ушбу буюк саркарданинг фаолияти тўғрисида қатор адабиётлар нашр этилди.

Унинг 800 йиллик таваллуд ёшига бағишланган 1998 йилги халқаро анжуманида қайд этилганидек, Жалолиддин Мангубердининг фаолияти, Ватан озодлиги йўлидаги машаққатли ҳаракатлари қатор Шарқ мамлакатлари тарихшунослигида ҳам ўз ўрнини топган. Мазкур даврга оид муҳим тарихий манба бўлмиш тарихчи ан-Насавийнинг –Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти|| асарини ҳамда машҳур шарқшунос олим З.Бунёдовнинг мавзуга оид китобини ўзбек тилига таржима қилиниши тадқиқотчилар учун ката изланишлар имкониятини яратди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тарихшунослигида рўй берган энг муҳим ўзгариш, яъни тарихий адолатни қарор топиши – бу буюк Соҳибқирон Амир Темур пок номини тикланиши бўлди. Юртбошимиз таърифи билан айтганда –... тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо|| номи бутун жаҳонга маълум ва машҳур бўлган буюк шахслар қаторидан жой олган. XX аср 90-йиллари ўзбек тарихшунослигида Амир Темур даври тарихи, давлат бошқаруви хусусида кўплаб аҳамиятга молик тадқиқот ишлари амалга оширилди. Илк бора –Темур тузуклари|| китоби ўзбек ва бошқа тилларга ўгирилди, шу даврга оид қатор тарихий манбалар, жумладан Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо ва бошқаларнинг асарлари таржима

қилинди, Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида тутган улкан роли ва хизмати очиб берилди, Амир Темурнинг миллатимиз фахри ва қаҳрамонлиги образи дарсликлардан жой олди, Амир Темур давлати ички ва ташқи сиёсати хусусида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва ҳақозо.

1996 йил –Амир Темур йилида Парижда ва Тошкентда ўтказилган халқаро илмий анжумандарда башарият тарихида буюк Соҳибқирон тутган ўрни мавзуси қатор таниқли ўзбек ва жаҳон олимларининг чиқишларида ўз аксини топди. Амир Темур шахси, фаолияти, у барпо этган давлат тарихи XXI асрда нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёси, илмий жамоатчилигида ҳам улкан қизиқишга сабаб бўлмоқда.

Истиқлол йилларида Амир Темурнинг ўғли, деярли қирқ йил Темурийлар салтанатида зукколик ва оқиллик билан ҳукм сурган Шохрух Мирзонинг фаолияти илк бора илмий жиҳатдан ўрганилди. Шохрух Мирзонинг Темурийлар салтанати бирлигини сақлаб қолишдаги ўрни ва роли очиб берилди. Гиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий сингари дипломат ва саёҳатчиларнинг асарлари таржима қилинди. Ҳолбуки Шохрух Мирзонинг фаолияти хусусида мустақиллик даврига қадар алоҳида олинган тадқиқот иши амалга оширилмаган эди.

–...Тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатган буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай)нинг фаолияти хусусида вақтида кўплаб китоблар ёзилган эди. Лекин, фақат истиқлол шарофати ила Мирзо Улуғбекнинг фаолияти ва илмий мероси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши бошланди. 1994 йил –Мирзо Улуғбек йили да ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда ва Тошкентда ўрқазилган илмий анжуманларда Мирзо Улуғбек даври тарихи юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширила бошланганлиги аён бўлди. Уларда Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби ва маданият ҳомийси сифатидаги тарихдаги ўрни ва роли очиб берилди. Ҳам шоҳлик ҳам олимликни ўзида юксак салоҳият ила мужассам қила олган улуғ зот

фаолияти хусусида нафақат тарихчи олимлар, балки табиий фан вакиллари ҳам қатор тадқиқотларни амалга оширдилар. Мазкур ҳолат 2009 йил Самарқандда ўтказилган халқаро илмий анжуманда ҳам тўлиқ ўз аксини топди.

XVI- XIX асрлар I – ярми ўзбек хонликлари ҳукмронлиги даври кўп жиҳатдан жаҳон цивилизациясидан узоқлашиш, илм-фан, техника ютуқларидан бебаҳра қолиш, ҳудуднинг кўп ҳолда ўзаро низо ва урушлар домига тортилиши ўлкада қолоқлик, хурофат, парокандаликнинг кучайишига олиб келди. Бу давр юқоридаги ҳолатлар билан характерланган бўлиб, уч асрлик даврнинг кўпгина қисмлари эътибор ва таҳлилдан четдан қолди, кўпгина масалалар ўрганилмади, қолоқлик сабаблари таҳлил этилмади ва ҳоказо. Мустақиллик даврига келиб масаланинг муаммовий жиҳатларини ечиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ушбу давр юзасидан ҳам тегишли тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди.

Хусусан илк бора давлат бошқаруви хонликларнинг Европа ва Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари, шаҳарлар тараққиёти, савдо муносабатлари, ҳарбий иш ва ҳарбий санъат тарихи ва бошқа ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт тарихига оид масалалар юзасидан тадқиқот ишлари амалга оширилди, кўплаб тарихий адабиётлар чоп этилди, тарихий манбалар таржима қилинди.

XIX аср II- ярми – XX аср бошлари подшо Россияси империяси мустамлакаси бўлмиш – Туркистон ўлкаси тарихида ҳам маълум бўшлиқ, сохталаштирилган саҳифалар мавжуд бўлган. Мустақиллик йилларида қуйидаги масалалар илк бора ўрганилиб, кенг илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди: ўлкада рўй берган миллий-озодлик ҳаракатлари ва уларнинг йўлбошчилари фаолияти, жадидчилик ҳаракати, жадид маърифатпарварларининг зиё тарқатиш йўлидаги жонбозлиги, саъй-ҳаракатлари, аграр соҳада пахта яккаҳоқимлигининг жорий этилиши, мустамлака маъмуриятининг ҳарбий-зўравонлик бошқаруви ва унинг оқибатлари, таълим тизими, XIX-аср охирлари XX-аср бошларидаги Бухоро

амирлиги ва Хива хонлиги тарихи, ички сиёсат ва Россия империяси билан муносабатлар, мустамлака маъмуриятнинг кўчириш сиёсати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт бобидаги бошқа турли масалалар. Юқорида қайд қилинган масалалар кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди, фанда ўз ечимини топган мавзулар сирасига кирган. Шунингдек, кўплаб анжуман, чиқишларда, чоп этилган монография, ўқув адабиётларида ҳам ушбу масала ёритиб берилган.

Инсоният тарихида зиддиятли ва мураккаб жараёнлар, тарихий воқеликларга бой бўлмиш XX аср тарихи мустабид совет даврида ўта сиёсийлаштириб, тегишли мафкура қобиғига ўралган, тузум маънавий қуролига айлантирилган эди. Табиийки, 70 йилдан зиёдроқ ҳукм сурган мустабид совет даври тарихи, илмий адабиётларида мазкур ҳолат ўз аксини топган эди.

Ўзбекистоннинг совет мустабид ҳукмронлиги даври тарихини мустақиллик йилларида замонавий назарий-концептуал, методик ёндашувлар асосида қайта илмий ва ҳолисона равишда ёритилиш жараёни йўлга қўйилди.

Жумладан, илк бора ватан тарихшунослигида совет мустабид тузумига қарши қуролли ҳаракат масаласи тадқиқ этилди, совет давлатининг Ўзбекистонда юритган ижтимоий-иқтисодий, маданий – маърифий сиёсатининг бир томонлама салбий характери очиқ берилди, ўлкамизда амалга оширилган

–маданий инқилоб, –Ҳужум ҳаракатига янгича баҳо берилди, Ўзбекистонни пахта хом-ашё базасига айланиши, унинг асоратли оқибатлари, совет даврида тарихий-демографик ҳолат, инқирозий вазият, экологик фожеа, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар ва бошқалар очиқ берилди.

Мамлакатимиз тарихининг очилмаган саҳифаларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги мустабид тузум даврида Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида қатағонга учраб ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори катта роль ўйнади. Ушбу қарор ўсиб

келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этиб, ўтмишда озодлик ва эрк учун курашганларнинг оғир қисматларини баён этишни кун тартибига қўйган эди. Совет қатағонлик сиёсати, Ўзбекистонда унинг ўзгача, янада чуқур ва шавқатсиз услуби, таниқли давлат арбоблари, фан, адабиёт, маданият вакилларининг халқ эрки, Ватан равнақи йўлидаги оғир тақдир йўллари тарихчи олимларни янги изланиш ва тадқиқотларга сафарбар бўлишга туртки бўлди. Юқори фуқаролик позицияси ва ватанпарварлик туйғуси билан ҳамда тегишли илмий салоҳиятни уйғунлаштира олган тарихчилар бу борада салмоқли ишларни амалга оширдилар. Советларнинг нафақат қатағонлик сиёсати, балки бутун совет даврида кечган қулоқлаштириш, коллективлаштириш ва ўзбек қишлоғи фожеаси, зўравонлик билан олиб борилган кўчириш сиёсати, XX аср 80-йилларидаги марказнинг

–ўзбек иши», –пахта иши» деб номланган сохта машъум жараёнлари ҳам тадқиқот объектлари сафидан жой олди. Қайд қилинган масалалар юзасидан кўплаб диссертация ҳимоялари амалга оширилди, илмий анжуманларда маърузалар қилинди, илмий рисола, адабиёт, монографиялар нашр этилди.

Натижада кўплаб воқелик ва жараёнларга замонавий тарзда илмий ва холис баҳо берилди.

Маънавиятнинг ўзаги бўлмиш халқ хотираси, ўтмиш воқелигини англашга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Зеро, XXI-информацион технологиялар асри даврида инновацион ғоя ва ёндашувлар тарих фанига бўлган муносабатни янада юқори даражага кўтармоқда.

Ҳозирги кунга келиб ижтимоий ҳаёт соҳасининг барча қатламларига инновация атамаси шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистонда ушбу масалага катта аҳамият билан қаралмоқда. Мустақилликнинг дастлабки давриданок илм-фан соҳасига инновацияларни татбиқ этиш масаласига катта эътибор билан қаралди. 1992 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг –Инновацион фаолият ва илм-фан ривожлантиришини



давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонида таълим соҳаси, хусусан таълимда дастлабки инновацион ишланма, ғояларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг –Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги 2008 йил 15 июлдаги қарори барча соҳаларда инновацияларни тадбиқ этишни замонавий ишлаш жараёнининг узвий бўлагига айлантирди. Мамлакатимизда илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор боис фан соҳасидаги кашфиётлар, замонавий инновацион технологияларга оид лойиҳа ва ишланмалар амалий ҳаёт борасида тобора кенг равишда ўз ўрнини топмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақат инновациялар, инновацион ғояларгина илм-фанни тараққий этишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги давр илм-фан ва таълим соҳасининг уйғунлашувини ҳам талаб қилади. Кези келганда қайд этиш лозимки, таълим тизимининг сифат жиҳатидан такомиллашуви учун аввало илм-фан янгиликлари, инновацияларни ўзида жо этиши зарур.

## **2. Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни жорий этилишининг аҳамияти**

Тарих фани ижтимоий тараққиёт ва ўтмишга оид ҳар хил воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши, уларнинг қачон, қаерда, қандай ҳолатда юз берганлиги, инсониятнинг пайдо бўлиши ва унинг тадрижий-эволюцион ривожланиш жараёни ва бошқаларни ўрганади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи умумжаҳон-инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланиб, у оламшумул воқеликларга жуда бой. Ўзбекистон тарихи фани мана шу воқеликларни бошидан кечирган қадим ва яқин аجدодларимизнинг ҳаёти қандай бўлганлигини, жаҳон тарихи тараққиётига қўшган ҳиссаларини холисона ва ҳаққоний ўрганади.

Таъкидлаш лозимки, тарихий, миллий-маданий, ахлоқий ва диний қадриятларни ўрганиш, тиклаш ва янги асосларда ривожлантириш – ёшлар, таълим ва тарбия тизимидаги талабаларнинг дунёқарашида миллий ғурур

хамдаўзликни англаш, улар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини янада мустаҳкамлаш бугунги давр талабидир. Айнан шунинг учун ҳам таълим тизимида «Ўзбекистон тарихи» фанини ҳар томонлама ҳамда чуқур ўқитиш мақсадида янги авлод ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилиб, бу борадаги илмий тадқиқотлар натижалари ўқув жараёнига жорий этилмоқда.

Тарихий ҳақиқат тўла рўёбга чиқиши, ҳаққоний тарих ёзилишида тарих фанининг предмети ва объектини тўғри белгиланиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Чунки, Ўзбекистон тарихи фани учун ҳам бошқа барча фанлар қатори предмет ва объект масаласи асосий масала бўлиб ҳисобланади. Зеро, фан унинг ўрганиш предмети ва объекти аниқ бўлмаса, унинг олдидаги вазифа ноаниқ бўлиб, мақсадга эришиш мушкул бўлади. Бундай ҳолат ўқув жараёни самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий ва табиат фанларидан фарқли ўлароқ мустақил фан. Шунингдек, у барча фанлар орасида алоҳида ўз ўрни ва мавқега эга. У барча фанлар тарихини ҳам ўз ичига олган ҳолда уларнинг ривожига катта таъсир этади. Бу унинг ўрганиш предмети ва объекти ҳамда вазифасида тўла намоян бўлмоғи керак. Тарих фани ўз хусусиятига кўра, **биринчидан**, ўзининг бутун диққат эътиборини фақат ўтмишга қаратади, ундан сабоқ беради, хулоса чиқаради, аждодларимизнинг мозийда қолган ҳаёт тарзини, улар яратган моддий-маданий, маънавий-мафкуравий қадриятларни ўрганади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанларга нисбатан анча аниқ фандир. У математика усулидан кенг фойдаланади. Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетлик хронологик асосда ўрганилади. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисалар, ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитларда тарихан воқеъ бўлганлиги аниқланади.

Ва ниҳоят, бўлиб ўтган воқеликларнинг аниқ сабаб ва оқибатлари, шу билан бирга, уларнинг аниқ шакл-шамойиллари ва ҳолати аниқланади.

**Учинчидан,** Ўзбекистон тарихи фани мамлакатимиз ўтмишидаги иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса чиқаради. Бу эса келажак авлодлар учун дастуриламал бўлади.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон тарихи фани кўп қирралик ва хилма-хиллик хусусиятига эга. У жамият тараққиёти ва инқирозларининг фақат бир томонинигина эмас, балки жамиятнинг ҳамма томонларини узвий ўзаро боғлиқликда, бир бутунликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фани, Ўзбекистоннинг ўтмишидаги ва ҳозирги ҳудудида энг қадимги даврлардан то ҳозиргача кечган воқеликлар, инсоният ҳаёти, табиат ва жамият тараққиёти ҳамда таназзулини таҳлил қилади. Унинг ўрганиш предметига эса, мана шу макондаги жамики хилма-хил воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумий алоқадорлик ва яхлит бирлик ҳамда қонуниятлар ҳодисаси ва жараёнлар, умуман, халқ ва инсоннинг яратувчанлик фаолияти киради. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, бутун бир халқлар, элатлар, миллатлар ва давлатларга таалуқли бўлган мураккаб ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихда ўз аксини топади. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, инсон ҳар қандай тарихнинг предмети ҳисобланади. Ҳар бир воқеа, ҳодиса инсон (ёки унинг бир гуруҳи-халқ) ҳатти-ҳаракати, унинг кўзлаган маълум мақсадга интилиши жараёнида содир бўлади. Ўзбекистон тарихи фанининг ўрганиш макони-объекти Ўзбекистоннинг тарихидир.

Тарихий объект (макон)га нисбатан Ўзбекистон тарихи фанинингмақсади, вазифаси, йўналиши ва ҳаракат (фаолият) доираси ёки чегараси белгиланади. Маълум бир маънода объект билан предмет бири-бирига жуда яқин тушунча бўлса-да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланади.

Объект аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик минтақавий чегаралар, маълум бир халқ, миллат, мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлиб, маълум ҳудуд доирасидаги воқеа ва ҳодисаларнинг бир бутун ва яхлитликда

ўз ичига олади. Предмет эса мана шу бир бутун объект ичидаги аниқ сиёсий, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани фан сифатида ижтимоий-сиёсий, умуминсоний фан бўлиб, инсон ва миллат ўз ўтмишини билиши, ўзлигини англаши ҳамда келажагини белгилашида асосий дастуриламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳасидаги ягона фан ҳам эмас.

Жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Масалан, археология, этнология, геология, антропология, демография, маданият, иқтисодиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Аммо бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат, жамият ҳам аввало, катта тарихда акс этади. Соҳа тарихи фанлари ҳам тарих фанининг ўрганиш объекти ва предмети ҳисобланади.

Тарих фани бошқа, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлари билан мустаҳкам ва узвий алоқа бирлигида ривожланади. Шунинг учун ҳам, тарихчилар фалсафани, адабиёт ва тилни, диншуносликни ва бошқа фанларни билмай туриб, ҳаққоний тарихни тўла ёритиб беролмайдилар.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тарих билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти битта яъни жамиятдир. Предмети эса инсон ва табиатдир. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига, тарихий ҳақиқатларнинг рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунингдек, тарих фани ҳам бошқа соҳа фанлари ривожига катта таъсир этади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тарих бошқа фанларни, шунингдек ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам тарихидир. Чунки бошқа фанларнинг ҳаммаси ҳам, тарих маҳсулидир.

Қисқа қилиб айтганда, тарих фани яъни, Ватан тарихи-миллат ва Ватан келажагининг равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга. Масаланинг моҳияти шундаки, **биринчидан**, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланиши ҳар жиҳатдан тарих фанининг нақадар ҳаққоний бўлишига боғлиқдир. Чунки улар тарих билан бевосита боғлиқ. **Иккинчидан**, Тарих фалсафаси қанчалик

тўла ва равон юзага чиқса, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда таъсирчанлиги ҳам шунча юксак даражада бўлади.

Тарих фалсафаси деганда, тарих яъни ўтмиш тажрибаси ва сабоғидан тўғри хулоса чиқара олиш тушунилади. Бошқача айтганда, ўтмиш-тарихга қараб, келажакни ҳис этиш, кўра билиш ва тўғри белгилай олиш ҳам тарих фалсафасини англашни билдиради.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, инсоннинг шахсий манфаат ва эҳтиёжлари, қолаверса, унинг қобилияти, истеъдоди, воқеаларни теран идрок этиши тарих фалсафасини англаб етишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсон ақл-идроки, унинг тафаккур даражаси, ҳаётий фалсафаси, жамият тараққиёти йўлидаги барча сайъи-ҳаракатлари ва интилишлари маълум миллат ва жамият менталитетини белгилаб беради. Мана шу менталитет миллат ёки халқнинг умуммаданий-маънавий даражаси, ақл-идроки ва тафаккур майдонининг салоҳиятига қараб ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Тарих эса, ана шу ўта мураккаб, ўта зиддиятли, шу билан бирга ниҳоятда қудратли руҳият орқали, фаолият орқали хотирага айланади. Назаримизда, бу ҳолат тарих фалсафасини ўзида ифода этади.

### **Назорат саволлар:**

1. Тарих фанида амалга оширилган қандай муҳим инновациялардан ҳабардорсиз?
2. Тарихда фан ва таълим уйғунлиги нималарда акс этиши керак?
3. Мамлакатимизда инновацион лойиҳа ва ғояларни амалга ошириш борасида қабул қилинган қайси қарорларни биласиз?
4. Тарих фанида инфор­мацион технологиялар қандай фойдаланиш мақсадга мувофиқдир?

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-МАВЗУ: ИЛК ЁЗУВЛАР ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ УРГАНИЛИШИ. (2 соат)

#### Режа:

1. Илк ёзув турлари (Пиктографик ёзув, идеография, миҳхат, иероглиф ёзуви)
2. Алфавитли ёзувнинг вужудга келиши.

**Ишнинг мақсади:** Тингловчиларга Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг урганилиши ахамияти ва вазифаларини тушунтириш.

#### Амалий машғулот топшириқлари

**1-топшириқ.** Палеография, Эпиграфика, Нумизматика, Геральдика, Сфрагистика, Дипломатика, Хронология, Метрология тушунчаларига аниқлик киритиш.

Палеография (юнон. *палайос* – қадимги, *гранхо* – ёзаман; қадимий ёзув) қадимий қўлёзма асарларнинг қоғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усуллари текширади.

Эпиграфика (юнон. *эпи* – устида, тепасида, *гранхо* – ёзаман; бирон нарса, буюм устидаги ёзув) тош, металл буюмлар, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганади.

Нумизматика (юнон. *нумус* – пул) қадимий пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Геральдика (лотин. *геральд* – герб, белги, нишон) қадимий герблар, турли–туман нишон ва белгиларни ўрганади.

Сфрагистика (юнон. *спрагис* – муҳр) қадимий муҳрлар ва уларнинг ёзувларини ўрганади.

Дипломатика (юнон. *диплома* – икки букланган қоғоз; хужжат) расмий хужжатларни ўрганади ва таҳлил қилади.

Хронология (юнон. *хронос* – вақт, *логос* – тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча) қадимги халқлар орасидаги ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ва тақвимини ўрганувчи фан.

Метрология (юнон. *метрон* – ўлчов, *логос* – тушунча, билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакатлар ва халқлар орасида амалда бўлган масофа, оғирлик ва сатҳ ўлчов бирликларини ўрганади.

## **2-топшириқ.**

Тарихий манбаларни, уларнинг умумий характери, ўтмишни ўзида акс эттиришига қараб гуруҳларга бўлинг. Уларнинг ҳар бирига мисол келтиринг. мумкин:

- Моддий (ашёвий) манбалар
- Этнографик манбалар
- Лингвистик манбалар
- Халқ оғзаки ижоди
- Ёзма манбалар
- Мўъжаз расм-миниатюралар

## **3-топшириқ.**

Кичик гуруҳларда мавзуга тегишли бадиий адабиётлардан лавҳаларни дарслиқда, мавзунинг мазмунига мосланг.

### **Назорат саволлари:**

1. Қандай тарихий манба турларини биласиз ?
2. Тарих дарсларида бадиий адабиётдан қандай дидактик мақсадда фойдаланилади?
3. Бадиий адабиётлар классифициясини келтиринг.
4. Бадиий адабиётнинг ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдаги аҳамиятига мисоллар келтиринг
5. Бадиий адабиётнинг қиммати нима билан белгиланади?

**2-МАВЗУ: ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ТАРИХИ ЯНГИ  
БАҲОЛАШЛАР НУҚТАИ НАЗАРИДАН (XVI - XIX АСРНИНГ  
БИРИНЧИ ЯРМИ). (2 соат)**

**Режа:**

1. Маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарлари.
2. Чет эл тадқиқотчиларининг асарлари.

**Ўқув топшириқлар**

**Мавзу бўйича фаоллаштирувчи ва блиц-сўров саволл**

1. Нима учун Ўрта Осиё хонликларга бўлиниб кетди?
2. Шайбонийлар даврида қандай ислохатлар ўтказилди?
3. Аштархонийларнинг қачон ҳукмронлиги бошланди?
4. Хонликлардаги сарой лавозимларини сананг.
5. Хонликлардаги солиқ турларини сананг.
6. Қорақолпоқлар тарихидан нималар биласиз?
7. Хива хонлигини қайси сулола бошқарган?

**2. “Инсерт” жадвалини тўлдириш**

Мавзу саволлари	V	-	+	?
А.Темур давлатининг парчаланиш сабаблари.				
Бухоро амирлигидаги ерга эгалик қилиш турлари.				
Хива хонлигидаги маъмурий бошқарув.				
Қўқон адабий муҳити.				

**3. “Биламан, билмоқчиман, билдим” жадвалини тўлдириш**

Биламан	Билмоқчиман	Билдим



#### 4. Гурухлар топшириғи

1 – гурух топшириғи

- 1.А.Темур давлатининг парчаланиш сабабларини ўрганиш:
2. схемаларда ёки слайдларда ифодалаб бериш

2 – гурух топшириғи

- 1.Бухоро амирлигидаги ижтимоий–сиёсий вазиятни билиш:
2. схемаларда ёки слайдларда ифодалаб бериш

3 – гурух топшириғи

- 1.Хива хонлигидаги маъмурий бошқарувни ўрганиш:
2. схемаларда ёки слайдларда ифодалаб бериш

4 – гурух топшириғи

- 1.Қўқон маданий ҳаётини ўрганиш:
2. схемаларда ёки слайдларда ифодалаш.

#### Ўқув топшириқлари

1. **“Кўргазмали чиқиш” услубида гурух топшириқларини бажариш**

1 – гурух топшириғи: Бухоро амирлиги.

2 - гурух топшириғи: Қўқон хонлиги.

3 – гурух топшириғи: Хива хонлиги.

Бунда учала гурухга 10 дақиқа вақт берилади. Мана шу вақт давомида ҳар бир гурух ватман қоғозга мавзунини очиқ берувчи шакллар, схемалар, ёзувлар чизишади. Чизилган шаклларни таърифлаб беришади Гурухлар

бунда бир–бирини баҳолайди. Хулоса ўқитувчи томонидан айтилади. Албатта, баҳолаш жараёнида гуруҳларнинг ютуқ ва камчиликлари таъкидланади.

## 2. «Блиц-сўров» жадвали сўров вақтида тўлдирилади

	Саволлар	Жавоблар
.	Бухоро хонлиги қачон ташкил топди?	
.	Хонликлардаги кушбеги қандай вазифани бажарган?	
.	Салгут нима?	
.	Танобона солиғи қайси хонликка ҳос?	
.	Қўқонда давлат ишлари қайси тилда олиб борилган?	
.	Бухоро амирлигининг охириги амира ким?	

## 3. 3x3 лойихаси асосида гуруҳларда топшириқларни бажариш

1 – гуруҳ топшириғи:

Қуйидаги фикрни давом эттиринг. “Шайбонийлар даврида қуйидаги ислохатлар ўтказилди.....”

2 - гуруҳ топшириғи:

Қуйидаги фикрни давом эттиринг. “Мулки амлок деганда....”

3 – гуруҳ топшириғи:

Қуйидаги фикрни давом эттиринг. “Қорақолпоқлар XVI асрларда.....”.

## НАЗОРАТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1. Шайбонийлар даврида Моварауннахрдаги ўзгаришлар ҳақида қисқача маълумот беринг?

2. Шайбонийлар ва Аштархонийлар давридаги аҳволнинг бир–бирдан фарқи нималардан иборат?

3. Аштархонийлар нечанчи йилларда ҳокимият тепасига келди?

4. Нима учун Аштархонийлар даврида мамлакат тараққиёти орқага кетди?
5. Бухоро амирлиги қачон ташкил топди ва қайси сулола қўлга олди?
6. Бухоро амирлигидаги бошқарув тизими қандай бўлган?
7. Қушбеги қандай вазифани бажаради?
8. Девонбеги қандай вазифани бажаради?
9. Саройнинг қандай мансаблари бор эди ва улар қандай вазифаларни бажаришган?
10. Нима учун Ўрта Осиё хонликлари бозорларида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва манфаати устун бўла олмасди?
  1. Бухоро амирлиги ҳудуди қаерларни ўз ичига олган?
  2. Амир Шохмурод даврида қандай ўзгаришлар юз берди?
  3. Хива хонлигида Қўнғиротлар кимнинг ёрдами билан ҳокимиятни қўлга олган?
  4. Хивада аҳолининг ижтимоий–сиёсий ахволи қандай кечган?
  5. Хива хонлигида ижод қилган қандай шоирларни биласиз?
  6. Хива хонлигида бунёд этилган қандай меморий обидаларни биласиз?
  7. Хива хонлигини ҳудудини айтинг?
  8. Хива хонлигини Россия билан муносабатлари қандай бўлган?
  9. Қўқон хонлигида Минглар ҳокимиятни қачон ва ким бошчилигида қўлга олди?
  10. Қўқон хонлигида аҳолининг этник таркибини асосан кимлардан ташкил топган?
  11. Қўқон хони Мадалихон даврида Қўқонда қандай ўзгаришлар рўй берди?
  12. Қўқон адабий мухитида қайси шоирлар кўпроқ ижод қилди, уларнинг номларини айтинг?
  13. Қўқон хонлиги ҳудуди қаерларни ўз тассаруфига олган?

### **3-МАВЗУ: БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ БИР ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА. (2 соат)**

#### **Режа**

1. Буюк ипак йўли ва Ўрта Осиё тарихини ўрганиш масалалари.
2. Буюк ипак йўлининг тадқиқотларини халқаро ҳамкорликка кўшилиши (интеграциялашуви)

#### **Ўқув топшириқлар**

##### **1. Буюк ипак йўли мазмунини Т-схема асосида белгилаш**

Буюк Ипак йўли, Шоҳ йўл, Ложувард йўл, Ғарбий меридионал йўл, маҳсулот ташилиши, Шарқ ва Ғарб.

Ривожланиш тарихи	Ҳозирги аҳамияти

##### **2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Буюк Ипак йўлининг аҳамияти нимада?” саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ечиш**

Йўналтирувчи услубий тавсиялар: Ривожланишда, давлатлар тараққиётида ва шаклланишида, ҳар томонлама алоқаларнинг кенгайишида, ва х.з

Савол	“Буюк ипак йўлининг аҳамияти нимада?”
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

### 3. Мавзу бўйича фаоллаштирувчи саволлар:

1. Буёқ Ипак йўли қачон пайдо бўлган?
2. БИЙининг қадимги номларини сананг?
3. БИЙининг вазифаси нималардан иборат?
4. БИЙининг ҳозирги кундаги аҳамияти нималардан иборат?

### 4. «Блиц-сўров» саволларининг жадвали савол-жавоб вақтида тўлдирилади

	Саволлар	Жавоблар
.	БИЙининг қадимги номларини сананг?	
.	БИЙ атамаси ким томонидан биринчи бўлиб фанга киритилган?	
.	БИЙининг вазифалари ҳақида нималар биласиз?	
.	Ўрта Осиёдан қандай маҳсулотлар олиб кетилган?	
.	БИЙ неча километр узунликда?	
.	Темурийлар даврида қадай ободончилик ишлари олиб борилган?.	
.	Нима учун 16 асрда келиб БИЙининг мавқеи пасайиб кетди?	
.	БИЙининг ҳозирги даврдаги аҳамиятини айтиб беринг.	

### НАЗОРАТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1. БИЙининг қадимги номларини сананг?
2. БИЙининг вазифалари ҳақида нималар биласиз?
3. Темурийлар даврида қадай ободончилик ишлари олиб борилган?
4. Нима учун 16 асрда келиб БИЙининг мавқеи пасайиб кетди?


**4- МАВЗУ. "МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ" МОДЕЛИ ВА УНИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШ (XX АСРНИНГ 20-30  
ЙИЛЛАРИ). (2 соат)**

**Режа:**

1. Сталин даврида совет репрессив сиёсатининг ўзбек халқи маданиятига таъсирини тизимли равишда ўрганиш.
2. Ўзбекистонда "қизил империя" нинг сиёсий экстремизми.

**Ўқув топшириқлар**

1. “Балиқ скелети” техникаси асосида “Қандай қилиб жади́длар ҳаракати юзага келди?” саволига жавоб бериш.



**2. «Блиц-сўров» саволлари савол-жавоб вақтида тўлдирилади**

№	Саволлар	Жавоблар
1.	Жадид сузининг маъноси нима?	
2.	И.Гаспарали Туркистон жадидлари фаолиятига қандай таъсир курсатди?	
3.	И.Гаспаралининг 1888 йилги методик дастури қандай номланади?	
4.	Жадидлар ҳаракатининг асосий ғоясини айтинг?	
5.	Жадидчиликнинг вакилларини айтинг?	
6.	Биринчи жадид мактаби қачон ва қаерда очилган?	
7.	Янги усул мактабларида қандай фанлар ўқитилган?	

8.	Жадидлар фаолиятиринг учта мухим даврини сананг.	
9.	Жадид матбуоти ҳақида нималар биласиз?	
10.	Жадидларнинг демократик ҳаракатларига таъсир.	


3. “Жадидлар ҳаракатининг қандай фаолият турларини биласиз?” саволига жавоб бериш

#### 4. Инсерт усулида жадвални тўлдириш

Мавзу саволлари	V	-	+	?
“Туркистон мухторияти” тушунчасининг моҳияти ва унинг концепциялари.				
Истиклолчилар ҳаракатларининг асосий хусусиятлари.				
Бухоро истиклолчиларининг бошқа жойдаги истиклолчилардан фарқи.				
“Ёш хиваликлар”нинг демократик ҳаракатлари.				

### Ўқув топшириқлар

II.1. “Нима учун ?” техникасидан фойдаланиб “Нима учун Истиклолчилар ҳаракати юзага келди? ” саволини ечиш




## Ўқув топшириқлар

1. Графикли органайзер асосида “Советларнинг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати” асосидаги схема-жадвалларни мазмунига қараб тўлдириш.

1.



2. Тоталитар тузумнинг кўринишлари





## Назорат учун саволлар

1. Жаидлар фаолиятининг учта мухим босқичини айтинг?
2. Жаидчилик қандай ҳаракат?
3. Жаидчилик Туркистон қандай омиллар таъсирида қандай вужудга келди?
4. Жаидчилик намояндаларидан кимларни биласиз?
  5. И. Гаспарали фаолияти ҳақида гапириб беринг.
6. Россиядаги октябрь инқилоби ва унинг туркистонга таъсири тўғрисида нималарни биласиз?
7. Туркистон мухторияти нима?
8. Истиклолчилар ҳаракатининг юзага келиш сабаблари?
8. Истиклолчилар ҳаракатининг тарихий аҳамиятини гапириб беринг.

**5 – МАВЗУ: МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИКНИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
МОДЕЛИ - ПОЛИЭТНИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА НОЁБ  
ТАЖРИБА (2 соат)**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси турли миллатлар, динлар, халқларнинг маданияти ва урф-одатларининг тинч ҳаёти ва бирга яшашининг намунасидир.

2. Миллий масалалар ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги устувор вазифалар.

1. Республика Узбекистан - пример мирной жизни и сосуществования различных национальностей, религий, культур и традиций народов. XX век в науке – “век меньшинств”.


2. Приоритетные задачи в области национальных вопросов и межнациональных отношений.

3.

**Ўқув топшириқлар**

1. “Балиқ скелети” техникаси асосида “Ўзбек халқи қандай шаклланишди?” саволига жавоб бериш

2.



## 2. «Блиц-сўров» саволлари савол-жавоб вақтида тўлдирилади

	Саволлар	Жавоблар
.	Этнос сўзининг маъноси нима?	
.	Этник шаклланишнинг биринчи босқичи қайси давр?	
.	Этник шаклланишнинг иккинчи босқичида муҳим роль ўйнаган қавмларни сананг?	
.	“Ўзбек” атамаси қандай келиб чиққан?	
.	Этногенез қандай жараён?	
.	Этник шаклланишнинг учинчи босқичи қайси даврга тўғри келади?	

## 3. “Этник шаклланишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?”

саволига жавоб бериш

**Назорат саволлари ва топшириқлар:**

1. “Этнос” атамаси қандай маънони билдиради?
2. Ўзбек халқини этник шаклланишининг биринчи босқичи қайси даврларни ўз ичига олади?
3. Саклар неча турга бўлинади?
4. Этник шаклланишнинг иккинчи босқичи қайси даврларни ўз ичига олади?
5. Ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган қандай уруф қабилалари номларини биласиз?

**6 – МАВЗУ: ВАТАНИМИЗНИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ:  
 ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ  
 МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТИ. (2 соат)**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамияти тизимида фуқароларнинг маънавий тикланиши.
2. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маънавий кадриятлардан фойдаланиш.

5 Духовное возрождение граждан в системе гражданского общества.

Использование духовных ценностей в построении сильного гражданского общества

**Ўқув топшириқлар**

**1. Инсерт усулида жадвални тўлдириш**

Мавзу саволлари	V	-	+	
“Қайта қуриш” сиёсати ва унинг моҳияти.				
90- йиллардаги сиёсий вазият, унинг Ўзбекистонга таъсири.				
Мустақилликка қўйилган илк қадамлар				
Давлат рамзларининг қабул қилиниши ва тарихий аҳамияти.				

## 2. Гурухларда ишлаш учун топшириқлар:

### 1 – гурух топшириғи

1. Мустақилликнинг тарихий шакларини ўрганиш:
2. чизма ёки слайдларда ифодалаб бериш

### 2 – гурух топшириғи

1. 90- йиллардаги сиёсий вазиятнинг моҳиятини аниқлаш:
2. чизмаларда ёки слайдларда ифодалаб бериш


### 3 – гурух топшириғи

1. Давлат рамзларининг қабул қилиниши ва мазмун моҳиятини ўрганиш:
2. чизмаларда ёки слайдларда ифодалаб бериш

### 4 – гурух топшириқ


1. Мустақилликнинг тарихий аҳамиятини ўрганиш:
2. чизмаларда ёки слайдларда ифодалаш.

**3. “Нима учун ?” техникасидан фойдаланиб “Нима учун собиқ СССР парчаланиб кетди?” саволини ечиш**




**4. Кластер усули ёрдамида «Ҳамкорлик», «Тараққиёт», «Истиқбол» тушунчаларини тармоқлаш**

1.



2.



3.



**5. ФСМУ учун топшириқ: “Жаҳон давлатлари билан ҳамкорлик тараққиёт гарови” тушунчасини таҳлил этиш**

Йўналтирувчи услубий тавсия:

Ҳамкорлик, нуфуз , гуманизм, ривожланиш, истиқбол, таъминлаш, демократия.

Савол	“Жаҳон давлатлари билан ҳамкорлик тараққиёт гарови”
(Ф)Фикрингизни баён этинг	
(С)Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У)Фикрингизни умумлаштиринг	

## V. КЕЙСЛАР

### 1-кейс учун мавзу

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимида татбиқ этилиши масалаларини илмий асосланг

### 2-кейс учун мавзу

Сиз фаолият олиб бораётган олий ўқув юртида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар бўйича тажрибаларни ўртоқлашинг, таклиф ва тавсиялар билдириш.

### 3-кейс учун мавзу

Тарихни урганишда Формацион ва Цивилизацион ёндашув нималардан иборат эканлигини илмий асосланг.

### 4-кейс учун мавзу

Ўзбекистон тарихини урганишдаги ўзгаришларни аҳмиятини қандай баҳолайсиз.

### 5-кейс учун мавзу

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан янги босқичга кўтариш истиқболлари ҳақидаги фикрларини асосланг.

### 6-кейс

Жамият ривожининг янгича назарий-концептуал асосларини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳамда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов асарларига таянган ҳолда асосланг.



## VI. ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Уларнинг шарҳи
<b>Ажам</b>	Ерон мамлақати ва халқи.
<b>Азархурра</b>	Оташпарастрлар топинадиган муқаддас олов ўт
<b>Азата</b>	Эркин шахс; озод маъносида
<b>Айл</b>	Амир Темур аскарӣ қисмларининг ўн нафарлик бўлинмаси.
<b>Аккор</b>	Қоранда; қишлоқнинг зироаткор аҳолиси
<b>Амид ул мулк</b>	Давлат ҳужжатлари ва елчилик алоқалари вазири.
<b>Амир</b>	фармон берувчи, бошлиқ, ҳоким, қўшин бошлиғи, саркарда, ҳукмдор.
<b>Амирлик</b>	Мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат ёки вилоят
<b>Анқо</b>	Шарқ мамлакатларида зикр қилинишича, Қўҳи Қоф тоғида яшаган афсонавий қушнинг номи.
<b>Арк</b>	Ички қалъа, подшонинг шаҳар ичидаги қўрғон — саройи, қароргоҳи.
<b>Арбоб</b>	Бухоро амирлигида қишлоқ ёки шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол.
<b>Археология</b>	Қадимдан қолган, қадимий ёдгорликлар ҳақидаги қадимги замонлар ҳақидаги фан.
<b>Архив</b>	Давлат ёки айрим шахсларга тегишли муҳим қадимий ҳужжатларни сақлайдиган махсус ташкилот
<b>Амир ул умаро</b>	Амирлар амири, бош амир, бош ҳукмдор.
<b>Анинизм</b>	Руҳ ва жонга ишониш, сиғиниш.
<b>Араз Арбоб</b>	Қўшин таъминоти билан шуғулланувчи вазир.
<b>Археолог</b>	Археология мутахассиси, археолог олим.
<b>Атрок</b>	турклар.

<b>Ахриман тангриси.</b>	Зардуштийлик динининг зулмат, ўлим ва қабихлик
<b>Ахурамазда</b>	Зардуштийлик олий тангриси, худоси.
<b>Аъло ҳазрат</b>	Ҳазрати олийлари, жаноби олий.
<b>Бадавий</b>	Араб кўчманчилари.
<b>Банд</b>	Тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони, сув омбори, тўғон.
<b>Барот</b>	1. Ҳижрий йил ҳисоби билан саккизинчи ой (Шаъбон). 2. Оқлик қоғози ҳукмдор томонидан берилган озодлик хати, ёруғлик. 3. Ижарага олиш. 4. Барқондон, илгари барот ойининг охирида қилинадиган базм ва суҳбат.
<b>Боргоҳ</b>	Макон, даргоҳ, дунёга келадиган ва унга қайтадиган азалий муқаддас маскан (жой).
<b>Ботмон</b>	Оғирлик ўлчови (ХИИ ХВ асрларда 20 кг га тенг бўлган).
<b>Барзикор</b>	Қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси.
<b>Беғар</b>	Жамоат ишларига сафарбар етиш, ҳашар.
<b>Библия китоби.</b>	Таврот, яҳудийлар ва христианларнинг муқаддас
<b>Бий</b>	Уруғ ва қабила оқсоқоли.
<b>Бож</b>	Савдогарлардан олинадиган ўлпон, солиқ, товон.
<b>Буронғор</b>	Қўшиннинг ўнг томони.
<b>Бурғу</b>	Карнай.
<b>Бут</b>	Бут, санам, яккахудолик дини келиб чиққунча уруғчилик ва қабилачилик даврида кенг тарқалган мажусийлик бутпарастлик дини.
<b>Бухорхудот</b>	ВИИ асрнинг 80

<b>Бўдун</b>	Чорвадор аҳоли, қора бўдун
<b>Вазир</b>	Девонхона бошлиғи, министр.
<b>Валиаҳд</b>	Тож
<b>Варвар</b>	Юнонлар ўзларидан бошқа барча халқларга нисбатан «варвар» сўзини ишлатганлар.
<b>Валий</b>	Авлиё, азиз, ега, соҳиб.
<b>Вақф</b>	Мусулмон мамлакатларинг масжид, мадраса ва бошқа диний масалаларга қарашли бўлган ер
<b>Вақф нома</b>	Вақф йерларини ихтиёрий равишда берилганлиги ёки васият қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.
<b>Ваҳий</b>	Илоҳий хабар.
<b>Гурхон</b>	Қабила бирлашмаси; хон унвони.
<b>Дарвиш</b>	Камбағал, сўфий, қаландар, фақир.
<b>Дарра</b>	Чарм ва қайишдан тўқилган йўғон ва оғир зарб берувчи қурол.
<b>Дархон</b>	ХИИ-ХИИИ асрларда мўғул қабилалари орасида қўлланилган унвон. Дархонлар ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинганлар, улуғ хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланганлар.
<b>Даҳма</b>	Мақбара, йер ости ва йер усти сағанаси, қабр устига қўйилган ёдгорлик.
<b>Дарғача бошлиқ.</b>	Мўғулларда чорва хўжалигини идора қилувчи
<b>Девон</b>	Вазирлар маҳкамаси.
<b>Девонбеги</b>	Вазирлар маҳкамасининг бош маъмури.
<b>Дехқон</b>	«Қишлоқ оқсоқоли» йер егаси.
<b>Динор</b>	Олтин, танга (бир мисқол4,8 гр га тенг бўлган).
<b>Довул</b>	Катта ноғора.
<b>Доруға</b>	Ҳарбий маъмур.

<b>Дуданг</b>	Ҳосилнинг олтидан икки ҳисобида олинадиган дехқончилик солиғи.
<b>Еничар</b>	Туркларнинг пиёда аскарари.
<b>Ём-жом</b>	Савдо йўлларидаги қўноқ.
<b>Жалойир</b>	Туркий қабилаларидан бири.
<b>Жамоа</b>	Кишилар бирлашмалари шаклларида бири, асосан иқтисодий жамоа тузуми даврига хосдир.
<b>Жариб</b>	958 кв. м йер майдони.
<b>Жарчи</b>	Ҳукмдорларнинг халққа қарата чиқарган фармони, айрим шахсларни тақдирлаш ёки жазолаш ҳақидаги амрини, уруш еълон қилиш ёки тутагани ҳақидаги хабарни ва шу каби хабарларни бозор майдони ёки жамоа тўпланган бошқа йерда баланд овоз билан еълон қиладиган шахс.
<b>Жайхун</b>	Амударёнинг номларидан бири.
<b>Жаҳонгир</b>	Жаҳонни олувчи, жаҳонни бўйсундирувчи.
<b>Жета</b>	Қароқчи, қолоқ.
<b>Жийба, Жева</b>	Қадимги темир ёки пўлатдан ясалган ҳарбий кийим.
<b>Жиловдор</b>	Хонни ёки бошқа олий мартабали кишини отга миндириб ва тушириб қўювчи хизматкор.
<b>Жоме масжиди</b>	Жамоат намози ўқиладиган катта масжид.
<b>Жувонғор</b>	Қўшиннинг сўл қаноти.
<b>Жузъя</b>	Ислом дини қоидасига кўра ғайридинлардан олинадиган солиқ.
<b>Жўчи улуси</b>	Чингизхон салтанатининг 1224-йилдаги бўлинишида унинг катта ўғли Жўчихонга теккан улус
<b>Закот</b>	Тозалаш, 1. Мусулмон мамлакатларда аҳоли умумий бойлигининг 1/40 миқдорида ҳар йили олинадиган диний солиқ. 2. Мусулмонларда «Тозаловчи» диний

	солиқ бўлиб, бу ҳақда «Қуръон»да оят бор.
<b>Зардуштийлик</b>	Ўрта Осиё халқларининг қадимий дини, унинг номи шу динга асос солган пайғамбар Зардушт ёки Зардўст номи билан боғлиқ (юнонча Зороастр).
<b>Зарбхона</b>	Чақа ва тангалар сўқиладиган устахона.
<b>Зиндиқлик</b>	Худосизли Қ динга ишонмаслик.
<b>Зиндон йертоиа.</b>	Қоронғили Қ ўтмишда йер остидаги қамоқхона,
<b>Зулқарнайн</b>	Александр (Александр Македонский)нинг лақаби, икки шохли маъносида.
<b>Илекхон</b>	Қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган кичик ҳукм-дораинг унвони.
<b>Имом</b>	1. Диний олий раҳбар, ҳукмдор (халифа. Яман вилоятининг бошқарувчиси, туркларда султон, форсларда Ҳазрати Алининг авлоди), 2. Шиаларнинг олий бошлиғи. 3. Тўрт асосли мазҳабдан (ханафийлар, ханбалийлар, моликийлар ва шофеъийлар) бирига асос солувчи: 4. Ҳамма мусулмонлар ёки улар бир гуруҳининг бошлиғи, рухоний; 5 Намозда жамоатнинг олдида туриб, намозни бошқарувчи.
<b>Илми аруз</b>	Шеърят.
<b>Расул</b>	Елчи, пайғамбар.
<b>Регистон</b>	Ўрта асрларда шаҳарнинг марказий майдони.
<b>Риёзот</b>	Математика.
<b>Садок</b>	Ўқдон.
<b>Садр</b>	Диний ва дунёвий ҳокимият ҳукмдори.
<b>Саъид</b>	1. Муҳаммад пайғамбар авлодларининг фахрий унвони. 2. Баъзи мусулмон мамлакатларида ҳукмдор

	унвони.
<b>Салтанат империя.</b>	Ҳокимият, султонлик подшолик ҳукмронлик
<b>Сарбадор</b>	Бошини дорга тикувчи, дор остига борувчи.
<b>Сарбоз</b>	Оддий жангчи.
<b>Сардор</b>	Бошлик, йетакчи, йўлбошчи, раҳбар.
<b>Соҳибқирон</b>	Аскар, қўшин.жаҳон егаси, жаҳонгир.
<b>Суворий</b>	Отлик аскар.
<b>Султон</b>	Подшоҳ, ҳукмдор.
<b>Султонлик</b>	Тепасида султон турган давлат, султон ҳокимияти.
<b>Суннийлар мусулмонлар.</b>	Сунний мазҳабидагилар, суннатга амал қилувчи
<b>Суюрғол</b>	Олий табақа зодагонларга инъом қилинган йер-мулк.
<b>Таворих</b>	Тарихлар.
<b>Таврот</b>	Беш китоб, яҳудийларнинг муқаддас беш китоби, қадимги вазият.
<b>Талант</b>	Аҳамонийлар даврида солиқ миқдори, бир талант 34 кг тенг.
<b>Талмуд</b>	Таълимот, Талмуд. Инжилни изоҳлаш мақсадида милоддан аввалги ИВ асрдан милоднинг В асри ўрталаригача қадимги яҳудий тили ва арамей шевасида ёзилган диний китоб.
<b>Тамға</b>	Савдо божи, савдогарлардан олинадиган солиқ.
<b>Таноб</b>	Ер ўлчови, 2-2,5 минг кв. м ҳажмдаги майдони.
<b>Тархон</b>	Озод етилган. 1. Ўрта асрлардаги феодалнинг унвони. 2. Солиқлар тўлашдан озод етилган йер ва мулклар. 3.О`збек-рурк уруғларидан бирининг номи.
<b>Тахт</b>	Муайян баландликда ўрнатилган ссрҳашам, зийнатли таянма курси, подшо (монарх) ўтирадиган жой,

	подшолиқ салтанат.
<b>Тахт вориси</b>	Валиаҳд, салтанат вориси, тож-у тахт меросхўри, меросхўр шаҳзода, бўлажак ҳукмдор.
<b>Тож</b>	Тож-тахт, салтанат, мустабид ҳокимият белгиси
<b>Тотем</b>	Уруғ ёки қабила ибтидоси, уруғ асосчиси, аждод, уруғ жамоалари топинадиган ҳайвон, ўсимлик ёки жисм.
<b>Тотемизм</b>	Тотемларга сиғиниш.
<b>Туман</b>	1. Ўн минглик ҳарбий қисм. 2. Уйезд, раён. 3. Ўн минг. 4. Ерон тилла пули.
<b>Туман оғаси</b>	Ўн минглик аскарый қисм амири, қўмондон.
<b>Туғро</b>	Давлат нишонаси, герб.
<b>Уламо</b>	Олимлар, мусулмон давлатларида қозилар, мусулмон руҳонийларининг юқори табақаси.
<b>Улус</b>	Ел, ҳарбий — маъмурий ўлка.
<b>Умаро</b>	Амирлар.
<b>Уммат</b>	Бир тилда сўзлашувчи кишилар, бир пайғамбарга тобе инсонлар.
<b>Устурлоб</b>	Астрономия асбоби, астрология.
<b>Ушур</b>	Ҳосилдан <b>10</b> фоиз ҳисобида олинадиган Деҳқончилик солиғи
<b>Фармондо</b>	Бошқарувчи.
<b>Фулус</b>	Майда мис чақа.
<b>Фикҳ</b>	Диний ҳуқуқ илми.
<b>Хабаргир</b>	Хабарчи, кузатувчи, айғоқчи.
<b>Хазара</b>	Минглик аскарый бўлинма.
<b>Халифа</b>	Ўринбосар, хулафо - халифалар.
<b>Халифалик</b>	Халифа ҳокимияти.
<b>Хандаса</b>	Геометрия.

<b>Хандак</b>	Мудофаа иншооти.
<b>Хатиб</b>	Дин пешвоси.
<b>Хатгот</b>	Китоб ва рисоалар кўчирувчи котиб.
<b>Хирож</b>	Солиқнинг бир тури; ҳосилнинг 20-25 фоизи ҳисобидан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи
<b>Хожа</b>	Эга, бошлиқ, уй егаси, оила бошлиғи.
<b>Хонақоҳ</b>	Масжид ибодатхонаси, ғарибхона, мусофирхона.
<b>Хутба</b>	жума кунлари ва хайитларда ўқиладиган намоз (унга давлат бошлиғининг номи қўшиб ўқилган)
<b>Хўжа, хожа, хўжайно, хўжайин</b>	Ер-сув хўжаси.
<b>Чархпалак</b>	Сув кўтартиш иншооти.
<b>Черик</b>	Қўшин, аскар.
<b>Чиқир иншоот.</b>	Туя ёки хўкиз қўшиб айлантириладиган сув кўтаргич
<b>Чокар</b>	Ҳарбий дружина, қуролланган гуруҳ, кўнгиллилар тўдаси.
<b>Чоракор</b>	Ўзгалар йерида ишлаб, ҳосилнинг 25 фоизини ўзига олиб ишлайдиган ёлланма қўшчи, зироаткор.
<b>Чўр</b>	Лашкарнинг шарқий қанот амири.
<b>Шайх</b>	Ислом динида олий руҳонийлар вакили, диний ақидаларни билувчи, ваъз-насихат қилувчи, баъзан олий, диний ўқув юрти талабаси.
<b>Шайхул-ислом</b>	Дин ва ислом илми пешвоси, ислом дини оқсоқоли, диний арбоб.
<b>Шариат</b>	Қуръони Каримда баён қилинган ислом динининг ҳуқуқий ва урф-одат қоидалари.
<b>Шаҳристон</b>	Ички шаҳар.



<b>Шиалар</b>	Шиа мазхабидагилар, шиага амал қилувчи мусулмонлар.
<b>Елоқхон</b>	Елнинг оқ хони; юртнинг кичик ҳукмдори, вилоят ҳокими.
<b>Шох</b>	Подшо, монархлик унвони.
<b>Етногенез</b>	Халқ ва елатнинг келиб чиқиши.
<b>Ябғу ёки жабғу</b>	Ел-юрт ҳокими.
<b>Ялавоч</b>	Хабар йетказувчи.
<b>Ясовул</b>	Соқчи.
<b>Ясоқ</b>	Солиқ, жарима, тўлов.
<b>Ўрдугоҳ</b>	Кўшин лагери, тўхтайдиган кўноқ; подшо қароргоҳи.
<b>Ўтлоқ ва сувлоқ</b>	Яйловлардан олинадиган солиқ.
<b>Қавм</b>	Бир уруғ вакиллари.
<b>Қайсар</b>	Подшоҳ; Рим ва Юнон подшоларининг қадимий лақаби.
<b>Қаландар</b>	Дунёдан кўнгли совиб ўзини чеккага олган киши, тарки дунё қилган одам, узлатга кетган киши; елма-ел тентираб юрувчи дарвеш.
<b>Қалъа, қаср</b>	Сарой, қўрғон.
<b>Қасида</b>	Шеъринг мадҳ, мақтов ёки марсия.
<b>Қирон</b>	Икки сайёранинг бир бурчагига яқин келиши.
<b>Қози</b>	Ижрочи, амалга оширувчи, ҳукм қилувчи.
<b>Қозиул қувват</b>	Бош қози, олий судя.
<b>Қорахон</b>	Буюк хоқон
<b>Қуи қолган кишиси.</b>	Хўжайинининг, қулдорнинг хусусий мулки бўлиб
<b>Қулдор</b>	Қулга егалик қилувчи эксплуататор.
<b>Қурултой</b>	Туркий ва мўғул халқларида умумий йиғилиш,

<b>кенгаш</b>	
<b>Қуръон</b>	Ислом динининг муқаддас китоби.
<b>Қўрғон</b>	атрофи баланд девор билан ўралган дарвозали турар жой.
<b>Ғазавот</b>	Ҳарбий юриш, босқин, хужум. Ислом динини ёйиш мақсадида ва ғайридинлар, кофирларга қарши қурол кучи билан амалга ошириладиган «муқаддас» уруш
<b>Ғозий</b>	1. Мусулмонларнинг ғайридин, кофирларга қарши олиб борган урушлари. 2. Ғайридинларга қарши курашга раҳбарлик билан ёки алоҳида маҳорат билан урушган жангеҳига бериладиган фахрий унвон.
<b>Ғуломлар</b>	Қароллар, қуллар, ёш хизматкорлар.
<b>Ғусл</b>	Чўмилиш
<b>Ҳижрат</b>	622-йилда Пайғамбар Муҳаммад алайҳивассалом ва мусулмонларнинг Маккадан Мадинага қўчиб боришлари. Ҳижрий йилининг бошланиши.
<b>Ҳожиб</b>	Ҳарбий бошлиқ.
<b>Ҳожибул</b>	Ҳужоб; қўмондон
<b>Ҳажар ул-асвод</b>	Маккада ҳожилар тавоф қиладиган катта қора тош.
<b>Ҳоким</b>	Вилоят ҳокими. 2. Ҳукмдорнинг вилоятдаги ноиби. 3. Шаҳар, уйезд ҳокими.
<b>Ҳорун</b>	Посбон, кузатувчи; Мусо пайғамбар акасининг исми.
<b>Ҳоқон ёки қоон</b>	Ҳукмдор, подшо.

## **VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш

- стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
  13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
  14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
  15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
  16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.
  17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

19. Allison S. (Ed.). *History of Europe: Series C: New Era.* – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
20. Avery P. *The Cambridge History of Iran.* – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.
21. Bayly S. *The Cambridge History of India.* – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
22. Bose S. *The New Cambridge History of Asia.* – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
23. Brundage A. *Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing.* – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
24. Bunch B., Hellems A. *The history of science and technology.* – Boston – New York, 2004.
25. Burton A. (Ed.). *History of the world from ancient to modern times: Europe.* – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
26. Burton A. (Ed.). *History of the world from ancient to modern times: North and South America.* – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
27. Collins R. *The Arab Conquest of Spain, 710–797.* – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
28. David Spencer “Gateway”, *Students book*, Macmillan 2012.
29. *English for academics.* Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
30. Grant E. *A Source Book in Medieval Science.* – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
31. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
32. Haskins C. H. *Studies in the History of Mediaeval Science.* – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
33. Haskins C. H. *The Renaissance of the Twelfth Century.* – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).

34. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
35. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
36. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017.– p. 193.
37. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooksAccount 2015. - 134 pp.
38. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
39. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
40. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
41. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
42. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
43. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.
44. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
45. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
46. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

47. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
48. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
49. Гулобод Кудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
50. Европа мамлакаларива АҚШ 1640–1918 йилларда. /А.Холлиевтаҳририостида.–Тошкент: Университет, 2010.
51. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
52. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
53. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
54. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
55. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
56. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
57. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
58. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
59. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
60. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
61. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти

чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so'z, 2017.

62. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

63. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).

64. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

65. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz)

66. Ўзбекистони Республикаси Президентининг расмий сайти: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

67. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>

68. “Халқсўзи” газетаси – [wwwinfo XS. Uz](http://wwwinfo.XS.Uz).

69. “Туркистон” газетаси – [wwwturkistonsarkor. uz](http://wwwturkistonsarkor.uz).

70. “Маърифат” журнали – [wwwma'rifat – inform](http://wwwma'rifat-inform).

71. “Жамият ва бошқарув” журнали – [wwwrzultacademyfreenetuz](http://wwwrzultacademyfreenetuz).

72. “Мозийдан садо” журнали – [www moziy dostlink. Net](http://wwwmoziy.dostlink.Net)



Berdaq atindagi Qaraqalpaq Mámleketlik Universiteti “Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan tariyxı” kafedrası dotsenti G. Seydametova tárepinen tayarlangan **“Ózbekiston tarixi fanidagi innovasiyalarnı ta'lim tizimiga tatbiq etilishi”** atamasındađı oqıw metodik kompleksine

## PIKIR

Xalqimizdın en áyemgi zamanlardan hazirgi kúnlerge shekem basıp ótken uzaq hám quramalı tariyxiy jólin, mámleketshiligin, jamiyetlik siyasiy, ikonmikaliq, madeniy hám ruwqiy turmisin úyreniw, mámleketimizdin dáslepki mámleketlik dúzilmelerin, garezsizlik dáwiri mámleketshiliginin rawajlaniwi siyaqlı actual máseleni tariyxiy kóz qarastan úyreniwge qaratılğan. Sonliqtanda “Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan tariyxı” kafedrası dotsenti G. Seydametova tárepinen tayarlangan **“Ózbekiston tarixi fanidagi innovasiyalarnı ta'lim tizimiga tatbiq etilishi”** atamasındađı Modul oqıw metodik kompleksi búgingi kúni joqari bilimge iye tariyxshi qániygelardi tayarlawda, Ózbekstan tariyxin úyreniwde óz bilimlerin tereń ózlestiriwi ushin úlken áhmiyetke iye.

Modul **“Ózbekiston tarixi fanidagi innovasiyalarnı ta'lim tizimiga tatbiq etilishi”** pániniń oqıw dástúri tiykarında jazılğan bolıp, onda tiykarinan Watanimizdın qádimgi dáwirinen bugingi kúnimizge shekemgi ótken bir neshe min jilliq tariyxin óz ishine alğan dáslepki qala mádeniyatlari, lawazimlar, jer iyeligi, itibarğa ilayiq nuqtalar ajratıp kórsetilgen, jana mađliwmatlar menen bayitılğan. Modulda hár bir tema oqıw dásturine sáykes jobalastirilğan hár bir ótilgen temaniń tinlawshilar tárepinen qadađalawına tiyisli sorawlar berilgen.

Avtor tárepinen jazılğan bul Modulda tinlawshilarda **“Ózbekiston tarixi fanidagi innovasiyalarnı ta'lim tizimiga tatbiq etilishi”** boyınsha barliq bilimleriniń toplaniwına hám tusiniklerdin qalıplesiwine járdem beredi dep esaplayman.

QMU “Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan tariyxı”  
kafedrası dosenti, t.i.k.

K.Tangirbergenova

